R 895
1982/6

ГУЛИСТОН

6
1982

Жарқўрғон районидаги „Сурхон“ тажриба хўжалигида жойлашган қишлоқ касалхонаси 155 ўринга эга. Бу ерда туғруқхона, гинекология, терапия, хирургия ва болалар бўлимлари мавжуд. Касалхона ҳозирги замон ускуналари ва аппаратуралари билан жиҳозланган. Суратда: акушер-гинеколог Мансура УСМОНОВА билан ҳамшира Раъно ОЛЛАМУРОДОВА гўдакларни кузатувдан ўтказмоқда.

СССР нинг 60 йиллиги олдидан

Абдувоҳид КАРИМОВ
Узбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг биринчи секретари,
СССР Олий Советининг депутати

БУХОРОНИНГ ЗИЛОЛ СУВЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, замонамизнинг буюк сиёсий ва давлат арбоби ўртоқ Леонид Ильич Брежнев серқуёш республикамизга учинчи Ленин орденини топширишга бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган ёркин нутқида Узбекистон меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги жўшқин фаолиятига катта баҳо берди. «Бу ютуқларга осонликча эришилмаганлигини ҳаммамиз яхши тушуниб турибмиз,— деди Леонид Ильич.— Бу муваффақиятларга Совет Узбекистонининг миллион-миллион ишчилари ва колхозчилари қилган саботли, кўпинча қаҳрамонона меҳнати туфайли эришилди».

Коммунистик партия ва Совет давлати бошлиғининг серқуёш диёримизга келиши, бунёдкор, ижодкор кишилар билан учрашувлари ҳамда ютуқларга муттасил эришишимизнинг жанговар программаларини белгилаб бериши республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори областимиз меҳнат аҳлини ҳам янги зафарларга даъват этмоқда. Бухороликлар қўлга киритилган ютуқларни шонли меҳнат билан мустаҳкамлаш туфайли СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишни ўзларининг қалбларига жо этганлар.

Шу нарсани зўр фахр-ифтихор билан айтиш лозимки, Ленин орденли областимизнинг меҳнаткашлари ҳар йили халқ хўжалигининг барча соҳасида ажойиб зафарларга эришиб, жонажон Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, коммунистик мўл-кўлчиликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётирлар. Партия ва ҳукуматимизнинг беқиёс ёрдамлари туфайли Бухоро ерида мислсиз ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, қадимий воҳа кишилари учун асрий орзу бўлиб келган сув проблемасининг ҳал этилиши халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида кескин бурилиш ясашга имкон яратди.

Бухоро тупроғи — жавоҳирлар кони. Бу тупроқда етиштириладиган пахтанинг ҳам, доннинг ҳам, ширин-шакар меваю қовун-тарвузнинг ҳам қадим-қадимдан машҳур бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бухоро қоракўли ва ипагининг довруғини бутун жаҳон билади. Озод ва бахтли меҳнат нашидасидан баҳраманд бўлган деҳқонлар Совет ҳокимияти йилларида Зарафшон дарёсидан оқиб келган ҳар бир қатра сувни зар деб билиб, колхоз ва совхозларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатдилар. Обиҳаёт етарли бўлмаган бир шароитда: «Оз сув билан мўл ҳосил» деган шиор асосида иш олиб бориларди. Айниқса, ёз фаслида сувнинг камайиб кетиши экинларнинг қовжираб қолишига олиб келар, бу нарса кўзланган ҳосилни етиштиришга салбий таъсир кўрсатар эди. Бунинг устига Зарафшон дарёсида тўпланган шўр ва зах сувлар билан деҳқончилик қилиш оқибатида ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳам издан чиққан эди. Шу боисдан ҳам Амударёдан сув келтириш Бухоро учун ҳаётий зарурат бўлиб қолган эди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрликлари туфайли бу орзу рўёбга чиқди.

60-йилларда қуриб битказилган 160 километрлик Аму — Бухоро машина канали бир қатор районларни сув билан қисман таъминлашга хизмат қила бошлади. Бу борада Аму — Қоракўл каналининг бунёд этилиши ҳам сувга бўлган танқисликни бартараф этиш йўлидаги дастлабки қадам бўлди. Бироқ областда мавжуд бўлган барча резерв ҳамда имкониятларни тўла ишга солиш орқали пахтачилик ва чорвачиликни, деҳқончиликнинг бошқа соҳаларини кескин юксалтириш учун Амударёдан олинадиган сув миқдорини бир неча баравар кўпайтириш талаб этиларди. Чунки мавжуд экинзорларга туташ Қоровулбозор, Ўртачўл, Маликчўл, Мохонкўл, Варахша, Қутчи, Замонбобо, Шўркўл каби ўнлаб чўл, саҳро, яйловларни боғ-роғларга, мўл-кўлчилик хазинасига айлантиришни ҳаёт тақозо этмоқда эди. Шунингдек, деҳқончилик маданиятини кўтариш, эскидан экин экиб келинаётган майдонлар структурасини яхшилаш йўли билан ҳосилдорликни ошириш учун сув сероблигича эришмоқ зарур эди.

Область партия комитетида бу масала кенг ўрганилди. Партия, совет ташкилотлари, мутахассислар, тажрибали деҳқонларнинг фикр-мулоҳазалари, фан ва техникамизнинг имкониятлари асосида сув проблемасини қисқа муддатларда ҳал этишнинг режалари тузилди. Бу соҳада ота-боболаримизнинг қадимий анъанаси — ҳашар усулидан фойдаланишга жазм этдик.

Республикамизнинг партия ва ҳукумати ҳам бухороликларнинг бу соҳадаги ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватладилар. Шундай қилиб, Аму-Бухоро машина каналининг 233 километр узунликдаги иккинчи навбати қурилди. 2 та қудратли насос станцияси ёрдамида бир секундда Амударёдан 270 кубометргача сув олинадиган бўлди. Бу билан областнинг деярли ҳамма районларида сув таъминоти яхшиланди. Ҳозир жами майдоннинг 82 проценти ёки 238 минг гектар майдон Аму суви билан таъминланмоқда, 73 минг гектар қўшимча майдон сув билан таъминланди.

Учинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан юксалтириш юзасидан партия қўйган улуғвор вазифаларни тўла бажариш учун ирригация ва мелиорация соҳасида янада кенгроқ программадаги ишлар амалга оширилди. Шуни зўр мамнуният билан қайд этиш керакки, сув иншоотларини қуриш, экинзорларни кенгайтириш, қишлоқ хўжалигида техника прогрессини кенг жорий этиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни тўла бажаришимизда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати ва турли министрликлар катта амалий ёрдам кўрсатдилар. Ҳурматли Шароф Рашидович Рашидов ўзининг йўл-йўриқ ҳамда доно маслаҳатлари билан партия, совет ташкилотларига ҳамда мутахассис кадрларимизга ўз маслаҳатларини бермоқда. Ш. Р. Рашидовнинг бир неча марта Бухорога келиб, конкрет кўрсатмалар бериши умумхалқ социалистик мусобақасини янада авж олдиришда белгиланган тадбирларни тез ва соз бажаришда жиддий роль ўйнади.

Партия ташкилотларимиз, қурувчи ва ирригаторларимиз кенг омманинг кучига, қудратли техникага таяниб иш тутдилар. Хусусан, янги сув йўллари қурилишида турли миллат вакилларининг қўлни қўлга бериб меҳнат қилиши муваффақиятлар омили бўлди. Бухороликлар Москва, Ленинград, Урал мутахассисларининг бу соҳадаги ёрдамларини ҳеч қачон унутмайдилар. Канал, насос станцияларини бунёд этишда жонбозлик кўрсатган «Уралэлектротяжмаш» бирлашмасидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Тополков, ураллик слесарлар Ю. Потельников, А. Россих, А. Туричин, Навоий Тоғ-металлургия комбинатидан А. Жонвер, С. Муҳиддинов, экскаватор машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Журавлев, Ленин ордени кавалери Ф. Жабборов каби замонамиз фарҳодларининг бир оила фарзандларидек сабот-матонат кўрсатишлари таърифу таҳсинга лойиқдир.

Ҳа, совет кишиларининг дўстлиги, қардошлиги буюк синовларга бардош бера олган қудратли кучдир. Шу сабабдан ҳам партия ташкилотларимиз бу дўстликни ғоят эъзозлайдилар, қадрлайдилар. Айниқса, бу эзгу туйғу умумхалқ ҳашари йўли билан Шўркўл, Тўдакўл сув омборлари, Ўртачўл, Навоий, Свердлов, Конимех, 1 Май, Емонжар, Мингчинор, Қасаба сингари каналлар ҳамда қудратли насос станцияларни қурилишида янада ёрқинроқ намоён бўлди. Обиҳаёт трассаларини қисқа муддатларда ишга туширишда шонли традицияларга содиқ ишчилар билан азамат колхозчилар елкама-елка туриб тер тўкдилар. Шу боисдан ҳам айрим сув иншоотлари мўлжалдагидан анча олдин — бир-бир ярим ой ичида фойдаланишга топширилди.

Сув иншоотлари қурилиши ишига раҳбарликни партия ташкилотлари бевосита ўз қўлларига олдилар. Область партия комитетининг зарбдор объектларидаги қурилиш штаблари бунёдкорликнинг юксак маромини таъминладилар. Канал қурувчилари ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтиришга, моддий-маънавий рағбатлантиришга доимий эътибор бердилар.

Бугунги Бухоро учун сув проблемаси узил-кесил ҳал этилди, дейиш мумкин. Эндиликда секундига 300—350 кубметр Амударё суви бепоён далаларимизга ҳаёт бахш этмоқда! Йилнинг истаган фаслида деҳқонлар сувга муҳтожлик сезмайдилар. Шўркўл, Тўдакўл, Қуйимозор каби сув омборларининг умумий сиғими қарийб 2 миллиард кубметрга етказилди.

Областда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида ҳам кўп иш қилинди. Юзлаб километрлик коллекторлар, жуда кўп дренажлар ёрдамида экин майдонларидаги тузлар сизот сувлари орқали оқизиб юборилди. Натижада суғориш учун фойдаланадиган сувдаги туз миқдори кейинги йилларда кескин камайди.

Бундан колхоз ва совхозлардаги экин майдонлари мелиорацияси қанчалик яхшиланганлигини билиб олиш қийин эмас.

Сув — ҳаёт, сув — кут-барака манбаи. Бу — ҳаёт аллақачон исботланган ҳақиқат. Сув сароблигига мушарраф бўлган бухоролик деҳқонлар КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш йўлида фидокорлик кўрсатмоқдалар, оне тупроқда зар ундириш, унинг саховатини коммунистик қурилиш ишига хизмат қилдириш учун ҳамма имкониятларни ишга солмоқдалар. Бултур область бўйича рекорд ҳосил олинди — 661 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» Ватанга армуғон этилди. Бухоро ерида 39 центнерлик хирмон яратиш осон иш эмас! Бугунги кунда областимиз меҳнаткашлари ўз сафларидан етишиб чиққан уста пахтакорлар билан фахрлана оладилар. Съездлар йилида байроқдор Ғиждувон районида 50,3 центнердан, Ромитан, Пешку, Қоракўл, Олот районларида 41—47 центнердан ҳосил олинди. 20 хўжаликда 45 центнер ва ундан ҳам ошириб хирмон кўтарилди. Ғиждувон районидаги Калинин номли, «Гулистон», 1981 йилги Бутуниттифоқ мусобақаси ғолиби Пешкудаги «Москва» колхозларида, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида ҳар гектар ердан олинган ҳосил 50—60 центнерни ташкил этди. Рекорд хирмон яратган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Истам Турсунов, Эргаш Йўлдошев, КПСС XXVI съезди делегати Мавжуда Шарипова, Қўнди Исломов, Ғаффор Қаҳҳоров каби юзлаб тажрибакорларнинг номлари бутун республикага ёйилди. Бу зафарлар партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари амалга оширган юксак ташкилотчилик, тарбиявий-сиёсий ишлар самараси эди. Бу ютуқлар

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 6 (388)

Июнь

1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

«ҲАМЗА» ТЕПЛОХОДИ

Ока дарёсининг ўнг қирғоғида Карачарово деб аталадиган қишлоқ бор. Шу қишлоқ рўпарасида — Навашино районида йирик «Ока» кемасозлик заводи қад кўтарган. Яқинда ана шу корхона ишчилари ўзбек халқининг ажойиб фарзанди шарафига «Ҳамза» юк теплоходини сувга туширдилар. Завод ҳаётидаги муҳим воқеага бағишланиб тантанали митинг бўлиб ўтди. Митингда Ўзбекистондан борган делегация аъзолари, жумладан мазкур сатрларнинг муаллифлари ҳам иштирок этдилар.

«Ока» кораблсозлик заводи дарёлар ва денгизларда сузувчи кемалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона коллективи айни пайтда мамлакатимизнинг турли бурчакларига, жумладан Ўзбекистонга ҳам сузувчи насос станциялари етказиб беради. Масалан, Амударё сувларида сузиб юрувчи станциялар Қарши даштида ўзлаштирилган пахтазорларга обиҳаёт таратмоқда. Мана, эндиликда Навашинодаги минглаб кораблсозларнинг қўли билан қудратли «Ҳамза» теплоходи бунёд этилди. Теплоходга алоқадор ҳар бир мехнатчи унга ўз фарзандидай муносабатда бўлаётир. Завод директори Николай Фёдорович Терешкин эса мазкур қудратли кемани афсонавий баҳодир Илья Муромец билан қиёслайди:

— Муромец сувга тушиш муддатини 33 йилу 3 ой ва яна 3 кун давомида кутди. Бизнинг «Ҳамза» кораблимиз эса 16 ойдаёқ қад ростлади. Мана, у бутун гўзаллиги ва салобати билан қаршингизда намоён бўлиб турибди.

Ҳа, теплоход ер юзасида бутунлай ўзгача қиёфага эга бўлар экан. Ҳатто винтлари ҳам ерда турган самолётнинг пропеллерига ўхшаб кўринади. Баландлиги 12 метр, узунлиги 125 метр, эни 16 метрдан зиёд 2 минг 650 тонна оғирликдаги теплоход металлдан ясалган салобатли бинога ўхшайди. У 5 минг 500 тонна юк ташиш қувватига эга. Юклар ўз бортига ўрнатилган тўртта кран орқали ортилади, «Ҳамза» теплоходи двигателларининг қуввати 3 минг от кучига эга бўлиб гаванга кирмасдан ўттиз суткага қадар сузиб юриши ва олти минг миль масофани босиб ўтиши мумкин. У энг замонавий навигация воситалари ва автоматик асбоб-ускуналар билан таъминланган. 23 кишидан иборат экипаж учун барча қулайликлар мавжуд.

Кемаларни сувга тушириш маросими бу ерда ҳамиша ҳаяжонли кечади. «Ока» заводининг анъанасига кўра, бу кун очиқ эшиклар куни деб эълон қилинади. Бу гал ҳам заводнинг минглаб ишчилари ва Навашино райони аҳолиси транспарантлар ва байроқлар билан безатилган теплоход олдида тўпландилар. Минбарга Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг катта портрети қўйилган, уни мазкур завод рассоми Михаил Копченов ишлаган. Ўзбек совет адабиёти асосчисининг портрети шу кундан бошлаб теплоход кают-компаниясини безаб туради.

Оркестр садолари янграйди. КПСС Горький область ва Навашино район комитетларининг раҳбарлари, фахрли меҳмонлар, СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева бошлиқ Ўзбекистон делегацияси минбарга кўтариладилар.

— Мамлакатимизда кораблсозлашинога дўстлик иплари билан чамбарчас боғланган республикалар ва шаҳарлар кўп,— деди завод партия комитетининг секретари Вячеслав Михайлович Докукин.— Иттифоқдош республикаларнинг буюк арбоблари номини олган кемалар СССР халқлари қардошлиги байроғини ҳилпиратиб, денгизлар ва дарёларда кезиб юрибди. Бизнинг «ёзувчилар флотилиямизда» «Садриддин Айний», «Янка Купала», «Мухтор Авезов», «Сергей Смирнов», «Максим Рильский» бор. Эндиликда ана шу сафга «Ҳамза» теплоходи ҳам қўшилди. Ажойиб инсон Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди халқлар бирдамлиги учун курашга бағишланганлиги ҳаммамизга маълум.

Ҳамза билан икки марта учрашиш шарафига муяссар бўлган ва унинг пьесаларидаги кўплаб ролларни ижро этган ўзбек актрисаси Сора Эшонтўраеванинг ҳикоясини митинг иштирокчилари мамнуният билан тингладилар. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг бригадири Бурхон Ирисхўжаев навашиноликларга Ўзбекистон пойтахтидаги Ҳамза райони меҳнаткашларининг қизғин саломини топширди. Республикамиздан борган меҳмонлар завод ишчилари ва СССР Денгиз флоти министрлиги вакилларига кемадаги Ҳамза музейи учун дастлабки экспонатларни совға қилдилар. Кораблсозлар эса, меҳмонларга кема макетини тақдим этадилар.

Кораблсозлар ҳаётида унутилмас дақиқалар бошланади. Денгизчиларнинг қадимий анъанасига биноан кема бортига шампан шишаси отиб синдирилади. Бу шарафли топшириқни ишлаб чиқариш илғори Лидия Штирева ижро этади.

Бош кораблсоз Станислав Дмитриевнинг буйруғи янграйди. Сим арғамчилар тараддудланади, теплоход сувга туширила бошланади. Қирқ минутдан сўнг Ока дарёси «Ҳамза» теплоходини ўз бағрига олади.

Завод касаба союзи комитетининг раиси Михаил Гундоров «Ҳамза» теплоходининг муддатидан икки ҳафта аввал сувга туширилганини айтди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига кораблсозлар ўртасида авж олган социалистик мусобақа туфайли ана шундай муваффақиятга эришилди.

Азов денгизи пароходчилигига қарашли «Ҳамза» теплоходида СССР Давлат байроғи тантанавор ҳилпираб турибди.

Ҳа, ўзбек халқининг буюк фарзанди, Октябрь инқилобининг оташин куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий дарёлар ва денгизлар оша абадият сари ўз сафарини яна давом эттирмоқда.

Ш. ЗАЙНИДДИНОВ,
О. ЁҚУБОВ

Навашино — Горький — Тошкент



Суратда: **ҲАМЗА** теплоходини сувга туширишга бағишланган митинг.

партиямизнинг ленинча доно аграр сиёсати натижасидир. Бу муваффақиятлар ўлкамизнинг сувга қонганлиги туфайлидир. Бундай юқори ҳосил халқимизнинг улуғ Ленинга, шонли партиямизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатининг рамзидир.

КПСС XXVI съездининг қарорлари асосида қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам гуркираб ўсмоқда. Бундан 5—6 йил аввал областимиз дон, айниқса маккажўхори дони етиштиришда республикада қолоқ ҳисобланарди. Беш йилликнинг биринчи йилида ҳар гектар майдондан 75,6 центнердан маккажўхори дони олинди. Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Қумри Ҳасанова, Чори Эгамов, Жалол Аъзамов каби комсомол-ёшлар бригадаларида 120—140 центнердан ошириб ҳосил олиняпти. Ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиб, юксак сифат ва самарадорликни таъминлаш халқ моддий фаровонлигини янада яхшилашга олиб келяпти. Зотан, бу ўн биринчи беш йилликдаги энг муҳим вазифадир. Шуни ҳисобга олиб, область партия комитети бюроси ана шундай пахтачилик бригадалари, корхона, ташкилот, ўқув юртларидан 24 тасининг ташаббусини маъқуллаб қарор қабул қилди. Шу билан бирга барча партия, совет ташкилотларига, хўжалик идораларига аҳоли ихтиёридаги 15 минг гектар томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, умумий сатҳи 20 минг гектар ерни эгаллаган канал ҳамда коллекторда балиқ боқиш, уларнинг қирғоқларида мевали дарахтлар ўстириш, узумзорлар барпо этиш, 6 минг гектарли боғ, 2 минг 200 гектарли ўрмон яратиш, 8 минг гектарга яқин токзорлардан даромад олиш вазифаси юклатилди. Шубҳасиз, бу тадбирлар партиямиз ўртага қўйган озиқ-овқат программасини ҳал этишда катта резервдир.

Республикамизга юксак мукофот Ленин ордени топширишга бағишланган тантанали мажлисда ўртоқ Л. И. Брежнев юбилей йилининг юксак вазифаларини очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Ҳозирги кеча-кундузда барча ишни ана шу вазифаларни бажаришга қаратганмиз. Бунинг учун партия ташкилотлари коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг активлигини ошириб, умумхалқ мусобақасини қизитмоқдалар. Бухороликларнинг диққат-эътибори саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари ва корхоналарда самарадорлик ҳамда сифатни таъминлашга, қишлоқ хўжалигини комплекс юксалтиришга қаратилган.

Юбилей йилида яна ҳам кўп «оқ олтин», мева, узум, сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш, чорвачиликни сердаромад соҳага айлантириш асосий мақсаддир. Шубҳасиз, юксак мажбуриятларнинг бажарилишига эришмоқ учун ирригация-мелиорацияга катта эътибор бермоқ зарур. Шу ниятда янги каналларда қурилиш ишлари давом эттириляпти. Насос станцияларн қувватини ошириш тадбирлари кўрилмоқда. Бир неча минг гектардан знёд янги ерларни ўзлаштириш, катта майдонларда капитал тексилаш ишларини бажариш, кўп минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўли билан деҳқончиликда янги чўққиларни забт этишга аҳд қилганмиз.

Ўн биринчи беш йиллик — Бухоро учун янги улкан юксалишлар даври бўлади. Съездлар йилидаги зафарлар учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг саммий табригини олишга муяссар бўлган областимиз меҳнаткашлари юбилей йили мажбуриятларини бажариш йўлида барча имкониятларни ишга соляптилар. Шубҳа йўқки, улар ғайрат-шижоат кўрсатиб, қутлуғ тўйга арзигулик армуғон тайёрлайдилар.

ТЕЖАМКОРЛИК ВА СИФАТ — БОШ МЕЗОН

Ангор пахта тозалаш заводи — нисбатан янги корхона. Завод 1972 йили Ангор пахта қабул қилиш пункти территориясида қурилиб, ишга туширилди. 1978 йилгача заводда жайдари пахта қайта ишланарди.

Партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларига асосан кейинги йилларда Сурхондарё областидаги кўпгина майдонлар, жумладан, Ангор райони тўлиқ ингичка толали пахта етиштиришга ўтди. Шу муносабат билан 1978 йилда Ангор пахта тозалаш заводи қайта таъмирланди. Ҳозир корхонада ойига 2 минг 500 тонна, йилига эса 30 минг тонна ингичка толали пахта қайта ишланмоқда.

Заводда пахтани қайта ишлаш технологияси йилдан-йилга такомиллашмоқда. Корхона юқори унумли «ОД-3Х» маркали тола тозалагичлар, гидравлик пресслар, хомашё ва тайёр маҳсулот сифатини аниқлайдиган энг янги лабораториялар, хирмон кавлайдиган машиналар, пахтани қабул қилувчи ва узатувчи комплекслар билан ускуналанган. Завод коллективи техника воситалари ёрдамида маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган ўнлаб тадбирлар комплексини изчиллик билан амалга оширмоқда.

Бундай тадбирлар корхона қувватини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини кескин кўтариш имконини берди. Ишчиларнинг меҳнати енгиллашди. Энг муҳими, маҳсулот сифати яхшиланди. Ўтган йили тайёрланган жами пахта ҳажмида биринчи сорт хомашёнинг салмоғи 71,4 процентни ташкил этди. Бу, республика пахта тозалаш заводлари орасида энг юқори кўрсаткичдир. Тола ажратиб олиш юзасидан белгиланган топшириқларга қатъий амал қилинганлиги туфайли ҳам корхонада нормадан ортиқ чиқит чиқишига ҳамда пахта толасининг сифати пасайишига барҳам берилди. Завод сифат кўрсаткичларини яхшилаш ҳисобига 1,5 миллион сўмдан ортиқ қўшимча фойда олди. Кейинги йилларда завод коллективи муттасил тўлиқ давлат стандарти талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришга эришаётир. Корхона тамғаси билан тайёрланаётган ипак пахта толаси мамлакатимизнинг Ленинград, Иваново, Краснодар, Барнаул, Рибний шаҳарларига ҳамда Қўқон ва Тошкент тўқимачиларига етказиб берилмоқда. 1981 йилда завод ишчилари маҳсулотни реализация қилиш планини ортиғи билан бажардилар. Планга қўшимча бир неча минг тонна тола ва момиқ ишлаб чиқаришга эришилди. Ўтган йили тола ишлаб чиқариш плани 104 процент, линт ишлаб чиқариш плани 103 процент, уруғлик чигит тайёрлаш плани эса 105 процент қилиб бажарилди.

Завод коллективининг ижодий ташаббускорлиги таҳсинга лойиқ. Бутун корхонанинг рационализаторлари ва ихтирочилари ўз тажриба-таклифларини ва яратган янгиликларини корхонанинг иш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини яхшилашга қаратмоқдалар. Рационализаторларнинг таклифлари билан тола ажратадиган жин машиналари қуввати тобора такомиллаштирилмоқда. Натижада тола ишлаб чиқариш миқдори йил сайин ортаётир, электр энергияси ва ёқилғи тежалмоқда. Илғор рационализаторлар ва ихтирочилардан Турдиалиев, Мирзаев, Чориевлар ўзларининг қимматли ва фойдали таклифлари билан корхонанинг ишлаб чиқариш такомилига катта ёрдам бермоқдалар.

БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

Шу йил бошида копуляция цехининг қурилиб ишга туширилиши ҳам завод учун катта муваффақият бўлди. Мазкур цехда экиладиган чигит чиниқтирилиб, унинг вилтга чидамлилиги оширилади. Қўшни корхоналарнинг инженер-техник ходимлари ҳам заводга келиб, бу янгиликни ўрганишмоқда. Жорий этилган янгиликнинг иқтисодий самараси ниҳоятда катта.

Корхонада йилдан-йилга илғор ишчилар сафи ортмоқда. Ҳозир бу ерда йигирма беш киши коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовордир. Тола ажратувчилардан Малика Раимова, Ёркиной Норбўтаева, Хўжан Тоғаев, прессловчилардан Камол Ўтаев, созловчи Собир Тоштемиров, слесарь Бойбўри Чориев ва бошқалар коллектив эътиборини қозонган илғорлардир. Бу ерда социалистик мусобақа яхши ташкил этилган. Ҳар ой охирида социалистик мусобақа якунланади. Биринчиликни олган коллектив кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти билан тақдирланади. Заводнинг Эргаш Исмоилов бошлиқ қурилиш бригадаси, Муҳиддин Хайриддинов бошлиқ ремонтчилар бригадаси, Турдиқул Жўраев, Турдиали Абраев, Замон Жовчиев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган тола ажратувчилар бригадалари, Абдумурод Йўлдошев бошлиқ чигитни янги технология асосида қайта ишлайдиган бригада коллективлари ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Бригадалар ўртасида ҳам кўчма Қизил байроқ таъсис этилган. Завод партия ташкилоти ва касаба союз комитети ойма-ой, кварталма-квартал социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, илғор коллективларни моддий ва маънавий рағбатлантиради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Хом ашё, ёқилғиларни тежаш ва улардан тўғри фойдаланиш ишларини кучайтириш тўғрисида» деб чиқарган қарори корхона коммунистлари ва бутун меҳнат коллективи учун дастуриламал бўлиб қолди.

Ишлаб чиқариш жараёнларини мазкур қарор асосида ташкил этиб, корхона маъмурияти ва жамоат ташкилотлари тежамкорликни ҳар томонлама кучайтиришга, пахта хом ашёсини табиий сифатларига путур етказмасдан ва чиқиндига чиқармай юқори сортли тола ишлаб чиқаришга, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулига алоҳида эътибор бермоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тайёрланадиган пахта ассортиментини яхшилаш ва тола сифатини ошириш юзасидан Наманган областидаги 3- ва 4-заводлар ҳамда Ўзбекистон, Когон ва Ангор пахта заводлари коллективларининг 1982 йилги социалистик мажбуриятларини маъқуллади. Бундан руҳланган Ангор пахта тозалаш заводи коллективи 1982 йилда пахта ҳосилини нобудгарчиликка йўл қўймасдан сақлаш ва аъло даражада тўла қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган барча ишларни пухта бажармоқда.

Корхона ишчилари тола сифатини 85 процентга етказиш учун ҳар томонлама ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу йўл билан завод коллективи бу йил 75 минг сўм фойда олиш, пландан ташқари 1,4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш мажбуриятини олганлар.

Корхонанинг ишчан ва аҳил коллективи айни шу кунларда ўзларининг бутун куч ва ғайратларини зиммаларидаги юксак мажбуриятларини адо этиш учун ва бу билан СССРнинг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар этмоқдалар.

Гўзалбек ХОЛЛИЕВ

Ҳамроқул **РИЗО**

ТУРНАЛАР

Ерни қор қоплаганда
Соғинардим овозин.
Қаноти толмасин, деб,
Кузатганман парвозин.
Бугун куйим етмаган
Самодан учиб ўтди.
Чанқаганда булоқлар
Бошига тушиб ўтди.
Яна кўкда куйлади
Осмон бепоёнлигин.
Осиёда ҳавонинг
Илиши аёнлигин.
Осмон тиниқлигин у
Олиб тушади ерга.
Чопиб чиқар болалар
Турналар қўнган қирга.
Бир ипга тизилгандай
Учиб боради қатор.
Қанотлари учида
Баҳор қўшиқлари бор.

СОЛДАТ ОТАСИ

Шамолларга ҳар кун такрор —
Қўшиқ айтар учта чинор...
Уч ўғлининг қабри қолган
Украина даласида.
Боғ томон йўл олади чол
Тонгги қуёш шуъласида.
Учта чинор кўчатини
Уч ўғлига атаб экди.
Ўғлонларга боққанидай,
Уч чинорга кўзин тикди.
Чинорларга ном ҳам қўйди,
Абдуқодир, Эркин, Ҳотам.

Чинорларнинг ҳар баргига
Кекса қалбнинг меҳри ҳамдам.
Йиллар ўтиб, ўсди чинор,
Бири Эркин бўлиб сўзлар.
Бири елга шивирлайди:
«Мен Ҳотамман — кулсин кўзлар!»
Учинчиси Абдуқодир,
Олов бордир юрагида.
Кўтармоқчи бўлар гўё
Жанггоҳ юкин билагида.
Шамолларга ҳар кун такрор —
Қўшиқ айтар учта чинор.

ГЕНЕРАЛ Д. М. КАРБИШЕВГА

Бомбанинг портлашидан
Қулоқлар бўлди гаранг.
Асир олди фашистлар,
Нафас оларди аранг.
У ватандан йироқда,
Ватан ёди — тасалло.
«Энди бизга ишлайсан,
Бошқа йўл йўқдир асло!»
Ватан ўтди ўйидан,
Ватан — фарзандга шуҳрат.
«Биз сенларни енгамиз,
Ватандан олиб қудрат...»
Сўнг бошланди қийноқлар,
Сўкиш, қўл қайирмоқлик;
Не бўлса ҳам, хаёлин —
Ватандан айирмоқлик.
Қирқ градус совуқда
Ҳайдади ялангоёқ.
Шунда ҳам кўз олдидан
Ватан кетмади йироқ.
Олиб чиқди ташқари
Бир кун қаттиқ совуқда.
Ватан акси кўзига —
Кўчганди бўлиб нуқта.
Қайноқ сувни қуйдилар
Бошидан, елкасидан.
Совута олмади бу
Меҳрини ўлкасидан.
Айланди тани шу кун
Ялтироқ, қаттиқ музга.
Юртдан қудрат олишда
Ибрат бўлди у бизга.
Эй, жонажон Ватаним,
Мен ҳам сенга бир
дилбанд.
Сендан қудрат олай деб,
Туғилдим бўлиб фарзанд.

Сирдарё

БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

НУРЛИ

ЧИРОҚЧИ посёлкасидан жанубга бораверишда кичик тепаликка ўрнатилган «Кўкдала районига хуш келибсиз!» деган лавҳага кўзингиз тушади. Область харитасида яқинда пайдо бўлган район чегараси шу ердан бошланади. Район маркази анча олисда — Ўрта Қашқадарё чўллари деб аталадиган кенг поёнсиз даштнинг ўртасида жойлашган.

Партия ва ҳукуматимизнинг Қарши чўлини ўзлаштириш ҳақида бундан йигирма йил илгари қабул қилган тарихий қарорида 1985—1990 йилларгача Ўрта Қашқадарё чўлларини очиш ҳам кўзда тутилган. Ўтган йиллар ичида кўп ишлар бажарилди. Муҳим сув иншооти бўлган Эскиангар канали қазилиб, чўлга Зарафшон дарёсидан сув олинди; яна 70 километрли «Москва канали» қазилиб, Эскиангар каналига туташтирилди. Шунингдек, Ўрта Қашқадарё чўлларида Ленин номли, «Коммунизм», Файзулла Хўжаев номли, «Восход», «Қизил аскар», Ворошилов номли ўнлаб совхозлар ташкил этилди.

Республикамиз партия ва ҳукумати қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ҳамда Ўрта Қашқадарё чўлларини ўзлаштиришни янада жадаллаштириш мақсадида мазкур хўжаликлар заминида янги Кўкдала районини ташкил этди. Гарчи, «Кўкдала» совхози 1929 йилда Ўрта Осиё Дончилик трести составида ташкил этилган бўлсада, сув камчилиги туфайли бир неча ўн йил давомида хўжалик марказини обод қилиш қийин бўлди. Фақат 60-йилларга келиб техника ёрдамида артезиан қудуқлари қазиш имконияти юзага чиқди. Мана энди ўша «Кўкдала» совхозининг посёлкаси янги районнинг марказига айлантирилди. Район раҳбарлари ободончилик ишларини ҳам хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини уюштириш билан бирга қўшиб олиб бормоқдалар.

ҚЎШ БАЙРОҚЛИ РАЙОН

...Район ижроия комитетининг раиси Ҳайитмурод Фармонов кундуз соат бешларда область марказидан хурсанд бўлиб қайтди. У ўз ҳузурига масъул ходимларни таклиф қилди.

— Февраль ойи якуни бўйича область байроғи яна ўзимизда қолди,— деди у.— Область партия комитетининг секретари районимизнинг бутун меҳнаткашларини эришилган муваффақият билан табриклаш ваколатини менга топширди. Февраль ойида ёмон ишламадик. Лекин ишни бундан кейин ҳам бўшаштирмаслигимиз лозим. Қишлоқ хўжалик бошқармасидаги ўртоқлардан илтимос, хўжаликларимизнинг раҳбарларига ҳозир телефон қилишиб, уларни кечқурун соат тўққизга шу ерга таклиф этсалар. Навбатдаги режаларимизни бир конкретлаштириб оламиз...

Фармонов 2-Паррандачилик совхози директорига телефон қилди:

— Салом, Шодмонқул! Биринчи квартал якуни бўйича совхозлар ўртасида таъсис этилган байроқни қўлга киритдингиз. Табриклайман!..

Область партия комитети ва область ижрокомининг социалистик мусобақа бўйича районлар ва совхозлар ўртасида таъсис этилган икки кўчма Қизил байроқнинг янги районга топширилиши катта ютуқ эди, албатта. Айни вақтда бу мукофот раҳбарлар учун ҳам, район меҳнаткашлари учун ҳам катта маънавий рағбат эди. Кечқурунги йиғилиш иштирокчилари буни ифтихор билан таъкидладилар.

— Районимизнинг ташкил этилганига атиги тўрт ой бўлди,— деди Ҳайитмурод Фармонов.— Биз дастлабки хўжалик йилини яхши бошладик. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича юқори кўрсаткичларга эришганимиз учун январь ойи якуни бўйича область байроғини олган эдик. Активларимиз, районимизнинг бутун меҳнаткашлари февраль ойида ҳам самарали ишлаб, байроқни яна қўлда сақлаб қолдилар. Бу — ҳаммамизнинг ютуғимиз. Ташкилотчи коммунист Шодмон Ҳожиев директорлик қилаётган 2-Паррандачилик совхози ҳам биринчи квартал якуни учун кўчма Қизил байроқ билан мукофотланди. Демак, ҳозир қўлимизда қўш байроқ турибди. Бундан кейин ишни бўшаштирмаслигимиз, бошқаларга ибрат бўладиган даражада ишлашимиз лозим.

Райижроком раиси ўз сўзида «Чорвадор», Охунбобоев номли совхозларнинг чорвадорлари ҳам дуруст кўрсаткичларга эришаётганларини қониқиш билан таъкидлади.

— Лекин Файзулла Хўжаев номли совхозда иш кўнгилдагидек эмас,— деб уқтирди у.— Совхоз раҳбарлари тегишли танбеҳлардан хулоса чиқармаётирлар.

Йиғилиш иштирокчилари кейинги ойларда ҳам байроқдор район деган номга муносиб ишлаймиз деб аҳд қилдилар.

ЖЎЖАНИ ЙИЛ БЎЙИ САНАЙДИЛАР

2-Паррандачилик совхозига ўтаётганимизда йўл четидаги шудгорланган майдонга карам кўчати экаётган бир гуруҳ кишилар эътиборимизни тортди. «Коммунизм» совхозининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Тўлқин Ниёзов билан йўл-йўлакай суҳбатлашдик.

— Қадимдан кўпчиб-етилиб ётган бу ерлар экиндан яхши ҳосил беради,— деди директор кўчат ўтқазаётган кишиларга боши билан ишора қилиб.— Сув масаласи ҳал бўлган. Лекин биз Самарқанд районидан келтирилган бу кўчатларни баҳорги ёғин ҳисобига ундириб, ҳосил оламиз. Кейин бошқа экин экиб, иккинчи марта ҳосил етиштирамиз.

— Мана, кўряпсиз, чўлга сув келгандан бери карам, помидор, картошка каби сабзавот экишни ҳам секин-аста ўрганиб олдик,— дея суҳбатга аралашди район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўрол Жуманов.—«Коммунизм» совхозида бу йил карам биринчи марта экилянти. Бу янгиликнинг ташаббускори ҳам директоримиз бўладилар...

Кечагина ўн беш-йигирма метрли қудуқлардан қийналиб сув тортиб тирикчилик кечирган ота-боболаримизнинг бугунги кунда техникадан, сувдан кўнгиллари тўқ, имкониятлари катта. Шунинг учун ҳам улар қўриқда тупроққа илк бор уруғ ташлаётганларида икки ва ҳатто уч марта ҳосил олишни ўйлайдилар.

Ҳа, шиддаткор давримизнинг қудрати, илмий-техника тараққиётининг хосияти бу! Замонамизнинг тезкор руҳи, тараққиётимиз кучи билан ҳаётимиз тобора янги мазмун, маъно касб этмоқда.

— Энди деҳқонларимиз жўжани фақат кузда эмас, йил бўйи саналга одатланяптилар,— деди Ўрол Жуманов машина деразасидан узоққа тикилиб.— Техника етарли, сув бор. Яна янги-янги сув иншоотлари қуряпмиз. Буларнинг ҳаммаси деҳқонларимиз учун имконият-да.

2-Паррандачилик совхозига келдик.

— Кечаги йиғилишда район ижроия комитетининг раиси мамнуният билан тилга олган совхоз шу,— деди бошқарма бошлиғи хўжалик билан бизни таништираркан.— Бу жойлар олти-етти йил илгари тақир чўл эди. Область партия комитети атрофдаги хўжаликлар дончилик бўйича ихтисослашганини ҳамда лалми ерлар етарли бўлганини ҳисобга олиб, шу ерда паррандачилик совхози ташкил этишни лозим топди. Бу ерда дастлаб иш унча юришмади. Мана, икки йилдирки, хўжаликнинг кўрсаткичлари дуруст. Бу йил эса совхоз коллективи областнинг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Совхоз идорасида директор Шодмон Ҳожиев билан учрашдик.

— Муваффақиятимизнинг асосий омилини мен мутахассис кадрларимизнинг ишчанлигида деб биламан,— деди Ҳожиев салмоқлаб.— Ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизга Ленин ордени топширишга бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида ишлаб чиқаришда кадрларнинг ролини алоҳида таъкидлади. Негаки, ишлаб чиқаришда муваффақият кадрларга, уларнинг малакасига боғлиқ. Биз йил охиригача яна 300 квадрат метр турар-жой қурамиз. Янгидан қурилаётган иккита паррандахона ва ҳар йили 300 тонна гўшт етиштириш имкониятини берадиган ўрдакчилик комплексида ишлаш учун бизга янги кадрлар келади. Коллективимизнинг ғайрати билан биринчи квартални яхши якунладик. Пландан ташқари давлатга 30 тонна гўшт ва 700 минг дона тухум топширдик. Умуман, бу йил 400 тонна парранда гўшти ва 10 миллион дона тухум ишлаб чиқариш мажбуриятини олганмиз. Йил давомида инкубаторий цехларида 1 миллионта жўжа очирилади. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Бир йўла 220 минг дона тухум очириш қувватига эга бўлган инкубаторий станцияси ҳам йил охирига-



«Чорвадор» совхозининг машҳур чўпони, Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени кавалери, коммунист Давлат Бекназаров ўғли, ёрдамчи чўпон Барот билан ҳар 100 бош совлиқдан 250 тадан қўзи олишга эришди.

ЧЎҚҚИЛАР

ча фойдаланишга топширилади. Тажрибали операторларимиздан Зокир Худойбердиев, Холиқул Хўжамуродов, Холберди Юсупов ўртоқлар қурилаётган инкубаторий цехларида ишни яхши ташкил этиш учун ҳозирдан шогирдлар тайёрламоқдалар. Совхозимиз ўн биринчи беш йиллик охирига бориб йирик паррандачилик хўжалигига айланади. Ушанда ҳар йили минг тонна гўшт ва 15 миллион дона тухум етиштириш имкониятига эга бўламиз.

ЧЎПОН ТАЁҒИ — ОТА МЕРОС

«Чорвадор» совхозининг директори Баҳром Давронов ўз кабинетида зоотехник Рустам Мўминов, ветврач Очил Бобоқуловлар билан рақамларни чўтга ташлаб, қўзилатишнинг март ойи якунларини ҳисоб-китоб қилишарди.

— Баҳром Давронович, қоракўлнинг чўғи қандай? Мўлжалга борадими?— дея Жуманов директорни суҳбатга тортди.

— Дастлабки натижалар ёмон эмас,— деди директор.— Бу йил ҳам донгдор чўпонларимиздан Давлат Бекназаров, Эшим Хушимов олдинда. Ҳозирданоқ уларнинг отарида ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 150—160 тадан қўзи олинди. Ҳали ҳар икки чўпонимизнинг сурувида қўзилайдиган совлиқлар анча.

— Совхоз бўйича ҳам ишлар яхши кетяптими?

— Шубҳасиз. Хўжалигимизнинг жами 47 минг қоракўл қўйи бор,— деди директор.— Шунинг ярмидан кўпроғи — совлиқ. Йил бошида чўпонларимиз билан кенгашиб, мутахассис ўртоқлар билан фикрлашиб, хўжалик бўйича ҳар юз совлиқдан 150 тадан қўзи олиш ва қўзиларнинг ярмини наслга қолдиришга қарор қилганмиз. Бу ҳақда расмий шартномаларга имзо чекиб, юқори партия ва совет ташкилотларига ваъда берганмиз. Ҳамма отарларимизда қўзилатиш кампаниясини уюшқоқлик билан бошладик... Мана, сўзимизнинг устидан чиқдик.

Суҳбатдан сўнг яйловга — илғор чўпонлар ҳузурига йўл олдик. Уфққача туташган поёнсиз биёбон. Узоқ-узоқларда ўтлаб юрган қўй-қўзиларнинг маъраши қулоққа ёқимли эшитилади. Сурувлар кетида юрган чўпонлар эса ҳар замонда «қур-ҳайт-қур ҳайт», деб қўйишади. Бу ерларда одамлар гавжум яшаётган қишлоқларни кўрмайсиз. Чўл — ўз номи билан яйдоқ, поёнсиз дашт. Чўпон-чўлиқлар учун сурув-сурув қўйларни яйратиб боқиш, ўтлатиш учун ана шундай кенг яйловлар кўл келади.

— Ҳув анави кўринаётган уйлар тажрибали чўпонларимиздан Эшим Хушимовнинг қўшхонаси,— деди директор машина деразасидан қўлини чиқариб.— Ўғиллари Райҳон ва Бойхонлар ҳам чўпон бўлиб ишлашади. Бири отасига ёрдамчи, иккинчиси наслга қолдирилган қўзиларни боқадиган чўпон. Эшим аканинг отаси Хушим ота Шокиров ҳам умр бўйи чўпонлик қилган. У киши ҳозир саксон ёшларга бориб қолди. Яйлов ҳавосида тобланган-да, ҳали тетик. Ўғли ва невараларининг маслаҳатгўйи. Долзарб пайтларда қўлига таёқ ушлаб, сурув кетидан ҳам кетаверади. Донгдор чўпонимиз Давлат Бекназаровнинг яйлови ҳам Эшим аканинг ўрнишига туташ. Иккаласи басма-басга қўй боқишади, ўзаро мусобақалашиб ишлашади. Бекназаровнинг катта ўғли Барот ҳам отасига ёрдамчи, укаси Пирназар эса бош чўпон, тўқлиларни боқади. Уларнинг ҳаммаси учун чўпон таёғи — ота мерос. Бу яйловларни бир вақтлар Қоракамар, Шамолқудуқ, Оғзикенг, Оққудуқ, Узунқудуқ деб аташарди. Лекин ҳозир бу ерларни Давлат чўпоннинг яйлови, Эшим чўпоннинг ўтари, дейишади...

...Биз иккала машҳур чўпоннинг ҳам яйловида бўлиб, улар билан, чўпон таёғини ушлаган фарзандлари билан танишдик. Кечга яқин Эшим отанинг ҳовлиси ёнидаги ям-яшил ялангликда давра қурдик. Рўпарамизда кўксини қўш-қўш орденларга тўлдириб Давлат ва Эшим чўпонлар ўтиради. Ҳозир улар биз яйловда учратган қадоқ қўлли оддий чўпонлар эмасди: иккаласи ҳам башанг кийинишган. Давлат Бекназаровнинг кўксини Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени ва медаллар безаб турибди. Эшим Хушимовнинг кўкрагида ҳам Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ҳурмат белгиси ордени ярақларди.

— Ҳар бир касбнинг, шунингдек, чўпонликнинг ҳам ўзига хос йўл-йўриғи бор,— деди бароқ мўйловини оҳиста силаб Эшим чўпон.— Масалан, аямажуз кунларида қўйни қиров босган ўт-ўланларга ҳайдамаслик керак. Акс ҳолда совуқ қиров жониворларнинг ўпкасига таъсир қилади. Биз шундай кунларда сурувни яйловга ҳайдамаймиз.

— Жазирама ёзда ҳам қўйларни ўтлатишнинг тартиби бор,— дея ҳамкасбининг гапини давом эттирди Давлат Бекназаров.— Иссиқда қўйларни ҳайдаб боқиш ҳам зарарли, тез эт ташлайди. Ёзда кун исиши билан сувлатиб, сурувга дам берамиз. Кун қайтиб, салқин тушгандан кейингина яйловга ҳайдаймиз. Кўпинча қўйларни эрта тонгда яйловга ёямиз. Ота-боболаримизнинг «Қўй — ҳайдовда, от — бойловда семиради», деган ҳикмати бежиз айтилмаган.

— Лекин бир муаммо ҳануз ҳал этилмаяпти-да,— деди суҳбатга аралашиб бош зоотехник Рустам Мўминов.— Газета-журналларимизда чўпонларнинг меҳнатини ихтисослаштириш, малакали чўпон кадрлар тайёрлайдиган махсус мактаблар ташкил этиш ҳақида ёзишади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат жараёнлари механизмлашди. Техниканинг турлари кўпаймоқда, малакали, кенг ихтисосли механизатор кадрлар етишмоқда. Нимагадир, чўпонлик касби бир жойда депсиниб тургандай. Мана бу ўтирган чўпонларимиз ҳам бу касбни оталаридан ўрганган. Фарзандлари эса улардан сабоқ олаётир. Тегишли ҳунар-техника билим юртлари ёки қишлоқ хўжалик техникумларида чўпонлар тайёрлайдиган махсус бўлим — факультетлар ташкил қилинса, айни муддао бўларди...

Қаранг, яйловда юрган оддий чўпонлар ҳам эл ташвиши билан, муҳим ижтимоий муаммолар хусусида бош қотиришади. Йўлда шу хусусда ўйлаб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамизга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқидаги қуйидаги гаплар ёдимизга тушди: «Мамлакатимизнинг барча регионларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳажмларини анча кўпайтириш зарур. Ўзбекистон бунга муҳим ҳисса қўша олади, деб ўйлайман».

Ҳа, Қашқадарё областининг «Кўкдала» райони меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида эзгу ният билан меҳнат қилмоқдалар. Улар шонли сана — СССРнинг 60 йиллиги шарафига нурли чўққиларни кўзлаб, юксак парвозларга шайланмоқдалар.

Шомурод СИДДИҚОВ

«Чорвадор» совхозининг донгдор чўпони Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат белгиси орденлари кавалери Эшим Хушимов ўғилларн Бойхон, Рўзи ва Завқи билан ҳамкорликда қўй боқиб, ҳар 100 бош совлиқдан 210 тадан қўзи олди. Илғор чўпонлар бу муваффақият билан зиммаларидаги социалистик мажбуриятни бажардилар.

Ш. Шарипов фотолари



Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, турсунойчилар ҳаракатининг ташаббускори, машҳур пахта устаси Турсуной ОХУНОВАГА туғилиб ўсган Чиноз районидаги Пахта посёлкасида бронзадан бюст ўрнатилди. Унинг сиймосини истеъдодли ҳайкалтарош Ҳ. Ҳусниддинхўжаев яратди. Бюст архитектурасини Дилшод Латипов ижро этди. Бюстни очиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Мусахонов ҳамда Чиноз район ва Киров номли колхоз жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Н. ШАРИПОВ фотоси

САҲРО МЕҲРИ

— Муяссар Барноева директорлик қилаётган «Партия XXVI съезди» совхози районимиз марказидан 70 километр узоқда. Бу масофанинг 30 километри саҳронинг қоқ кўксидан ўтади. Саҳро идораси дашт қўйнида, барханлар ўрнида қад ростлаган,— дейди Ромитан район партия комитетининг биринчи секретари Искандар Қаландаров.

Республикамизда янгидан ташкил этилган 19 та маккажўхорикорликка ихтисослаштирилган хўжалик раҳбарларининг кенгашида Муяссар Барноева сўз олиб: «Биз совхозимиз учун ажратилган 700 гектар янги ўзлаштирилаётган ернинг ҳар гектаридан 120 центнердан юқори сифатли маккажўхори дони етиштиришга аҳд қилдик»,— деди. Ҳамкасблари ҳайратга тушиб: «Бундай юқори кўрсаткичга қандай қилиб эришасиз?» деб сўрашди.

— Биз республикамиздаги барча маккажўхорикор хўжаликларнинг бой тажрибалари, илғор фан-техника ютуқларини чуқур ўрганяпмиз,— дея жавоб берди Муяссар.— Меҳнатни индустриал технология асосида ташкил этамиз. Деҳқончилик учун эса «Югославия» навли уруғни танлаганмиз. Бу уруғнинг ўсиш даври қисқа. Саҳро шароитида тахминан 55—60 кунда пишиб етилади. Бу нав касалликларга чалинмаслиги, бегона ўтлар ҳосилни камайтирмаслиги учун экиш олдидан уруғликка гербицид аралаштирамиз. Комбинацияланган препарат ТИГАМнинг 70 процентли ҳўлланувчи кукуни билан бир тонна уруғликка 2 килограмм ҳисобида ишлов берамиз. Уруғ билан қўшиб гектарига 20—30 тонна гўнг, 220—250 килограмм азот, 100—150 килограмм калий соламиз. Ҳар гектар майдонда 59—60 минг туп кўчат ўстирамиз. Дон пишиб етилгунча етти марта суғорамиз, 10 марта ишлов берамиз. Шу тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш туфайли «Югославия» навидан йилига икки марта ҳосил олиш мумкин.

...Дастлаб бу ерларни ўзлаштириш машаққатли кечди. Биринчи кунлари қаттиқ шамол туриб, саҳрога олиб чиқилган юклар қум остида қолди. Қаерга белги қўйишмасин, саҳро шамоли чирпирак қилиб учириб кетаверди. Область партия комитети бошчилигида ўндан ортиқ бошқармаларнинг коллективлари ёрдамга етиб келишди. Улар ҳозир совхозда, чўлга янги кўчиб келаётганларга шароит яратиш учун кечаю кундуз тиним билмай ишлашяпти. Муяссар опанинг айтишича, бу жойлар ўрнида бир пайтлари гуллаб-яшнаган гўзал шаҳар бўлган. Кейинчалик Варахша устига қум барханлари ёпирилиб, аҳоли шаҳардан силжий бошлаган. Ўша гўзал Варахшани қайта тиклашга Муяссар Барноева, унинг сафдошлари ва ёшлар азму қарор қилишган.

Узоқда аллақандай қурилма атрофида тўрт-беш киши ва бир аёл уймалашиб юришибди. Яқинлашиб билсак, уларнинг бири Муяссар Барноева экан.

— Насос ўрнатяпмиз,— дейди у кулиб.— Яна 2 минг гектар ер ўзлаштирамиз деб ваъда берганмиз. Энди бу саҳро Газлигача ўзимизники бўлиб қолади...

Ерга меҳр туйғуси Муяссар қалбида жуда эрта уйғонди. Дадаси колхоз ранси, икки акаси механизатор эди. Уларнинг изидан боришга аҳд қилган қиз ўнинчи синфни тамомлаб, Бухородаги механизаторлар тайёрлаш курсига ўқишга кирди. Колхозга қайтгач, акалари билан баравар мусобақалашди, ерларни шудгор қилди, баҳорда майдонларни текислаб, юмшатиб, чигит экди. 1965 йили ўзлаштириладиган 62 гектар ерга бригада бошлиғи этиб тайинланди. Техника, маҳаллий ўғит ёрдамида ҳосилдорликни йил сайин ошириб бордилар.

1968 йилда совхозда ўзлаштирилажак ерлар ҳисобига янги бўлим ташкил бўлди. Муяссар бўлим бошқарувчиси этиб тайинланди. Энди яна ҳам қаттиқроқ ишлаш керак эди. Қамишзорларни қайириш, ботқоқликларни йўқотиб, ернинг шўрини ювиш осон эмасди. 1200 гектарлик бўлимнинг карталарини ҳар куни бир неча марта айланиб чиқар, 400 кишилик коллективнинг ҳол-аҳволидан доим хабардор бўлар эди. Уларнинг меҳр-ихлос билан ишлашаётганини кўриб, Муяссарнинг ҳам ғайрати жўш ураверди. Меҳнатнинг фаровон турмуш, тотувлик, тинчлик, бахт-саодат эканлигини чуқур ҳис этган коллектив пахтачиликни ривожлантиришнинг нурли йўлига чиқиб олди. Ўғилой Олтинова, Субҳон Рамазонов, Дониёр Келдиевлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик ҳатто гектар бошига 65—70 центнердан ошиб кетди. Ҳар қандай ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам йиллик план ва мажбуриятлар механизация ёрдамида 20 иш кунида бажариладиган бўлди. Муяссар Барноеванинг кўксини эса икки марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, ниҳоят Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин юлдузи безади. Ўтган йили Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирланди. Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг шон-шуҳрат китобига унинг номи ёзиб қўйилди. Эндиликда мана шу аёлга янада катта ишонч билдирилди: маккажўхорикорликка ихтисослаштирилган йирик совхозга директор қилиб тайинланди.

...Директорнинг шинамгина хонаси. Деворга илинган иккита суратда икки хил манзара акс этган. Биринчисида ҳувиллаган саҳро, қум барханлари. Муяссар Барноева кунчиқар тарафдан оҳиста юриб келмоқда. Бу унинг янги совхозга директор этиб тайинланганининг биринчи куни.

— Энди бунисини кўринг,— дейди Муяссар опа самимият билан.— Совхозимиз 1985 йилда ана шундай қиёфа касб этади.

Суратнинг ўртасида қуёш нурида яйраб гуж-гуж сўта боғлаган маккажўхори. Совхоз идораси ўрнида эса бир-бирига туташиб кетган маъмурий бинолар. Ҳув нарида, сўлим парк ўртасида гўдагини қуёшга йўллаётган она қайкали. Унинг пойида мангу олов. Фавворалар атрофида гуллар, лолалар...

— Булардан ташқари,— дейди Муяссар Барноева суратга ишора қилиб,— 8 мингта қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси лойиҳалаштирилмоқда. Қўйчилик, паррандачилик, қуёнчилик ва чўчқачилик фермалари ташкил этамиз. Чорвачилик комплексини чўлда бунёд этиладиган шаҳарча десак бўлади. Унда мингдан ортиқ одам ишлайди. Комплексга яқин жойда ишчилар учун посёлка қад кўтаради. Меҳнат аҳлининг янада унумли ишлаши ва фаровон ҳаёт кечириши учун, айниқса далада ишловчи оналарга қулайлик яратиш мақсадида болалар боғчаяслиси қурилишини бошладик. Шунингдек, чўл зонасида 2 та типовой шифон қад ростлай деб қолди. 23 та турар-жой биноси қурилмоқда. Ихтисослаштирилган янги совхозга область ташкилотларидаро ўзаро иқтисодий ёрдам кўрсатиш штаби тузилган. Йигирмадан ортиқ ташкилотлар турли соҳаларда бизга ёрдам беришмоқда.

Ҳа, Муяссар Барноева бошлиқ хўжалик аъзолари нурли манзиллар сари дадил бормоқдалар. Улар СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига 700 гектар ернинг ҳар гектаридан 120 центнердан маккажўхори дони олишга аҳд қилишган. Бундан ташқари, совхоз чорва озуқа базаси учун 400 центнер кўкпоя, 300 центнер лавлаги, 20 гектар ерда беда етиштирилади. Шунингдек, 30 гектар ер полиз ва сабзавот экинлари, 2 гектар ер картошка учун ажратилган. 100 гектар майдонда боғ барпо этилади, 35 гектар ерга бедапоя уруғи сепилади. Партия ва ҳукуматимизнинг ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, совхоз 1200 қорамол, 3 минг қўй-эчки, 2 минг бош товуқ, 500 курка парвариш қилмоқда. Давлат ҳисобидан хўжалик ишларини юритиш мақсадларига 391 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Беш йиллик охиригача экин майдонлари 3 минг гектарга етади. Бу майдонларга асосан озуқабоп экинлар экилади.

Ерга муҳаббат қўйиб меҳнат қилаётган теран қалбли ажойиб одамлар туфайли саҳрода ҳаёт қайнамоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг жасорати ҳар қандай қиёслардан устун.

Назира ЙЎЛДОШЕВА

Бухоро области

Темур **НОРБЕК**

ЯЛАНГТЎШ ДЕҲҚОН

Эсиб қолди ҳамал шамоли,
Дала кезар ялангтўш деҳқон.
Баҳор бўлиб она-Заминга
Ҳаёт берар гўё шу Инсон,
Табиат ҳам меҳр толиби,
Юрагида орзую армон.
У сўзлайди, нозик тилига —
Тушунади танҳо шу деҳқон.

Муддаонг не, инжиқ табиат,—
Йўқса нега изғир изғирин?!
Пахтакор дил чақмоғи бўлиб,
Изғирингга ўт очар яшин.
Гумбурлайди момақалдироқ!
Кўк тоқида гурунг, ажабо!
Булут, чақмоқ гулдури аро,
Кўкдан келар гўё шу нидо:

Момақалдироқ

Баҳор келди, уйғон, эй Замин,
Ҳамал ойи — яшариш тонги.
Бош кўтаринг ялпиз, чечаклар,—
Мен деҳқоннинг юрагин бонги!
Карнай чалиб ўтинг, турналар,
Эшитилсин баҳор жаранги.

Шудгор ҳиди айласин масрур,—
Мен деҳқоннинг юрагин бонги!
Фонусчалар ёқинг, дарахтлар,
Орзуларда камалак ранги.
Заъфарон чўл кийсин бекасам —
Мен деҳқоннинг юрагин бонги!

Чақмоқ

Табиатда олишув қизғин —
Курашмоқда: қиш билан баҳор.
Қиш зўр келса, олов қиличин
Ярақлатиб ураман такрор.
Ерга, ахир, чигит қадалган,
Ҳароратпаст, баҳор ҳали танг.
Деҳқон қонин учқунидирман,
Нега совуқ билан қилмай жанг?!

Булут

— Саратонда деҳқон ҳовридан,
Кўтарилган зарраман асли.
Қавс, чиллада оламни кезгум
Ва қайтарман боз ҳамал фасли.
Дов-дарахтни оқ ювиб, тараб,
Тупроқ аро синганим замон,
Борлиқ яшнаб гулга киради,
Чунки, сенинг заррангман, деҳқон!
Гуллоладан ёқаман гулхан,
Она диёр гулга ўралсин.
Чарақласам, мени одамлар,
Деҳқон қалбин кўри деб билсин.

Хотима

Табиат бир мўъжизасисан,
Сенда битмас ажиб қудрат бор.
Юракдаги қудратинг билан
Қуёшларга тенгсан, пахтакор!

ДАҲО ШОИР

Александр Сергеевич Пушкинни буюк рус миллий шоири, улуғ граждани шоир деб шарафлайдилар. Миллий шоир... Гражданин шоир... Бу икки ибора бир-бирини тўлдириб келади. Аслида улар бир маънони англатади. Халқнинг ҳаёти, ўтмиши, тарихи, фожиаси, иқболи, истиқболи тимсолида, фонида унинг ички дунёсини ишонарли ёритмоқ, бошқача айтганда, миллий характер фазилатларини бадиий ижодда қойилмақом қилиб тасвир этмоқ ҳақиқий миллий, гражданин шоирнинггина қўлидан келади. Пушкин худди шундоқ шоирдир, унинг шундоқ мартабага эришмоғида, улуғ рус халқининг олис ва яқин тарихи катта аҳамият касб этди ҳамда она халқнинг, жонажон Ватаннинг тарихи ижодкор учун ҳамиша битмас-туганмас илҳом булоғи бўла олишини яна бир карра тасдиқлаб берди.

Буюк шоирнинг ижодини синчиклаб ўқиб-ўрганган киши бу булоқдай тиниқ, уммондай теран, юлдузлардай юксак ижод бўстонида Россиянинг салкам минг йиллик тарихи манзараларини кўриши мумкин. «Карамзин Олег ҳақида қўшиқ» шеърidan тортиб, Украина (Малороссия) ҳақидаги очеркигача — турли жанрлардаги асарларини, масалан, «Борис Годунов» фожиаси, «Пугачев тарихи», «Петр I тарихи», «Мис чавандоз», «Полтава», «Улуғ Пётрнинг ҳабаши», «Горюхино қишлоғи тарихи», «Капитан қизи» асарларини олинг, ҳатто Россия тарихига бағишланган турли илмий асарларга, жумладан Н. М. Карамзиннинг кўп жилдли «Россия давлати тарихи» китобларига эҳтирос билан ёзилган тақризларини кузатинг,— барча-барчасида рус халқининг тарихига, шаън-шавкатига ҳурмат, куюниш туйғулари балқиб туради.

А. С. Пушкин ён дафтарларидан бирига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйган экан: «Фақат Мирабо ва Петрга ўхшаш инқилобий идрок эгасигина, адиб рус тилини қанчалик севса, Россияни шунчалик сева олади. Ушбу Россияда ҳамма нарса рус тилида ижод этилмоғи керак».

Шоирнинг ўзи шунга қатъий амал қилди. Ҳали киборлар салонларда, дарвозаларда ўз тили қолиб французча шакаргуфторлик қилар эканлар, у она тилида жуда кўп гўзал шеърлар, достонлар яратди ва бу асарларда халқнинг теран қалбини очиб берди.

Бу катта жасорат эди, зеро, она тилнинг бойлигини тўлалигича намоён этмоқ миллийликнинг зарур шартларидан биридир. Бу жасорат, айниқса, шоирнинг «Евгений Онегин» шеърий романи яратилишида ёркин кўринди. Буюк рус танқидчиси В. Г. Белинский бу романни «рус ҳаётининг қомуси» деб бежиз атамаган. Асарда XIX аср биринчи чораги рус ҳаётининг кенг манзаралари чизиб берилди. Евгений Онегин — ёш бўла туриб ҳаётдан зерикқан, нима қиларини билмаган, лоқайд кайфиятли бир йигит, типик ҳолатларда кўринган типик характер. У кейинчалик рус адабиётида «ошиқча одам» номи билан машҳур образлар галереяси (М. Ю. Лермонтов ижодида — Печорин, И. С. Тургенев ижодида — Базаров ва ҳоказо) пайдо бўлишида катта роль ўйнади. Шунингдек, Татьяна Ларина образи — сўнгги йиллар адабиётида яратилган Бэла, Елена, княгиня Трубецкая, Наташа Ростова, Анна Каренина каби аёлларнинг ёркин образлари яратилишига ижобий таъсир кўрсатди.

«Евгений Онегин» Байроннинг «Дон Жуан»идан фарқли ўлароқ, жуда ҳам реалистик роман, у ўзининг кенг кўлами, ерга яқинлиги билан шоирнинг бошқа насрий асарлари қатори қудратли рус классик прозасининг «хамиртуруш»ни бўла олди. У бошқа тилларда яратилаётган шеърий романларга ҳам буюк мактаб ролини ўтамоқда.

Буюк шоир А. С. Пушкиннинг ҳар бир асари рус миллий маданиятининг бойлигидир ва улар вақтлар ўтгани сари янги-янги мазмун касб этаверади.

Албатта, буюк шоир А. С. Пушкиннинг ҳар бир асари рус миллий маданиятининггина эмас, балки бутун жаҳон маданиятининг мулкидир. Зеро, Александр Сергеевич Пушкин номи Навоий ва Низомий, Ҳомер ва Рудакий, Дехлавий ва Жомий, Шекспир ва Руставели, Байрон ва Мицкевич, Насимий ва Бобир номлари каби адабиёт осмонининг сўнмас юлдузларга айланиб қолди.

А.С. Пушкин ижоди яшамоқда ва эзгу ғояларга: халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, тинчликни барқарор қилиш ишига хизмат қилмоқда. Шоир Ҳамид Олимжон айтганидек:

Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда
Навоий шарафи яшар муқаддас.

Республикамизда ҳар йили июнь ойида ўтказилаётган анъанавий А. С. Пушкин кунлари улуғ рус шоири ижодининг янада оммалашувига хизмат қилмоқда. Аввалгилари каби, СССРнинг 60 йиллиги нишонланаётган қутлуғ йил пушкинхонлиги ҳам зўр муваффақият билан ўтажак.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

БОҚИЙЛИК ТИМСОЛИ

ТЎЛҚИН Тошкент Қурилишлар бош бошқармасига қарашли 159-қурилиш трестининг 13-қурилиш бошқармасига — Василис Палидис бошчилик қилаётган бригадага ёрдамчи ишчи бўлиб ишга кирди. Унга тажрибали ғишт терувчи Илёс ака Собиров устозлик қилди. «Тошкент» меҳмонхонаси қурилаётган кезлар эди. Кўтарма кранлар етишмаслиги туфайли объектда барча ишлар қўл кучида бажариларди. Қурувчилар қоришмаю ғиштларни 3—4 қаватга олиб чиқишарди. Бу ишлар баъзан ёш қурувчи Тўлқинни толиқтириб қўярди. Аммо у сир бой бермасди, устози Илёс аканинг йўл-йўриқларини тез илғаб оларди. Тўлқин ғишт терувчилик касбини тезроқ эгаллашга интиларди...

Орадан йиллар ўтди. Тошкент зилзиласидан кейинги қизғин қурилиш кўлами ёш Тўлқин учун синов ва мактаб бўлди. Бошқарма бошлиқлари уни бригадирликка лозим кўрдилар.

...1976 йилнинг ёзида қурилишга Тошкент Қурилиш техникумидан юзга яқин ҳашарчи студентлар келишди. Ўша пайтда 13-Қурилиш бошқармаси бинокорлари Тошкентдаги Марказ-27 массивида 64 оилага мўлжалланган турар-жой биноси қураётган эдилар. Тўлқин Самиғов ҳашарчиларни ўз бригадасига олмоқчи бўлди. Соиб ака Боймуҳамедов эса унга эътироз билдирди:

— Эй, Тўлқин, эсингни йиғсанг-чи. Шунча одамни нима қиласан? Бир эмас, бешта кран бор. Бирон кор-ҳол юз бермасин тағин.

Соиб аканинг гапида жон бор эди. Катта объект бўлгани билан ҳар қалай юзта ҳашарчи, яна бунинг устига бригаданинг етмиш аъзоси, қудратли бешта кўтарма кран... Лекин Тўлқин ўз билганини қилди: бир зумда студентларга иш тақсимлаб берди. Ҳашарчилар ҳеч кимга ҳалақит беришмади. Аксинча, қурилишнинг бир қисмида ҳали баъзиларнинг хаёлига келмаган ишлар авж олди.

Тўлқин Самиғовнинг характери қизиқ. Ўрни келганда отасини ҳам аямайдиган чўрткесар, қиламан деганини уддалайдиган ўктам йигит. Бригада аъзолари билан ўз дўстидек гаплашади. Аслида бригадирнинг раҳбарлик фаолияти ойнинг сўнгги кунларида, ҳар бир иш куни пулга чақилганида кўринади. Буни Тўлқин Самиғов яхши билади. Ҳар қандай вазиятда ҳам қурувчиларга тайинли иш топиб беришни ўйлайди.

...Олтмишинчи йилларнинг ўрталари эди. Ўшанда унинг бригадасини янгигина қурилаётган Улуғбек посёлкасига ишга юборишди. Аввалига, бинони шиддат билан қуришга киришдилар. Кейинроқ эса, материаллар танқислиги сезила бошлади. Натижада қурувчилар баъзи пайтларда 3—4 кун ишсиз туриб қолдилар. Раҳбарлар билан баҳслашишнинг фойдаси бўлмади. Фақат ваъда беришди холос. «Кутинглар, станцияда қурилиш материалларини тушириб улгуришмаяпти. Тошкентдан автокранлар келса, иш юришиб кетади», дейишди. Тўлқин ака уларнинг ҳузуридан бўшашиб чиқди. Тунги соат 11 ларда у бригададаги йигитлардан Соиб Боймуҳамедов, Ҳикмат Аҳмаджонов, Қобил Юнусовларни маслаҳатга чақирди. Узоқ маслаҳатдан сўнг, ҳамма уйқуга кетгач, тўрт киши автокранга тирмашиб йўлга тушди. Уларнинг ортидан олдиндан тайин қилинган юк машиналари ҳам изма-из жўнади.

Шу тун тонгга қадар Тўлқин ака шериклари билан қурилаётган объектга тегишли темир-бетон плиталарни ўзлари ташиб келтирдилар. Эртасига қурилиш штабидаги раҳбарлар Тўлқин Самиғовнинг уддабуронлигига тан беришди. Шундан сўнг унинг қурилишдаги ишлари юришиб кетди. Шу тариқа унинг бригадаси ўша объектни ҳам вақтида ишга тушишига ўз ҳиссасини қўша олди.

Одатда Тўлқин Самиғов ишга келиб қурилиш майдонини бир айланиб чиқишдаёқ кундалик иш-

ЭРКИНЛИК

ОДА

Қоч, йўқол, кўринма — чекил кўзлардан,
Цитеранинг ожиз, эй маликаси!
Мағрур эрк куйчиси, қани, қайдасан,
Қайдасан шоҳларнинг зўр таҳликаси?
Кел, гултожим узиб ташла бир ёнга!
Инжиқ рубобимни парчала — синдир...
Эркни улуғлайин бутун жаҳонга,
Тахту тож қусурин топтайин бир-бир,

Шонли кулфат, офат аро сен ўзинг
Дадил қасидалар илҳомин берган —
Уша олийжаноб, улуғ инсоннинг
Атоқли изларин очгил менга сан!
Ҳавойи қисматнинг арзандалари,
Жаҳон золимлари! Титранг бу замон!
Сиз-чи, эй уларнинг хор бандалари,
Мардона-мардона бошланг қўзғолон!

Қай томонга назар ташламай, эвоҳ,
Темир кишанлару, зулм қамчилари;
Қонунлар хатарли, қонунлар расво,
Эрксизликнинг ночор ёш томчилари;
Ҳар ёнда ҳақсизлик, зўрлик ҳукмрон:
Ўюган хурофот — қуюқ мавҳумот,
Қулликнинг даҳоси қўрқинч ўлтирган,
Шонларни бўғади шум ҳирси, ҳайҳот!

Эзгу озодлик-ла қонун дўстлашса,
Айрилмас бир тусда жипслашса магар:
Содиқ қўллар қонун тиғин ушласа,
Ҳаммани қўриса хайрлик сипар;
Бош устида адл қиличи ниҳоят —
Танламасдан келиб тушса аёвсиз —
Юқоридан барбод этилса бутун жиноят,
Қиличнинг дамидан ўтса тўхтовсиз.

На очкўз, нокаслик ва на қўрқув-ла
Сотилиб кетмаса қонун беомон —
Подшоҳ бошига хавф солмас шунда

Халқларнинг уволи фақат шу замон.
Ҳукмдорлар! Сизга тож-тахт берган
Қонундир! Наинки берсин табиат.
Сиз халқдан юқори турасиз, аммо,
Мангу қонун сиздан юксакдир, албат!

Халқ ўзи ёки шоҳ қонун қўлида
Билганин қилолса, бу халқнинг шўри,
Бехабар мудраган қабилаларга
Алам! Ўшаларга тушади зўри.
Сени гувоҳликка чақирдим букун,
Нуқсонлар ўтида куйган подшоҳ,
Яқиндаги бўронда боболар учун
Шоҳона калласин қўйган подшоҳ.

Людовик ўлимга чиқиб боради,
Буни кузатади жим зурриёти,
Тожидан ажралган шоҳона бошин
Қонли, шум кундага мута уради.
Қонун жим туради — халқ туради жим,
Жиноят болтаси тушади оғир...
Ҳам ёвуз, қирмизи, ясоғлик кийим
Кишанбанд галларда ётади ахир.

Эй ёвуз ҳукмрон, бадкирдор, золим!
Нафратларим сенга, тожу тахтингга,
Сенга ва наслингга келаркан ўлим,
Қаттиқ севинч бўлиб кўринар менга.
Сенинг пешонангда: эй зулм шоҳи!
Халқлар ўқир аниқ — лаънат тамғаси.
Сен жаҳон даҳшати, сен олам доғи,
Сен ерда тангрига халқлар таънаси!

Коронғи ва ғамгин Невага боқиб,
Ярим тун юлдузи жилва қилганда,
Қайғусиз, ташвишсиз калласи оғиб,
Сокин уйқу малол келганда,
Уйга толган шоир югуртади кўз:
Туман орасида мудҳиш уйқуда —

Хилватда золимнинг ҳайкали ёлғиз,
Унутилган сарой — турар қаршида.

Ҳам эшитар қўрқинч Клио товушин —
Шу қўрқинчли девор, сарой ортида.
Ҳам Калигуланинг сўнг тин олишин
Яққол кўради у кўзи олдида...
У кўради уқалар ҳам юлдузларда,
Шароб, аччиқ ғазаб — кин ила сархуш.
Яширин қотиллар борар, юзларида —
Густоҳлик — юракда ваҳима-— қўрқиш.

Турар сотқин посбон сассиз-садосиз,
Аста туширилган осма кўприк ҳам,
Дарвозалар очиқ кимсасиз тунда,
Елланган хиёнат қўлида шу дам.
О, номус! О, бизнинг кунлар даҳшати!
Янчарлар босиб кирди йиртқичга ўхшаб,
Шарафсиз зарбалар бир-бир тушади...
Ҳам тождор ёвуз маҳв ўлди қақшаб.

Сизга ибрат бўлсин, эй шоҳлар, букун:
На инъом, мукофот, на оғир жазо —
На хилват зиндонлар, на-да саждагоҳ
Бўлар сизга содиқ қалқон, ё паноҳ.
Шоҳлар, бошлаб ўзингиз бош эгингиз
Мустаҳкам қонуннинг остонасига,
Халқнинг эрки, тинчи шудир, билингиз,
Шудир тахтнинг қўриқчиси мангуга!
1817

МИРТЕМИР таржимаси

* * *

Аччиқ сатиранинг оташ музаси!
Кел, менинг оташин даъватимга кел!
Менга керак эмас мақтов лираси,
Менга Ювеналнинг қамчисини бер!
Лекин, бу бадҳазм эпиграммам
Нодон тақлидчилар, асти сизгамас,
Эй, баднафс таржимон, қофияпараст —
Бечора нўноқлар, бўлинг хотиржам!
Хотиржам бўлингиз, шўрлик шоирлар!
Журнал муридлари — юраги кирлар!
Омон бўлинг сиз ҳам, тентаклар! Бироқ,
Эй, сиз муттаҳамлар, чиқинг яқинроқ!
Сизнинг ҳаммангизни, разил, аблаҳлар,
Виждон қийноғига оламан ёмон!
Қайси бирингизни унутсам агар,
Сўрайман, жаноблар, айтинг шу замон.
О, қанча беномус, орсиз афт-ангор,
Буларнинг ҳаммаси мендан баробар —
Ўчмайдиган тамға олишга тайёр!
1820—1826

Туроб ТЎЛА таржимаси

ларни режалаштиради. Ҳамма ишларни мўлжалга олгач, бригада аъзоларига иш тақсимлайди. Ишни шундай ташкил қиладики, натижада тажрибали қурувчилар ҳам бир ҳафтага мўлжаллаган ишини бир кунда бажаради. Ишни бошқараётган пайтларда, ўзининг таъбири билан айтганда, овози ўқдек бўлади.

...1974 йилнинг баҳор чоғлари эди. Тўлқин ака одатдагидек объектни айланиб чиқди. Қилинадиган ишларни режалаштирди. Қурувчиларга иш тақсимлади. Лекин уч-тўрт кундан буён иш юришмас, бинонинг бошланиш қисми қурилаётгани учун тайёрлов ишлари олиб борилаётганди. Ушанда масъулият асосан электр пайвандчиларга юклатилганди. Қолган қурувчилар уларга ёрдам беришарди. Ҳамиша мустақил ишлашга ўрганган Соиб ака эътироз билдирди:

— Тўлқин, нима кераги бор шундай қилиб, бизни бошқа объектга юбор. Кўпроқ фойдамиз тегади.

— Соиб ака, сиз ишлайверинг. Бу ёғини менга қўйиб бераверинг,— деди Тўлқин жиддий оҳангда.

— Ҳар доим шундай қиласан, бирон нарсани режалаштириб қўясанда, ҳеч кимга айтмайсан,— сриб ака яна алланималарни гапириб нари кетди.

Ҳақиқатан ҳам у шу куни кўп нарсани режалаштириб қўйганди. Уч-тўрт кундан буён қилинаётган ишлар беҳуда эмаслигини, кечқурун иккинчи смена ташкил қилиб, бир йўла 150 куб метр бетон қоришмани тайёрланган пойдеворга ётқизиш кераклигини айтмади.

Кечки пайт Тўлқин ака бригада қурувчиларини тўплади. Салмоқланиб муддаони айтди:

— Бугун икки сменада 150 куб метр қоришма қабул қилишимиз керак. Бу ишни кранда уч-тўрт соат мобайнида тугатишимиз лозим. Кран тагида саккиз киши ишлайди. Пастда ҳам тахминан шунча. Ҳозирдан буюртма кела бошлайди.

Уша куни ҳеч ким қурилиш майдонидан кетмади. Қурувчилар кеч соат ўнга қадар бир лаҳза тин билмай ишладилар. Тўлқин Самиғовнинг ўзи ҳам бир қадам жилмади. Ҳеч ким ўзининг чарчаганини билдиргиси келмасди. Аксинча, бетон етказиб бераётган шоферлар азбаройи чарчашганидан хархаша қила бошладилар.

Иш тугагач, Тўлқин ака ҳазилга ўтди:

— Қалай, Соиб ака, чарчамадингизми?

Соиб ака чарчоғини ошкор қилиб:

— Узимиз ҳам тарашадек қотиб қолаёздик,— деди.

— Қуруқ тарашадек,— деб кимдир луқма ташлади.

Ўртада кулгу кўтарилди. Гап айланиб кўтарма кранларга келиб тўхтади. Тўлқин атайин Соиб акани гапга солди:

— Соиб ака, кўтарма кранда нечта от кучи бор?

— Кранда от кучи нима қилади?— деди у.

— Машиналарнинг қувватини от кучи билан ўлчанади-ку? Нега энди кранда от кучи бўлмас экан?!

Соиб ака қизиққон эмасми, яна қайнаб кетади:

— Э, Тўлқин, эсингни йиғсанг-чи, машинанинг тезлиги билан кўтарма кранинг тезлигини солиштириб бўладими?!

Соиб аканинг «от кучи» деганда фақат тезлик нуқтаи-назаридан қараганига Тўлқин гапни айлантирар, ўзини соддаликка олиб тегажоқлик қиларди. Бу ҳазиллар ҳамиша ўринли бўлар, айни вақтда кишиларга меҳнатдан чарчаган вақтларида дилхушлик бағишларди.

Тўлқин Самиғов ўзидаги меҳнатсеварликни, қийин ишларни ҳам ҳазил-ҳузул билан енгиш фазилатини бригадасида ишлайдиган Қобил Юнусов, Ҳикмат Аҳмаджонов, Акрам Шоҳакимов, Аббос Изимов, Карим Ҳамидов каби илғор қурувчиларга ҳам сингдирган. Бригадир бирор сабаб билан объектда бўлмаган кезларда уларнинг ҳар бири Самиғов даражасига кўтарила оладилар. Уларнинг кўксини безаб турган орден ва медаллар ҳам шундан далолат беради...

Биз дондгор қурувчи Тўлқин Самиғов ҳаётида бўлиб ўтган айрим воқеаларни баён қилдик, холос. Талай-талай фактларни, рақамларни келтирмадик. Лекин бир нарсани таъкидлашни истардик. Тўлқин Самиғов бошчилик қилаётган 12-қурилиш трестининг 47-қурилиш бошқармасига қарашли бригада мана бир неча беш йилдирки, ўз план ва мажбуриятини икки ҳисса қилиб бажариб келяпти.

Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрига кўрк бўлиб турган В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройи, Шаҳар Бош универсал магазини, Марказ-27 турар-жой массивидаги муҳташам биноларда Тўлқин Самиғов бошлиқ қурувчилар бригадаси бунёдкорларининг қалб қўри бор. В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройини қуришдаги самарали меҳнати учун Тўлқин Самиғов Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди.

Мана, ҳозир ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили кечмоқда. Тўлқин Самиғов бошлиқ зарбдор бригада қурган ва қурадиган, ҳар бирига шиддат, жасорат сингган бинолар боқийлик тимсоллари бўлиб қолаверади.

Тоир ЮНУСОВ

Ҳамид ТОЖИБОЕВ

СУРАТ

ҲИКОЯ

Бирин-кетин учта машина ўтиб кетди. Хаёлга ботиб тургандим, бир маҳал:

— Қани, чиқинг, муллака!— деган овоз қулоғимга чалинди.

— Қаёққа борасиз?— деб сўрадим машинага яқин бориб.

— Узумини енг, боғини суриштирманг, муллака,— деди ҳайдовчи йигит майин кулимсираб машинасининг олд эшигини очаркан.— Бу ерда йўл битта, Боғистондан ўтади...

Бу томонларда кўп бўлганман, одамларини биламан. Ҳамроҳимнинг ранг-рўйи, қолаверса кўнғирсоч бошидаги қалампирнусха дўпписидан йигитнинг асли Фарғона водийсидан эканлигини сезиш қийин эмасди.

Машина дарахтзор боғ кўчасидан ўтиб, учи-қири уфққа бориб қадалган тахтиравон йўлга чиқиб олгач, кўз илғамас дашт томон бурилди. Сафарда одамлар ғоят тез танишиб олишади. Ҳаш-паш дегунча биз ҳам «офтобда қатиқ ялашган» оға-инилардек апоқ-чапоқ бўлиб қолдик. Шофёрнинг исми-шарифи Шерали, унинг Холидахон деган хотини ва тўртта ширин-шакар фарзанди бор экан.

— Оббо, муллака-ей, Боғистонга денг-а?— дея мени гапга солди ҳамроҳим.— Кимингиз бор у ерда? Ё иш билан кетяпсизми?

— Иш бор эди...

— Ҳа, хизмат денг? Бу дейман, муллака, мухбирмисиз?

— Тўғри. Қаердан билдингиз?— дедим ҳамроҳимга.

— Шунақа, бир тахмин қилдимда, манови фотоаппаратингизни кўриб,— деди у.— Редакциядан бўлсангиз ажаб эмас, деб ўйладим. Тахминим тўғри чиқди... Кечирасиз, бу мухбирлар жуда ажойиб халқ-да. Ҳали у ёқда, ҳали бу ёқда. Бугун бирини кўкка кўтариб мақташади, эртага бировнинг пўстагини қоқишади... Ҳар қалай, ишларингиз оғир эмас-ку?

Йигит менга савол назари билан қараб қўйди.

— Унчалик эмас, оғайни. Аввало, ҳар юмушнинг ҳам ўзига яраша оғир-енгил томонлари бор...

Шерали билан суҳбатлашиб борар эканмиз, кабина рахига илиб қўйилган митти суратга кўзим тушди. Ўрта яшар аёл кишининг сурати вақт ўтиши билан сарғайиб кетган эди. Сурат кафтдек картонга ўрнатилган, атрофи дид билан безатилган эди. Унга тикилиб қолганимни сезган Шерали: «Бу киши онамлар», дедию хўрсиниб қўйди. Йигитнинг бояги хушчақчақлигидан асар ҳам қолмади. У негадир бир зумда ўйчан бўлиб қолди. Лекин у узоқ жим туролмади.

— Эҳ, муллака!— деди у суратга мунгли боқиб.— Онаизоримдан менга қолган ягона ёдгорлик шу сурат. Юрагим тўла армон, муллака. Суратга тикилиб қоламан, онамнинг кўзларига боқаману ўйларим остин-устин бўлиб кетади, ўзимни қўярга жой тополмайман. Бу меҳрибон кўзларнинг бир неча бор қон йиғлаганини кўрганман. Эҳ, ғўр эдим ўшанда...

Шерали жимиб қолди. Бир оздан кейин менга ҳорғин назар ташлади. Ҳамдардлик билан бетоқат кутаётганимни ҳис қилди шекилли, бир ютиниб, яна тилга кирди:

— Мен ёш эдим. Дадам янги уст-бошларини кийиб, ёру биродарлари билан, онам билан хайрлашиб, жийрон отни минди. Хархаша қилиб, дадамга эргашдим. Олдинига эркалатиб мени ўпди. «Сенга бир нарса олиб келаман», деб ваъда қилди. Мен кўнмадим, йиғлайвердим. Дадам отига зарда билан қамчи уриб йўлга тушди. Онамнинг этагини маҳкам тутиб чинқириб йиғлаб туравердим. Онам бояқиш дод-фарёд қилди. Кейинчалик билсам, дадам шу кетишда фронтга кетган экан.

Мен бир оз улғайиб, онамга дастёр бўлиб қолдим. Урушнинг сўнгги йиллари эди. Қишлоғимизда асосан қари-қартанг, хотин-қизлар, менга ўхшаш болалар эди. Колхоз раиси ҳам, бригадирлар ҳам урушдан яродор бўлиб қайтган ногиронлардан эди. Кунлардан бир куни уйимизга гимнастёркасининг бир енги камарига қистирилган почтачи кириб келди. У салом-аликдан сўнг онамнинг қўлига кўк конвертни тутқазганича орқа-олдига қарамай ҳовлимиздан чиқиб кетди. Онам шундай аюҳаннос солиб, қишлоқни бошига кўтардики, бир пасда ҳовлимиз хотин-халажга тўлди. Дадам фронтда ҳалок бўлган, ундан қорахат келган экан.

Орадан яна бирмунча вақт ўтди. Бир куни райондан отчопар жарчи келиб қолди. «Ҳў-ҳў-ҳў, халойиқ!— деб қичқирди у.— Эшитмадим деманглар! Уруш тўхтади. Лаънати фашистлар тор-мор этилди. Биз ғалаба қилдик!..» Онам ўша куни ҳам узоқ йиғлади. Ҳам ғалабадан суюниб, ҳам дадамни эслаб йиғларди муштипар онам...

Эҳ, ғўр эканман, муллака... Мен уйдан чиқиб кетган куним ҳам онам йиғлаган. Узимни ҳеч кечиролмайман...

— Сабаби нима? Нега ундай қилгансиз?

— Эшитинг, муллака, ўзингиз ҳукм чиқаринг. Уруш тугаб, яхши кунлар келди. Одамлар йўқчиликдан қутулиб, оғизларини тўлдириб нон ейдиган бўлиб қолишди. Эсимда. Ун олти ёшда эдим ўшанда. Ҳақиқатан ҳам «хавфли ёш», деб бежиз айтишмас экан-да! Қишлоғимизда кексалари ўзаро маслаҳатлашиб денг, онамни эрга бермоқчи бўлишибди. У деса бу деб, бу деса у деб ўз ҳолига қўймай розилигиниям олишибди. Резинкаўл бригадирга унаштиришибди. Орқаваротдан эшитганим миш-мишлардан ташвишга тушиб қолдим. Онам индамасди. «Ростдан ҳам одамларнинг гапи тўғри бўлиб чиқса-я», деб сўрагани чўчирдим.

Бир куни тушки пайт денг, онам иккимиз у ёқ-бу ёқдан гурунг қилиб ўтирувдик. Кўчада эшитган гапларим эсимга тушиб қолди.

— Шу гап ростми?— дедим онамга қовоқ уюб.

— Қанақа гап?— ўзини тушунмаганга олди онам.

— Анави бригадирга,— дедиму дудуқланиб қолдим.

— Агар рост бўлса-чи!— деди ярим ҳазил, ярим чин оҳангда онам.

— Нима?!— дедиму илон чақиб олгандек сапчиб ўрнимдан турдим. Умримда биринчи марта онамнинг кўзига тик қарадим. «Сиз айтгандек бўлмайди, она!— дедим аъзойи баданим титраб-қақшаб.— Дадамди, дадам...»

— Ахир, тушунсанг-чи, хом сут эмган бола!— деди онам...

Бошим айланиб кўз олдимни қоронғилик қоплади. Рўпарамда гўё мени туғиб катта қилган онам эмас, қандайдир бошқа, бегона аёл турарди.

— Йўқ! Йўқ!— дедим жаҳл аралаш.

Олдинига онам мени бағрига босиб юпатмоқчи бўлди:

— Хафа бўлма, бўталоғим, сени шунчаки синамоқчи эдим, холос. Сен бўлсанг...

Онам пешонамни силади, ўпди, бағрига тортди. Бари бир овунтиролмади мени. Қучоғидан суғурилиб чиқиб, ўзимни кўчага отдим.

— Кетаман бу ердан!

— Қаёққа кетасан?! Ёш кетаман деб қўрқитади...

— Шунақами!— дедиму лип этиб уйга кирдим. Жужунча костюм оламан деб тўплаб юрган пулни кўрпанинг қатидан олиб чўнтакка солдиму кетиш мана бунақа бўлади, деб кўчага чопдим. Билдингизми, муллака, аввалига онам жавраб-қақшаб, чамамда қуруқ пўписа қилиб кўрди:

— — Бор! Боравер, яшшамагур!— деб қарғади.— Менга деса ўлиб кетмайсанми?! Йўқол, кўзимга кўринма!

Мен бўлсам борган сари уйдан узоқлашардим. Онам қараса, астойдил кетяпман. Энди у ялиниб-ёлвора бошлади:

— Ҳой, ярамас бола, ҳой Шер, қайт орқангга, ҳазиллашдим, боласи тушмагур, орқангга қайт деяпман. Ҳой Шер, тўхта деяпман. Тўхта!

Онамнинг ёлвориб тўккан кўз ёшларига ҳам қарамадим, кетавердим. Тўғри райкомсомолга бордим. Чўлқувар бўлиш ниятида эканимни айтиб, у ердан йўлланма олдим. Уйдан кетиш сабабини у ердагиларга айтмадим...

Мана, йиллар ўтди. Ҳунар ўргандим, дўст-ёр орттирдим. Ҳарбий хизматга ҳам бориб келдим шу орада...

Кунлардан бир куни денг бозорда ҳамқишлоғим Жўрақул акани учратиб қолдим. «Шермисан, тирикмисан, ука?», дея бағрига босди. Чойхонада у киши билан анча отамлашдик. У ҳам менга ўхшаб қўриқ ўзлаштираётганлар сафида экан. Қишлоғимизга тез-тез бориб турар экан. Мени роса койиди. «Дуппадуруст бола эдинг, нима бўлди сенга? Онангни не кўйга солиб ташлаб кетдинг, нодон? Тез йўлга чиқ», деди Жўрақул ака.

Онам кетиб қолганимга ишонмай роса кутибди, сўраб-суриштирибди. Ўша бригадирга турмушга ҳам чиқмабди. Дом-дараксиз кетганимдан кейин саломатлиги ёмонлаша бошлабди. Охири касалманд бўлиб қолибди.

Пешонамга бир уриб: «Эҳ хом калла», дедиму қишлоғимга равона бўлдим. Қушдек учиб бордим. Афсус, онамнинг дийдорини кўролмадим, муллака. Тобутни энди кўтарамиз деб туришганида кириб бордим ҳовлимизга. Бир неча кунгача армон билан йиғладим... Қишлоқда узоқ туролмадим, қайга қарамай, ҳамма нарса фарзанд доғида, яъни мен ярамасни деб юрак-бағри эзилиб тамом бўлган онамни эслатарди. Ҳамқишлоқларим ҳам назаримда мени унчалик хушламас, совуқ қарашарди менга... Хуллас, менга онамдан қолган ёдгорлик ана шу сурат бўлди. Насиб экан, шу томонларга келиб қолдим.

Эндиликда мундоқ ўйлаб қарасам, онам ўша пайтда жуда ёш эди. Мени деб қайта турмуш қурмади. Онам ёш умрини хазон қилиши шартмиди. Ахир, инсон дунёга икки бор келмайди-ку. Ўйлаб-ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман, муллака...

Ҳамроҳим жимиб қолди. Машина ҳамон ғизиллаганича рўпарадан эсаётган шамолни кесиб олға интиларди. Гоҳ Шералига, гоҳ ойнадаги суратга разм ташлайман. Шералининг кўзлари қизарган, суратнинг ҳам кўзларида ёш кўрингандай бўлди назаримда. Гўё дилбандининг афсус-надомат қилаётганидан она қалби бари бир ўртанарди...

Барот БОЙҚОБИЛОВ

Сонетлар

Тонг билан кўрдим ёр юзида ханда,
Кўзларим нурланди шарорасидан,
Қалб туғён урди ишқ фавворасидан,
Тонг билан кўрдим ёр кўзида ханда.

Чиннидек жаранглар сўзида ханда,
Кўнгилга бол томар иборасидан,
Руҳга жон югурар ишорасидан,
Гул бўлиб яшнайди изида ханда.

Бу висол айёмин айламай канда,
Маст бўлиб кўнгилнинг иштиёқидан.
Бошимда чарақлаб қуёш кулганда,

Ҳайратланиб Ишқнинг ихтиросидан,
Шеър айтгим келади ушбу чаманда,
Ёр рози бўлса бас ҳар мисрасидан!

* * *

Назокатинг сеҳри шарму ҳаёдир,
У ноёб безакдир хислатингга, ёр.
У зийнат қўшади зийнатингга, ёр.
Иқболинг кўзимга сўнмас зиёдир.

Муҳаббатинг менга меҳригиёдир,
У сеҳр бахш этар иффатингга, ёр,
У мангу ҳусндир ҳаётингга, ёр,
Ҳаётинг мен учун нурли дунёдир.

Дунёнинг сен берган бу кишваридан
Олқишлар айтаман ҳимматингга, ёр.
Воз кечиб, ҳаётнинг сийму заридан.

Мен қалқон эрурман кулфатингга, ёр.
Ҳаёт айирмасин сендай паридан,
Бир умр ёр этсин иффатингга, ёр!

* * *

Севгингдан бир умр бўлиб баҳраманд,
Ҳаёт гулзорида кездим, севгилим,
Сенга бир гулдаста туздим, севгилим,
Ҳайратдан яқосин тутди Самарқанд.

Висолинг тонгига боқиб орзуманд,
Юлдузлар оромин буздим, севгилим,
Сенга деб бир шода туздим, севгилим,
Қошимда тутсанг не ўзни аржуманд.

Бўйнимга қилдингу зулфингни каманд,
Найлайин, жонимни этдинг беқарор,
Ишқингдан тўлғонди дил дарё монанд.

Бу ажиб гулдаста сенгадир, эй ёр,
Қалбингда рамзини кўрса Самарқанд,
Биз билан умрбод бўлур бахтиёр.

* * *

Сен билан ҳамиша чароғон уйим,
Бахт нурин сочади менга ҳар хона.
Ғам туни уйимга эрур бегона,
Сен билан бир умр равшандир уйим.

Сен билан бахтиёр янграйди куйим,
Ҳаётга боқаман мен ошиқона.
Дунёда топилмас сендек фарзона,
Сен билан эларо баланд обрўйим.

Сени менга берган ҳаёт бор бўлсин,
Бор бўлсин Ишқ деган олий саодат,
Саодат қалбингга зарнигор бўлсин!

Ғам кўрма, бахтимга бўлгин саломат,
Фарзандлар умрингга ифтихор бўлсин,
Бор бўлсин сендаги меҳру садоқат!

* * *

Ҳаётда бир тушди умр йўлимиз,
Бу йўлни ўтурмиз манзил-баманзил.
Бўлса-да, елкада юкларимиз зил,
Шарафли манзилга элтажакмиз биз.

Биримиз ҳорисак, бормиз биримиз,
Қувват бўлар, дерлар, арғамчига қил.
Сув ичади, ахир, кўнгилдан кўнгил,
Олмосдан ўткирдир кўзда нуримиз.

Ҳаёт йўли қанча бўлмасин оғир,
Ярим йўлда қолмас юкимиз, эркам.
Фарзандлар — қаторда норимиз, ахир.

Сен агар ёнма-ён ташласанг қадам,
Тоғни кўтармакка елкамдир қодир,
Сенсиз тоғдан оғир ҳаттоки тош ҳам.

* * *

Уй обод ўзининг бекаси билан.
У билан чироқ ҳам равшан ёнади.
Меҳридан нурланиб гулшан ёнади,
Уй гўзал ўзининг эгаси билан.

Уй кўркам ўзининг эркаси билан;
Фарзандлар офтобдек тонг уйғонади,
Меҳр юлдузига кўзлар қонади,
Уй порлоқ ўзининг эртаси билан.

Оила тинч бўлса, уй эрур жаннат,
Қарс ҳам икки қўлдан чиқади, ахир,
Оила — аслида кичик бир давлат.

Ота шоҳ бўлса гар, вазир онадир,
Фарзандлар — давлатда соҳиби қудрат,
Лек тотув бўлсин дер шоҳ билан вазир.

* * *

Сен ҳамроз бўлмасанг умримга, эркам,
Кулиб боқмас эди толе юлдузи.
Қалбда мавж урмасди илҳом денгизи,
Сен ҳамроз бўлмасанг шеъримга,
эркам,
Сен ҳамроз бўлмасанг умримга, эркам,
Менга ёт бўларди балки Ишқ сўзи,
Басир бўлар эди қалбимнинг кўзи,
Сен ҳамроз бўлмасанг шеъримга,
эркам.

Васфингни куйлай деб мен тутдим
қалам,
Сен шод бўлсанг, эркам, мен ҳам
хурсандман,
Сен маъюс тортсанг гар маҳзунман
мен ҳам.

Сен билан бир умр жони пайвандман,
Сенсиз не керакдир менга бу олам,
Сен бўлсанг Андижон, мен
Самарқандман!

* * *

Қўлингдан келмаган ҳунар йўқ сенинг;
Қирқ ҳунар не сенга, юз ҳунар ҳам оз.
Юз ҳунар ҳам сенинг қалбингда мумтоз,
Элингда бўлмаган гуҳар йўқ сенинг.

Қўлингда кулмаган зевар йўқ сенинг,
Тошни ҳам дур қилиб берасан пардоз.
Қумни ҳам ганж қилиб этасан эъзоз,
Мулкингда қучмаган зафар йўқ сенинг.

Сендек санъаткорни қўли гул, дерлар,
Бу олтин қўлларинг ҳеч кўрмасин дард,
Бошимдан бир умр сочсин сийму зар.

Сен билан бахтлиман, юзим бўлмас
зард,
Кел, ўпай, ҳунарманд қўлингдан,
дилбар,
Кўзингга қўнмасин қайғу бўлиб гард!

* * *

Сенинг рухсорингга изласам тимсол,
Ёқмади мен билган сўзлар ўзимга.
Қаламим кирмади айтган сўзимга:
«Оҳорли сўзларни,— деди,— шеърга
сол!»

Сўз вазнин ўлчасам мисқолма-мисқол,
Ҳар калом кўринди ўтдек кўзимга.
Дур қилиб тизсам ҳам битта тизимга,
Кўнглим қониқмасдан бағрим бўлди ол.

Сўлғин гул жонланар сен солсанг
назар,
Бағримда ёнади сўзлар шеър бўлиб,
Чирогим ёғдумас, гўё сочар зар.

Сен боқсанг, оддий сўз порлар дур
бўлиб,
Хазон кўнгил боғи чамандек яшнар,
Тонг билан таралар шеърим нур бўлиб!

* * *

Уйимиз файзидан кўнгиллар яшнар:
У — сенинг қўлингдан топмиш оройиш.
У сенинг ҳунаринг этмиш намойиш,
Мафтун боқиб доим кўз ҳайратланар.

Уйимиз файзидан кўнгиллар яшнар,
У — сенинг қалбингдан олмиш осойиш.
У сенинг меҳрингдан қилмиш навозиш,
Таърифин айтмакка сўз ҳайратланар.

Мен учун бу даргоҳ азиз ва танҳо,
Унда сен ва бордир оқил
фарзандлар,—
Бир умр этгувчи кўнглимни рўшно.

Бу даргоҳ шаънига қўнмасин гардлар,
Фарзандлар умрига жон бўлсин фидо!
Авлодни авлодга фарзанд пайвандлар!

* * *

Муҳаббат чироғи ёнмаса,
Кўнгил уйи зулматдир.
Дунё боғи ғурбатдир,
Муҳаббат чироғи ёнмаса.

Муҳаббат чироғи ёнмаса,
Кечган умр ғафлатдир.
Яшаш бахтмас, кулфатдир,
Муҳаббат чироғи ёнмаса.

Муҳаббат — инсонга қўшқанот,
Дунёни кўргувчи кўзидир,
Авлодлар топинган, бахт, нажот,

Инсоннинг у айтар сўзидир,
У билан гўзалдир бу ҳаёт,
Муҳаббат инсоннинг ўзидир!

* * *

Мен баъзан етмайман сенинг қадрингга,
Ноўрин сўзимдан оғрийди кўнглинг.
Сўнг эса, пушаймон қиламан минг-минг,
Азобим ўт бўлиб, етмас қалбингга.

Қалб қушим қўнолмай кўнгил қасрингга,
Парвона бўламан, кўзларимда мунг,
Илтижо қиламан, сўзларимда мунг,
Бошимни қўёлмай ўтли бағрингга.

Оташли дардингга бўлсин деб шифо,
Қалбимдан энг латиф сўзни излайман.
Сен эса қайрилиб боқмайсан ҳатто.

Васлингга зор бўлиб бағрим тузлайман,
Юзингда табассум кўрмагунча то
Ўзимни сен дея, сени сизлайман.

Тошкент.

БУРЧГА САДОҚАТ

Авжи ёз. Саратон офтоби олов пуркамоқда. Уфқдан ёпирилиб келаётган тўзонли шамол секинаста атрофни ўраб ола бошлади. Шамол ғўзаларга ишлов бераётган трактор шовқинини босгудек увиллайди. Ғўзалар шамол кучидан титраб тебранади. Совхоз директори Ҳайитмурод Фармонов пайкал оралаб бораркан, ғўза ҳосилини гармсел балосидан сақлаб қолиш ҳақида ўйларди. У пайкал бошида бироз ҳаёл сургач, ёнидаги бўлим бошқарувчиси Холиёр Абдуназаровга юзланди:

— Пахтазорларнинг атрофини иҳотали дарахтзорлар билан ўрашимиз лозим. Чўл шамолининг дамини кесади. Бу йилги шароитда эса сувни ҳам, ўғитни ҳам аямаган тақдирдагина ҳосил оламиз,— деди овозини баландлатиб.

Ҳайитмурод ака Абдуназаровга яна нималарнидир уқтирди-да, совхоз марказига йўл олди.

...Чўлга дастлабки келган йиллари иш бундан ҳам оғир эди. Ёш хўжаликни эса тез оёққа турғазиш лозим. Уч минг гектарга яқин қўриқ ўзлаштирилди. Аммо ер янги, карталар тўла ўрганилмаган эди. Сувни қаёқдан олиш, суғоришда қайси усулни қўллаш керак? Бунда албатта тайёр андозаларнинг ўзигина кифоя қилмасди. Ишга ижодий ёндашиш лозим эди. Ҳайитмурод ака хўжалик мутахассисларининг иқтидорини, омилкорлигини ҳам аниқ ҳисобга олди. Муаммолар беҳисоб эди. Посёлка ҳали битмаган, дов-дарахтлар унмаган, дам олиш учун соя-салқин жой йўқ... Айниқса, бетон новларнинг пухта эмаслиги кўп ташвиш туғдирди: улардан кўпинча сув уриб кетарди. Ана шундай пайтларда у кечаю кундуз югуриб-елар, ҳар бригада ва бўлим экинзорларини қайта-қайта текширар, камчиликларни ердам билан тузатиш ҳаракатида бўлар эди.

Ўша йили айниқса бир ташвиш директорни ўйлантириб қўйди: кечки ғўзаларнинг авжи суст эди. Унинг кўнглига эгатларга қўй қийини шарбат қилиб оқизиш фойда беради, деган фикр келди. Бунинг учун тезда одамлар ва техника кучи ажратилди, зарбдор транспорт отрядлари тузилди. Совхоз устахонасида эса пайкаллар бошига ўрнатиладиган қўлбола электр қориштиргичлар тайёрланди. Шу-шу авжи паст ғўзаларга қўй қийи шарбат қилиб оқизилди. Натижада ғўзанинг етилиши тезлашди. Ўша йили кузда мўлжалдагидан ортиқ —3 минг 200 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Эндиликда бу тадбир Нишон районидаги барча хўжаликларда қўлланилмоқда.

Ҳайитмурод Фармонов ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асаридаги «Қийинчиликдан қутулишнинг йўли битта, ишонч йўли битта, малҳам битта — ишлашдан иборат», деган доно фикрларни қалбига чуқур жо қилиб олди. У ҳар бир ишга шундай мулоҳаза билан қўл урарди. Ҳар соҳанинг ўз мутахассисига: гидротехник ё ер тузувчими, агроном ёки инженерми, ким бўлмасин, унга тўла эрк беришга, лозим пайтда биркитилган иш юзасидан улар билан фикрлашишга, айни чоқда ижрони текширишга аҳамият берди.

Қарши чўлидаги тўнғич хўжаликлардан бири — «Қашқадарё» совхозига директор бўлиб ишга келган пайтлари эсида. Қарши районининг сув камчил ерларига жойлашган бу совхоз шароитини Ҳайитмурод ака чуқур ўрганди: харажатлар ошиб, даромад камайиб кетгани маълум бўлди. Хўжаликда ишчи кучи камайиб, меҳнат интизоми бўшашиб кетганди.

Ҳайитмурод Фармонов совхозда истиқомат қилувчиларни йиғиб, уларга мурожаат қилди:

— Хўжалигимизда яшовчиларнинг ҳаммаси далага чиқсин. Бундан кейин иш ҳақи насия эмас, нақд бўлади. Давлатимиз ҳозирча қарз беряпти...

Мана шу йўл билан хўжаликнинг ҳақиқий ишчи кучи тикланди, суғориш тармоқлари тартибга келтирилди, алмашлаб экиш жорий этилди. Икки йил ичида пахта ҳосилдорлиги 14 центнердан 34 центнерга кўтарилди. Хўжалик иқтисоди мустаҳкамланди. Бу ердан кўчиб кетганлар ҳам қайтиб кела бошладилар. «Қашқадарё» совхозидаги самарали хизматлари учун Ҳайитмурод Фармонов ҳукуматимизнинг юксак мукофоти — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Шу-шу унинг эл олдида ҳам, область партия комитети олдида ҳам эътибори ортди, у чинакам чўлқувар раҳбар сифатида танилди.

Область партия комитети тадбиркор хўжалик раҳбари Фармоновга Қарши чўлида янги — Усмон Юсупов номли совхозни ташкил этиш масъулиятини юклади. Бир неча йилдирки, у янги йирик пахтакор хўжаликни бошқармоқда. Совхозда эса унинг етакчилигида ҳалол меҳнат қилиб, ҳурмат қозонаётган, совхоз довруғига довруқ қўшаётганлар оз эмас. Мана, масалан, Абдухалил Иброҳимовнч олайлик. У Косон районидаги Ленин номли совхоздан чўлга келган. Ҳозир комплекс механизмлашган бригаданн бошқаряпти. Ўзи экади, ўзи парвариш қилади, ғўзани машинада чеканкалайди. Кузда ҳосилни машинада яна ўзи териб олади. Бундайларни даланинг ҳақиқий хўжайинлари деса бўлади.

Ойдин Қодирова бундан етти йил муқаддам Тошкент атрофидаги қишлоқлардан Қарши даштига келган эди. Шундан буён у пахтачилик бригадаси бошлиғи. Ҳайитмурод ака баъзан унинг қойиллатиб меҳнат қилаётганига тан бериб: «Халқ достонларидаги барчинлар ҳам шулардек бўлгандир-да», деб уни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатади. Ўтган йили Ойдин Қодирова бошлиқ пахтакорлар 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтардилар.

Бир куни бўлим бошқарувчиси Холиёр Абдуназаров совхозда ғўза зараркунандаларига қарши курашиш учун биологик лаборатория очилишини эшитиб, директор ҳузурига келди.

— Лаборатория тажрибаларини бизнинг бўлимдан бошласак. Олимларга барча шароитни яратиб берамиз,— деди ўшанда Холиёр директорга маслаҳат солиб.

— Анча-мунча ташвиши бор-да, қийналиб қолмайсизларми?— дея Ҳайитмурод ака Абдуназаровга синовчан термулди.

— Йўқ, ҳозир қийналсак, кейин ҳаммаси осон кўчади,— деди Холиёр қатъий.

Шундан кейин Ҳайитмурод ака биология лабораторияси районда биринчи марта ташкил этилаётганини таъкидлаб, Абдуназаровга тегишли маслаҳат берди:

— Областимизда ҳам хўжаликларга амалий ёрдам кўрсатаётган бундай лабораториялар саноқли,— деди директор.— Аммо бу усулнинг истиқболи катта. Биологик методга биз кенг йўл очишимиз керак.

Холиёр Абдуназаров бошлиқ бўлимда биология лабораторияси ташкил этилди. Совхознинг энг йирик мазкур бўлимида ҳар йили 800 гектар майдонга чигит қадалади. Ҳар гектардан 40 центнердан ҳосил етиштириляпти. Бунда албатта ғўза зараркунандаларига қарши биологик методнинг қўлланиши самарали бўлмоқда.

Саратон тафтида тобланиб, чўлни гулистонга айлантираётганлардан яна бири Оғабой ота Ҳайдаровдир. Ёши олтмишлардан ошган бу тажрибали деҳқон тўрт-беш йил олдин Сурхондарёдан чўлга келиб: «Директор ўғлим, асли боғбонман. Қарши чўлида ҳам боғ бунёд этсам деб келдим», деди. Ҳайитмурод ака ўшанда ободончилик масаласида ҳам ўз таклифларини ўртага ташлади. Посёлкадаги ҳар бир кўча жамоатчилик асосида ишлайдиган бригадаларга биркитиб қўйилди. Уларнинг кучи билан кўчатлар экилди. Оғабой отага ўхшаган элпарварлар бу ишга етакчилик қилдилар. Ҳозир 200 гектардан ортиқ боғ неъмати чўлқувварлар дастурхонини тўкин-сочин қилмоқда. Бодомзор, анорзор, лимонзор, анжирзорлар чўлга файз қўшмоқда. Мана, бир неча йилдирки, совхоз посёлкаси гўзал шаҳарча тусини олди. Бир замонлар буюк бобомиз Алишер Навоий Ҳиротдан Самарқандга қатнаган карвон йўлларида бугун боғлар бунёд этилди. Боғларнинг саховатида моҳир раҳбар, ҳақиқий коммунист Ҳайитмурод Фармонов ва эл севган соҳибкор Оғабой ота Ҳайдаров кабиларнинг қалбидаги замин меҳри мужассам. Мана шу самарали хизматларининг рамзи сифатида Фармоновнинг кўксини Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени безаб турибди. У чўлқувар коммунистларнинг муносиб вакили сифатида партиямиз XXVI съездига делегат бўлди.

Усмон Юсупов номли совхоз пахтакорлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида она Ватанга 14 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Бу улкан ютуқлар замирида одамлар қалбига кира олиш, лозим бўлганда талабчанлик кўрсатишни муҳим омил деб билган Ҳайитмурод аканинг ўзига хос иш юритиш услуби, раҳбарлик маҳорати ётибди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

УГАМ дарёси



Зоҳиджон ОБИДОВ

ЛЕНИНГРАД ОҲАНГЛАРИ

ҲАҚИҚАТ НИДОСИ

Мен ҳам ҳеч кўзларга кўринмас важман,
Лек оқни қорадан ажратгум дарҳол.
Ҳамиша ростгўйлик бошида тожман,
Одиллик учун жанг қиламан алҳол.
Чунки мен ҳақиқатман.

Нетай, гоҳ енгмоқ-чун баъзи қув, олчоқ
Турфа хил найрангни ишга чоғлайди.
Ғолибдай кўринib, қорани деб оқ,
Кишилар кўзини аста боғлайди,
Бўйсунмас ҳақиқатман.

Гоҳида мағлубдек беҳол қолсам-да,
Аслида бўй бермам қаллобларга ҳеч.
Тўғри, гоҳ тор келар менга ҳам олам,
Яшаш-чун олишмоқ ишим эрта-кеч,
Заҳматкаш ҳақиқатман.

Не кунлар чекимга тушмайди, ахир,
Не сиру синоат кечмагай бошдан.
«Бўлди!»— деб бўйсунмам келганда оғир,
Янчилиш билмайман, бошимдир тошдан,
Бардошли ҳақиқатман.

Ўлгунча ўжарман, қайтмам йўлимдан,
Қуёшдек зулматни қувмоқ одатим.
Бой бермам адолат ҳукмин қўлимдан,
Пок диллар омади — менинг омадим,
Ҳимматли ҳақиқатман.

Яхшилар борки, ҳеч менга завол йўқ,
Яхши ҳам улар кўп ёмон зотлардан.
Шу боис, ҳамиша менинг кўнглим тўқ,
Шу боис, ғолибман қабоҳатлардан,
Музаффар ҳақиқатман.

Ноҳақлик иш кўрар доимо пусиб,
Шул сабаб, шумлигин пайқамоқ маҳол.
Мен эса беркинмам одатим бузиб,
Ҳамиша курашмоқ тилайман ҳалол,
Ошкора ҳақиқатман.

«Ҳақиқат эгилар, аммо синмайди»,—
Деб тўғри таърифлар оқил халойиқ.
Ноҳақлик амрига у ҳеч кўнмайди,—
Деб ишонч билдирар одил халойиқ.
Мен шундай ҳақиқатман.

1981 йил, 19 июль
Ленинград

ХАЙРИЯТ

«Ҳорма, бор бўл!»— дея келдим ҳол сўраб,
Эй, Нева соҳилин сўлим даргоҳи.
Мунаққаш бинолар, олдингиз ўраб,
Қирғоқда тош шернинг таниш нигоҳи.

Қаршилар Пётр I ўйноқлатиб от,
Бинолар бошида ошно маъбудлар.
Парилар пештоқда ёзмишлар қанот,
Келганим гўёки улар шод қутлар.

Соф олтин қалпоғин қўндириб бошга,
Кўкўпар Исаакий жомеси турар.
Устунлар кўксини кермиш қуёшга,
Сайқалли тошларда тин олади нур.

Найзадор қуббалар санчилмиш кўкка,
Қадрдон нақшинкор равоқлар омон.
Невани кўзгу деб тушганча чўкка,
Саройлар ва арклар пардозда ҳамон.

Ҳов, Қишки саройнинг томига боқинг,
Парилар-пайкарлар рамзи жамулжам.
Не дея сўзлашур, мағзини чақинг,
Асрлаб турмишлар гўё бир олам.

Ёзги боғ оралаб бораман шошиб,
Атрофни илоҳий ҳайкаллар қуршар.
Гўзаллар шаклидан кўзим қамашиб —
Бораман, нақ улар тирикка ўхшар.

Шошаман, келибоқ Финляндиядан,
Ильич сўз айтмоқда броневикда.

Ҳар сўзи чарақлаб ўтар миядан,
Доҳийни тинглайман турганча тикка.

Хайрият, ҳаммаси жойи-жойида,
Қамалдан қолмабди асорат мутлоқ.
Хаёлга чўмаман Ленин пойида,
Кўринур кўзимга жанг қизиган чоғ.

Кўринур қайтадан жаҳаннамий он,
Ларзага келмишди замину само.
Ажалкаш калхатлар учиб ҳар томон,
Бомбалар портлайди, гумбурлар садо.

Кўринур бинолар ёнган ўша он,
Чанасин судраган рангпар одамлар.
Қурбонлар ташилур, очлик олмиш жон,
Мажолсиз кекса-ёш зўрға одимлар.

Кўринур шаҳарнинг қамали такрор,
Муштдай нон бир кунга ризқу насиба.
Аммо эл дилида умид ва виқор:
«Кураш,— дер,— шу замин берган жозиба».

Сесканиб кетаман хаёлим қочиб,
Қаршимда қад ростлар қайта бу шаҳар.
Соҳиллар қаршилар қучоғин очиб,
Чор-атроф осуда жилмайиб боқар.

Хайрият, ҳаммаси жойи-жойида,
Кечмишнинг қаърига чўкмишди қамал.
Бахтиёр боқаман Ленин пойида,
Ёруғ тун, қуёшли оқшомги маҳал.

ПИСКАРЕВ ҚАБРИСТОНИДА

Улуғвор қабристон этилмиш бунёд,
Нақ Нева наҳрининг ёнбошида у.
Бундайин «даргоҳ»ни кўрмаган ҳеч зот,
Бундан сўнг кўрмаса-кўрмасин мангу.

Қабрлар шунчаки ўлганларгамас,
Бу маскан беажал қурбонларга хос.
Тўхтангиз, сақлангиз сукут бир нафас,
Бу ерда шон-шараф руҳи бекиёс.

Ҳов ана, улуғвор, мунгли волида —
Ҳайкали гўрларнинг бошига ўтмиш.
Жудолик эзса ҳам, мағрур ҳолида
Қўшқўллаб дуб барги шодасин тутмиш.

Қурбонлар қабрининг сон-саноғи йўқ,
Ҳар сайҳон супанинг таги минг мозор.
Марҳумлар рўйхатин ҳеч адоғи йўқ,
Ҳали ҳам жанг чоғи қурбонлари бор.

Гул қўйиб ўтаман мен ҳам шу асно,
Ўзгалар ҳамда ўз қисматим эслаб.
Ҳайратга тушмангиз бу ҳолга асло,
Келганман бу ерга қабримни излаб.

Ҳайратга тушмангиз қилмишим кўриб,
Ўлдига чиққанман қамалли кунда.
Шу қутлуғ заминдан душманни суриб,
Марҳумга айландим жанг қилиб бунда.

Онамнинг қўлига теккан қорахат,
Азам ҳам очилган, бўлган таъзия.

Умидни узишган: «Қучди,— деб,—
лаҳад»,
«Навқирон Зоҳиджон энди йўқ», дея.

Навқирон Зоҳиджон дунёдан ўтди,
Ногирон Зоҳиджон қолди оламда.
Ишқ тўла ёшлигин жанг ўтга тутди,
Мана у гул қўяр доғу аламда,
Урушнинг шарпаси битмаган дамда.

Эътибор ОХУНОВА

Бола, болажон...

КИЧИК ҲИКОЯЛАР

ГЎДАК, сен дунёга келдинг. Қачонлардир куйлаганим, унут бўлаётган аллалар дунёга келди яна. Уйимиз кенг жаҳонга айлангандай, турфа, рангли қўшиқларга тўлди. Уйимиз остонасидан қутлуғ қадамлар аримай қолди. Туни билан чироқ ўчмайди хонамизда. Нур, сурур, ғурур ҳам шунда. Туннинг нур қанотларидан қўшиқ ёғилади.

Қачонлардир уйнинг томига чиқариб қўйилган осма беланчак яна уй тўрида. У оддий ёғоч эмас энди, ардоқли бир нарса. У яна оппоқ елканга айланди. Полапонни бағрига олиб, елпинади у, тебранади. Мен ҳаёт беланчагиман, деб қўшиқ айтаётгандай бўлади. Менинг бағримга яширинган гўдак меҳри бир ишқ бўлиб туғилади яна. Гўдак... Оппоқ шуълалардан чойшаблар тикаман сенга атаб. Тўлин ой фонусини беланчагинг бошига ёқиб қўяман. Қошингда юлдузлардай бедор тонг оттираман. Гўдаккинам, қушларнинг, булбулларнинг баётидан ўланлар, аллалар тўқийман сенга. Мен сен туғилган онданоқ мусаввирга айланганим рост. Мен сен билан коинотнинг бор гўзалликларини кўргим, чизгим келади.

Гўдак, сен туғилган дақиқада тоғлардан акс-садолар эшитдим. Қоялар бошида ой қамари соқчилик қилганини кўрдим. Оҳулар тин олмас, безовта эдилар. Бирдан қоялар бошида чақин чақди, гулдирак гулдиради. Коинот бир дақиқа ичида ёришиб, мунаввар бўлиб кетди. Бу чоғ сен дунёга келган эдинг, ўғлоним!

Тоғлардан арчалар кесиб, келтирибдилар. Сенга тойчоқ, сенга алла бешик бўлсин деб. Бувилар ёғлик кулчалар ёпдилар, болакайларга улашдик. Ўғлонимиз улар сафида бўлсин деб.

Гўдаккинам, сен ҳатто қўшнилар уйига ҳам севинч улашдинг, севинч! Мен сенга атаб оппоқ шуълалардан чойшаблар тикдим. Ўзим эсам, шу кундан бошлаб фидойи жонингга айландим. Туни билан бошингда биз соқчилик қиламиз. Бири мен — она, бири — ўғилга ташна дунё. Бири — инсонпарвар замона.

АЛЛА

ДУНЁДАГИ энг мураккаб симфоник куйлар, музалар ҳам она алласидан бошланади дейишади. Ҳа, алла дунёдаги бор гўзалликларга доя. Алла билан эзгулик сингади гўдакнинг сийнасига.

Осмонда ой туғилади. Коинот уни нур чойбашига ўраб олади. Сўнг кўчаларни ҳам нурга чаяди. Коинот нурдан арғимчоқ ясайди. Гўдаккинасига аллалар тўқийди. Секин-аста ой тўлишади. Коинот унга нурларидан тулпор ясаб беради. Коинот алла-қўшиғини оналарга ҳадя этади.

Қўшни боғда алла куйланяпти. Энтикиб девордан аста қарайман. Гўдак лабларида тонгдай кулгу билан ухлаб ётибди. Олам ҳам кўксида жаҳондай туйғулар билан она алласини тинглаяпти.

Бешик тебранмоқда. Шу тобда кўзларимга бешик эмас, улкан бир салтанат тебраниб турибди она қўлларида.

Ул салтанат ичидаги балки бир ишқ, балки бир талантдир. Нур ичра, сурур ичра бир олтин кошона тебранарди. Она алла айтарди, ухлатарди «подшони!». Девор оша термиламан. Гўдакни ардоқлагувчи онани танийман. У бахт бекаси, бешикда ётган гўдак эмас, қуёш эди наздимда. Парқуда пишиллаб ухлаб ётган гўдак эмас, абадий бир ёшлик эди аслида.

СЕН ТОНГНИ УЙҒОТДИНГ

БОЛАЖОН, илк бора жилмайдинг. Сен жилмайганда олам ёришиб кетди. Ҳа, болажон, сен тонгни уйғотдинг табассуминг билан. Кулишларингдан олам ёришди. Сен улғайсанг-чи! Ҳа, оналар дунё алп қадам бўлсин, деб ўғилни яратадилар асли. Замонада ғурур ғолиб бўлсин, деб ўғил ўстирадилар оналар. Шодликларнинг поёни бўлмасин, деб ардоқлайдилар уни. Агар ўғил ўсса, улғайса тоғлар улғаяр эмиш. Агар... агар ўғил мунғайса қоялар пастлар, мунғаяр эмиш. Агар ўғил нобуд бўлса-чи, дунё зирқирар эмиш.

Болажон, сен табассум қилдинг. Мен мунаввар оламга боқиб кўп нарсаларни эсладим. Она ўғлига алла айтади, замонасини дуо қилади, осудаликни алқайди. Лекин, уруш деган дард бор бу дунёда. У одамсиз, гўдаксиз бўшлиқни севади, аллани — қўшиқни эса... Нега дерсан. Кўксида рашк яшайди унинг одамзодга, муҳаббатга, меҳрга. Билсанг, болажон, оналарнинг юраги қалъа — сени беркитади. Ишқи — сермоя, сени асрайди. Уруш бешикни парчалайди, янчади. Лекин аллани чопиб бўлмайди, она зоти бешиксиз ҳам куйлайверади аллани.

Болажон, бешик ўзгарди. Осма беланчаклар ўрнига не-не ажойиб кроватларни кашф этдилар сен учун. Онаизор-чи, ўша, ўша. Кулбаларда алла куйларди у. Замон ўзгарди, одам заминни, коинотни иродасига бўйсундирди. Ойга учди у. Лекин оналикнинг алласи ўзгармади, холос. Алла ўша-ўша меҳр қўшиғи бўлиб қолаверди.

ЮР, ДЕДИЛАР ОҲУЛАР

ГЎДАККИНАМ, сени мен олма шохига осилган беланчакка солиб тебратардим. Дунё ҳам улғайди, сен ҳам. Олмалар гуллар эдилар... Мен меҳрим ҳосилини — сени улғай, деб аллаладим Мева шохлари ҳосилдан ларзон бўлдилар. Мен сени меҳрим билан оёққа турғиздим. Мевалар ғарқ пишдилар. Сен тетапоя бўлдинг. Боғ, мева шохлари ҳосилдан бўшади. Сен ҳам боғлар оралаб акаларинг билан кезиб юрардинг.

Тонг чоғи сени изладим. Қайда эдинг-а? Ҳузуримга оҳулар келдилар. Юр, дедилар оҳулар, ўғлонинг тоғлардадир. Йўқ, дедим, ўғлонимни топайин, у боғлардадир. Юр, дедилар соҳиллар, тўлқинларни томоша айла бир зум. Йўқ, дедим, ўғлоним кутиб қолади. Юра қол, дедилар, сарба-



АНДИЖОННИНГ ЛИММО-ЛИМ КОСАСИ.

возларимизни кўриб завқлан. Йўқ, дедим, болаларим боғ оралаб юришибди, топишим керак. Юр, дедилар хаёллар коинотни кезамиз, илҳомлар олиб қайтасан. Йўқ, дедим. Икки оламнинг илҳом, қўшиқларини болаларим ҳадя этадилар менга. Юр, биз билан, дедилар шамоллар, ғунчаларни уйқудан уйғотамиз. Тегирмонларни ҳаракатга солиб қайтамиз. Йўқ, дедим-у, юракларим увишди. Ғунчаларим уйқудан уйғонгандир, уларга ошиқаётирман. Шамоллардай елиб, боғ ораладим, болаларимни изладим. Болаларим йўқ. Ўйинқароқ болаларим — ўйинқароқ шамоллар билан дайдиб, қўшни боғларни оралаб кетишибди.

КУЛЧА

НОН ҲИДИ анқирди. Келинчак тандирнинг бошида. Енликча кийган қўллари тандир ичида, гоҳ саватга терилган нонлар устига қатиқ суриш билан банд. Ёноғи ловуллайди унинг. Кўзларидан бир олам карашма учқунларди. Ёри келади ҳадемай. Меҳмондай кутади уни ҳар гал. Саватга ёғлиқ патирлар узилди. Келинчакнинг нозик қўллари яна тандир ичида, ташида ўйнарди. У лўппи-лўппи бўлиб пишган митти-митти кулчаларга термулиб жилмайди. Бувиси гўдакни ҳам унутмабди. Келинчак бир жуфт кулчани авайлаб саватнинг устига қўйди. Саватни кўтариб бораётган бувиси набирасига қичқирди:

— Кел, болажонгинам, оймома кулча ташлаб берди сенга. Кел-келақол. Ҳовлида ўйнаб юрган қизалоқ чопқиллаб етиб келди. Кулчани дўпписига солди...

Қизалоққа термулиб, хаёлим қочди. Биз ҳам гўдак эдик бир маҳал. Биз ҳам кулчаларни дўппимизга солиб бир жаҳон шодлик билан ариқчага чопардик. Кулчаларни ариққа оқизоқ қилиб ердик. Шу қадар мазали бўларди оқизоқ қилинган кулчалар. Биз ариққа оқизилган кулчаларимизни қувлаб қўшни боғларга чопардик, уни қувлаб дала-тузларга чиқиб қолардик.

Оқшом бувимнинг пинжига кириб олиб эртак айтиб беришини сўрайверардим. Осмонда ой баркаши кўринарди. Бувим эртак айтиб чарчаганиданми, ойга қараб ёлворардилар:

— Оймомажон, оймома, шу қизалоғимга кулча ташлаб бер. Мен эсам оймоманинг кулча ташлаб беришини кутиб осмонга термулиб уйғоқ ётардим.

Ҳозир шу қизалоққа, шу ақиқадай кулчаларга термулиб гўдакликнинг ўзга бир оламини ҳам кўз олдимга келтирдим. Уруш йилларининг гўдаклари кулчаларни, оқизоқни кўрмади. Улар оқизоқ қилинган кулчаларни қувлаб боғма-боғ чопмадилар. Аксинча, улар бир бурда нонга ташналик не эканини, ҳаммадан ҳам зиёдроқ қадрлашни билиб ўсдилар.

Мен ўрта ёшли бир аёлни ўрта кўчада кўриб қолдим. Аёл ерга сочилган нон ушоқларини териш билан овора эди. Машиналар турнақатор бўлиб кетибди, шошқалоқлари сигнал беришяпти. Аёл пинагини бузмас, нон ушоқларини терарди.

— Қаҳатчиликми,— деди кимдир. Аёл ҳалиги одамга еб юборгудек бўлиб қаради. Унинг қарашларига тоб беролмаган йўловчи нари кетди. Аёл ҳамон нон ушоқларини териш билан овора. Кимдир милиционерни бошлаб келди.

Йўл ҳаракатини бузувчи аёлга рўбарў қилди уни.

Милиционер нима деярини билмай аёлнинг ҳужжатини сўради:

— Ҳужжатингизни кўрсам.

Аёл лоқайдлик билан унга ҳужжатини узатди. Милиционернинг юзида жилмайиш пайдо бўлди. Таъзим қилди.

«Улуғ Ватан уруши гўдаги»—1943 йилда туғилган, ҳозирда катта жамоат арбоби эди у аёл.

БОБИР БОҒЛАРИ

ЎРТА ОСИЁ ва Хуросон маданияти Ҳиндистоннинг маданий ҳаётини кўп жиҳатдан бойитди. XIII асрда Ҳиндистон қоғоз тайёрлашнинг Ўрта Осиёда расм бўлган усули билан танишди, бу эса тасвирий санъат ва адабиётнинг ривожланишига муҳим туртки бўлди. Шунингдек, фақат сари ва дихотис кийишга одатланган Ҳиндистон аҳолиси хилма-хил кийим-кечаклар тикиб кийишни ҳам ўрганиб олди. Эрон билан алоқа ўрнатилганлиги туфайли мусиқавий асбоблар такомиллашди, ҳиндлар ўзлари учун рагас ва рагинис, шу билан бирга сетор каби музика асбобларини кашф этдилар.

1526 йилда Бобир Панипатда Иброҳим Лўдий устидан қозонган ғалабасидан сўнг Ҳиндистон империясига асос солди. Бобирнинг невараси Акбар ҳомийлигида санъат усталари биз «мўғул санъати» деб атайдиган янги тасвирий санъат мактабини яратдилар. Худди ўша даврда меъморчиликда ҳам янги услуб вужудга келди. Бу даврда бунёд этилган архитектура ёдгорликлари ҳанузгача Деҳли, Агра ва Фотихпур — Секрига ташриф буюрган кўп сонли сайёҳлар эътиборини жалб қилиб, ҳайратга солмоқда.

Ҳокимиятни бобирийлар эгалламасдан аввал Ҳиндистонда боғдорчилик санъати амалда мавжуд эмас эди.

...1504 йилда Бобир 300 нафар содиқ лашкари билан Кобулни эгаллади ва дарҳол ўзи севган иш — боғ яратиш билан шуғулланишга киришди. Айтишларича, Бобир бу ерда ўнта боғ вужудга келтирган. Булар шаҳарароо боғ (бу жойда улкан арғувонлар ўсарди), Чорбоғ, Боғи жолухона, Ўрта боғ, Суворий боғ, Боғи моҳтоб, Боғи оҳухона ва яна учта кичикроқ боғлардир. 1508—1509 йилларда Одинапур қўрғони яқинида Бобир Боғи вафога асос солади. Мазкур боғни унинг ўзи шундай таърифлайди: «Ери муртафиъ, оқар суйи муттасил, ҳавоси қишлар муътадил, боғнинг ўртасида бир кичикрак пушта воқеа бўлубтур, бир тегирмон суйи бу боғнинг ўртасидин ва боғнинг ичидаги пуштанинг устидин ҳамиша жорийдур. Боғ ўртасидаги чорчаман бу пуштанинг устида воқе бўлубтур. Боғнинг ғарби-жанубий тарафида дардаҳ ҳавзедур, атрофи тамом норунж дарахтлардур, анор дарахтлари ҳам бор. Бу ҳавзнинг гирдо-гирди тамом себаргазордир».

Нью-Йоркдаги Миллий музейда бир миниатюра сақланади. Бу — «Бобирнома»га ишланган сурат бўлиб, унда қор билан қопланган Кўҳи сафед тоғининг фонида Боғи вафо тасвир этилган. Боғ тўрт қисмга бўлинган. Улардан бирида банан ва иккита сарв дарахтлари ўсиб турибди. Бошқа бир сувратда боғбон ишини кузатаётган Бобирнинг ўзини кўрамиз. Улар ортида меваси ғарқ пишган апельсин ва анор дарахтлари кўзга ташланади.

Ёрқин бир сувратда ўзи қурган ҳовуз қирғоғида қўлида қирғий ушлаб турган Бобир тасвири. Рассом юқорида рақс қилаётган товусни чизган. Товуснинг думи ажойиб тарзда ёйилган. Унинг рақсига икки товус маҳлиё бўлиб қараяпти. Узоқдаги тош устида эса бир жуфт тоғ эчкиси турибди. Шубҳасиз, бу «Бобирнома» учун ишланган энг яхши сувратлардан биридир...

1525 йил ноябрида Бобир бешинчи марта Ҳиндистонга ҳужум қилади. 1526 йил 21 апрелида у Панипатда Иброҳим Лўдий билан жангга киришиб, унинг қўшинини тор-мор қилади. Ғалабасидан сўнг кўп ўтмай у Панипатда боғ яратишни буюради ҳамда Деҳли ва Аграга жўнашидан аввал бир неча кун мобайнида шу боғда ҳордиқ чиқаради.

Бобир Аграда мустаҳкамланиб олгач, ўз вақтини жазирама иссиқ ва чангдан халос эта оладиган бир боғ тузишга сарфлайди. Агранинг яйдоқ, зериктирувчи, чанг босган текисликлари, бу ўлканинг ёқимсиз манзараси кишида умидсизлик кайфиятини уйғотарди. Бобир ўз хотираларида Жўн дарёси қирғоғидаги (ҳозир Рам боғ деб аталади) боғни барпо этишга қандай киришганлиги ҳақида ёзади: «Доим хотирға етар эдиким, Ҳиндистоннинг бир улуғ айби будурким, оқар суви йўқтур ҳар ерда ўлтурушлуқ бўлса, чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тарҳлиқ ва сиёқ ерлар ясаса бўлур. Ограга келганидан бир неча кундин сўнг ушбу маслаҳатқа Жўн сувидан ўтуб, боғ ерларини мулоҳаза қилдук. Андоқ бесафо ва хароб ерлар эдиким, юз кароҳат ва нохушлуқ била андин убур эттук. Бу ернинг макруҳлуғи ва нохушлуғидин чорбоғ хаёли хотирдин чиқди. Мундин ўзга мундоқ ёвуқ ер Ограда чун йўқ эди неча кундин сўнг зарур бўлиб, бу ерга — ўқ илик қуюлди. Ул улуғ чоҳким, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна бу парча ёрким, амбули дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, бўлардин сўнг улуғ ҳавз ва саҳиё бўлди. Андин сўнг тош иморат олидаги ҳавз ва толор бўлди. Андин сўнг «Хилватхона» боғчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнг ҳаммом бўлди. Мундоқ бесафо ва бесиёқ Ҳиндта тавр тарроҳлиқлар ва сиёқлиқлар боғчалар пайдо бўлди. Ҳар гўшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаранлар мураттаб ва мукаммал бўлди... Яна Халифа ва Шайх Зайп ва Юнус Али ва ҳар кимгаким дарё ёқасида ер тегиб эди, сиёқлиқ боғчалар ва ҳавзлар ясадилар. Лоҳур ва Диболпул дастури била чарх рост қилиб, сувлар жорий қилдилар. Ҳинд эли бу тарҳ ва бу андом била ерлар кўрмаган жиҳатидин, Жўннинг иморатлари қилғон тарафи ерларга Кобул қўюбтурлар».

Табиатни жон-дилидан севган Бобир ҳарб майдонидаги энг ажойиб ғалабалари ҳақида қандай фахр билан ҳикоя қилса, янги хил экинлар ва янги нав мева дарахтларини етиштиришдаги муваффақиятлари ҳақида ҳам худди шундай фахр билан ёзади.

«Бобирнома»га рассом Рам Дас чизган суратда Бобир Агра яқинидаги боғ шийпонида 1528 йилда ўзбек элчисини қабул қилаётгани тасвирланади. Миниатюра остида шундай ёзув бор: «...қизилдин, оқтин, қорадин, рахтгин, жинстин сочиқ киюрдилар. Буюрдимким, олимда зайлуча солдилар. Қизил ва оқни бу зайлуча устига тўктилар. Рахт ва оқ парча ва бадраларни ҳам қизил ва оқнинг ёнида тўда қилдилар».

Бобир Гувалерга бораётиб Дхолпурда тўхтаб ўтади. Бу тепалик жойнинг гўзаллиги уни шунчалик мафтун қиладики, шу жойда Чорбоғ барпо этишга буйруқ беради. Бобир ёзади:

«Бу якпора тошдин ҳавз буюрғон ернинг шимоли қалин дарахтлардур: анба ва жомин ва ҳар нав дарахттин. Бу дарахтларнинг орасида бир даҳи дардаҳ чоҳе буюриб эдим, ул чоҳ итмолиға ета ёвушубдур. Бу чоҳнинг суйи ул ҳавзға борур. Бу ҳавзнинг ғарби-шимолида Султон Искандар банде солибтур. Банднинг устида иморатлар қилибтур. Бандтин юққори пашкол сувлари йиғилиб, улуқ кўл бўлур. Бу кўлнинг шарқ атрофи боғдур. Кўлнинг шарқ тарафида ҳам буюрдумким, акпора тошдин суфанамолар тарош қилғайлар».

Бобир шунингдек, Ҳиндистонда кенг тарқалмиш суғориш системаларини ҳам таърифлайди. Желумга яқин бир жойда у биринчи марта форс чархпалагини учратади: «Пул юздаги боғот ва шукуфакарни ва найшакар экилган ерларни тафарруж қилиб, далв ва чархларини кўруб, сув тортиб чиқармоқ кайфиятини сўруб, балки мукаррар сувлар торттурдук».

Бобир ғоят кузатувчан одам эди. Ўз хотираларида у ўзи Ҳиндистонда кўрган жамъики ўсимликларни тилга олади. 1528—1529 йилларда у мамлакатнинг ҳайвонот ва наботот оламидан олган таассуротларини битади. Бобир тузган мевали ва мевасиз дарахтлар рўйхати биз учун муҳим аҳамиятга эга. Шунга қараб биз XVI аср бошида Ҳиндистонда қандай ўсимликлар бўлганлиги тўғрисида ишончли маълумотларга эга бўлдик. Бобир гуллардан карҳал, канир, киюра, ёсуман, жамбулий кабиларни эслайди. Булар ҳаммаси маҳаллий гуллардир.

Хушбўй форс атиргулини Ҳиндистонга биринчи марта Бобир олиб келган, деб ҳисоблайдилар. Мевали дарахтлардан у анба, банан, маҳва, кайла, анбули, кадҳил, бадҳал, бийр, карун кабиларни тилга олади. У илгари ўзи кўрмаган жаман ва камрак дарахтларини тасвирлайди, хурмо ва кокос хурмоларини айтиб ўтади.

Манго меваси Бобирни айниқса ҳайрон қолдиради. У ёзади: «Набототким, Ҳиндистон махсусидир, бир анбадир. Аксар Ҳиндистон эли «бе»ни беҳаракат талаффуз қилурлар, ёмон муталлафиз бўлур учун баъзи «нағзак» дебдурлар... Филвоқе Ҳиндистоннинг яхши меваси будур... Икки навъ ейилур: бири сиқиб, пўла қилиб, терисини тешиб, сўруб сувини ичарлар, яна бир шафтолуйи кордийдек терисини аритиб ерлар. Барги шафтолу баргига андаке ўхшар, тапаси баднамо ва бад андомдур. Бангола ва Гужаротта яхши бўлур эмиш».

Бобир, шунингдек, Ҳиндистоннинг ғаройиб дарахтларини тасвирлайди. Масалан, у кадҳил тўғрисида ёзади: «Яна кадҳилдур. Бу ғарийб бадҳайъат ва бадмаза мевадур, бийаниҳи қўйнинг қорнидурким, киссадек қориннинг ичи ташқари бўлғай. Мазази дил очур чучукдур, ичида фундукдек-дундукдек доналари бор. Хурмоға филжумла шабоҳати бор. Мунинг доналари гурддур, узун эмасдур. Бу доналарнинг хурмодин юмшоқроқ гўшти бор, ани ейдурлар, хейм часпандадур. Часпандалиғидин баъзи иликни, оғизни ёғлаб ер эмишлар. Ҳам дарахтнинг шохида бўладур, ҳам танасида, илдизида ҳам бўлур эмиш. Дарахтдин гўёким киссаларни осиб-осиб қўюбтурлар».

Хурмо, кокос, тари-хурмо дарахтлари ҳақида Бобир ёзиб қолдирган тавсифлар ҳатто ҳозирги замон ботаниклари ва боғдорлари, тропик экинларни ўрганувчи мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотиши мумкин.

Бобир 1530 йил 26 декабрда 47 ёшида узоқ касалликдан сўнг вафот этади. Уни Аграда, Жўн дарёси қирғоғидаги Боғи гулафшонда дафн қиладилар... 1540—1544 йиллар орасида жасади Кобулга олиб келиниб, Боғи калонга кўмилади. Бобир шу боғда, эман ва арғувонлар соясида дам олиб, пуштиранг-қизил гулларни томоша қилишни жуда ёқтирарди.

Илҳом СУЛТОНОВ таржимаси

Шарқ юлдузи журналининг 50 йиллигига

ШОНЛИ ЙЎЛ

«Шарқ юлдузи» журналининг эллик йиллик фаолиятига назар ташлар эканмиз, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг қуйидаги сўзларини келтиришни ўринли деб биламиз:

«Халқ манфаатлари билан яшаш, унинг қувончи ва қайғусига шерик бўлиш, ҳаёт ҳақиқатини, инсонпарвар идеалларимизни қарор топтириш, коммунистик қурилишнинг актив иштирокчиси бўлиш — санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги мана шундан иборат».

Мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, «Шарқ юлдузи» журнали ўзининг бутун ижодий йўли давомида партия ва халқ манфаатларига, коммунистик ғояларга хизмат қилди. Доҳиймиз В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» номли машҳур мақоласи ўзбек тилида биринчи марта «Шарқ юлдузи»да эълон қилинди ва журнал учун ҳам бу асар доимий қўлланма бўлиб қолди.

Биз ўрток Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» ҳамда «Эсдаликлар» каби ажойиб асарларини ўзбек ўқувчиларига тўла равишда етказганимиз билан фахрланамиз.

КПСС Марказий Комитетининг идеология соҳасидаги қарорлари, партиямиз съездларининг материаллари журнални ва унинг ижодий ходимларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтиришда ғоят катта роль ўйнади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидовнинг меҳрибон ва ғамхўр мураббий сифатида «Шарқ юлдузи» ижодий фаолиятида ҳамиша раҳнамолик қилиб келаётгани билан биз фахрланамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари ўрток Сарвар Азимов «Шарқ юлдузи» фаолиятини доимо диққат марказида тутмоқда, унинг ғоявий-бадиий савиясининг янада кўтарилишига ёрдам бермоқда.

«Шарқ юлдузи»нинг салафи —«Ўзбекистон шўро адабиёти» журналининг ташкил бўлиши, унинг 1932 йилдан бошлаб, 1—2 (июнь-июль) сонларининг чоп этилиши ўзбек халқи тарихида, унинг маданий ҳаётида катта, унутилмас воқеа бўлди. Ўша вақтда журналга Раҳмат Мажидий муҳаррирлик қилган. У даврларда журнал турли номда чоп этилди. Аввал «Ўзбекистон шўро адабиёти» (1932—1934), сўнгра «Ўзбекистон совет адабиёти» (1934), «Совет адабиёти» (1934—1937), «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1937—1941), 1946 йилдан бошлаб «Шарқ юлдузи» номи билан аталди. Ойбек Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раиси, айни вақтда журналнинг муҳаррири бўлиб ҳам ишлади.

Биз бу ерда республикада адабий ҳаракатчиликнинг бошида турган, унинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган устод шоир Ҳамид Олимжоннинг журналга ҳар томонлама ёрдам берганлигини мамнуният билан эслаймиз. Уйғун (1950—1951) каби устодларимизнинг адабий ҳамда ташкилий катта хизматларини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Журналга узоқ вақт, деярли йигирма йил —1951—1960, 1972—1981 йилларда бош муҳаррирлик қилган ва унинг ғоявий-бадиий савиясини яхшилаш учун жуда катта куч сарф қилган адибимиз Мирмуҳсиндир. Булардан ташқари, Асқад Мухтор (1961—1965), Ҳамид Ғулом (1965—1971) ўртоқлар ҳам журналга муҳаррирлик қилиб, унинг савиясини кўтариш учун астойдил ҳаракат қилдилар.

Журнал ҳамиша ўз фаолиятини янги инсонни камол топтириш ва унинг эстетик дидини оширишга қаратди. Совет кишисини мадҳ этиш, қаҳрамонона меҳнатини куйлаш, мардона курашни кўрсатиш — «Шарқ юлдузи»нинг энг асосий вазифаси бўлиб қолди.

«Совет кишиси,— деб таъкидлайди Л. И. Брежнев,— бу ҳалол меҳнаткаш, юксак сиёсий маданиятга эга инсон, ватанпарвар ва интернационалистдир. Уни партия, мамлакатимизнинг қаҳрамонона тарихи, бутун тузумимиз тарбиялаб етиштирди. У янги дунё бунёдкори сифатида ғайрат-шижоат билан яшамоқда».

Худди шундай комил инсоннинг образини яратган асарлар бирин-кетин журнал саҳифаларидан мустаҳкам жой олиб борди. Ҳамзанинг «Яша, Шўро!» шеъридан бошлаб, Кўкан, Зайнаб, Омон, Обид кетмон, Гулсара, Ҳуррият, Ойқиз каби образлар ўзларининг илк қадамларини «Шарқ юлдузи» саҳифаларидан бошлаганлар.

«Замондошларимизнинг ёрқин образларини яратишда, ижодий ходимлар шубҳасиз ютуқларга эришдилар. Бу образлар одамларни ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқда, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга ундамоқда». Ўрток Л. И. Брежневнинг бу сўзлари нақадар ҳаққоний эканлигини ўзбек адабиёти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Бинобарин, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ишчи ва колхозчи, қурувчи ва олим, ўқитувчи ва инженер, врач ва милиционер, жангчи ва тинчлик учун курашувчи, хуллас барча кишиларнинг образлари «Шарқ юлдузи»да эълон қилинаётган асарларнинг асосий қаҳрамонлари бўлиб қолди.

Журналнинг энг катта ютуқларидан бири шундаки, у ижодкорларимизнинг улуғ доҳиймиз В. И. Ленинни улуғловчи шеър ва поэмаларига, прозаик ва драматик асарларига катта ўрин бермоқда.

Тинчлик мавзуси, фашизм ва империализмга, янги уруш оловини ёқмоқчи бўлган ёвларга қарши кураш мавзуси журнал саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллайди.

Ленинча халқлар дўстлигини тарғиб қилишда ҳам журналнинг ўзига хос ўрни бор. Журналда эълон қилиб борилаётган бадиий таржималар — жаҳон классикаси, тараққийпарвар жаҳон адабиёти, кўпмиллатли совет адабиётининг энг яхши намуналари худди шу нуқтаи назардан эътиборга сазовордир. Демак, журнал қалби бўлмиш замонавийлик — унинг асосий мазмунини, бош пафосини ташкил этади.

Журнал тарихимизга, қаҳрамонона ўтмишимизга бағишланган асарларга мурожаат қилганида ҳам, улардан замона руҳини, бугунги кунларимизга хизмат қиладиган томонларини қидирди ва шу талабларга жавоб берган тақдирдагина уларга ўз саҳифаларидан ўрин берди.

Бу масалаларни ва мавзуларни кенг ва чуқур кўтарган ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза, классик адибларимиз Садриддин Айний ва Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ғайратий ва М. Шайхзода, Миртемир ва Ойдиннинг асарлари коммунистик ғояларнинг бадиий ифодаси бўлиб жаранглади ва меҳнаткашлар ўртасида шуҳрат қозонди. Султон Жўра, Ҳасан Пўлат, Усмон Носир, Амин Умарий, Зафар Диёр, М. Бобоевлар эса «Шарқ юлдузи» таълимини олдилар. Уйғун, К. Яшин, Зулфия, С. Азимов, Н. Сафаров, Ҳ. Ғулом, Мирмуҳсин, И. Раҳим, Шукрулло, Саид Аҳмад журнал орқали ўқувчиларга кенг танилдилар.

«Шарқ юлдузи» кўп истеъдодли ёш қаламкашларни кашф этди, уларни ажойиб оламга — адабиёт оламига йўллади.

адабиётини ёритиш масалаларида ҳам «Шарқ юлдузи» тўғри позицияда турганлигининг гувоҳи бўламиз. Журнал ёрдами билан социалистик революциядан олдин ижод этган кўп классикларнинг асарлари ўзбек китобхонларига кенг тақдим қилинди.

«Шарқ юлдузи» республикамиз адабиёти ва санъатининг Бутуниттифоқ, жаҳон миқёсидаги муваффақиятларини акс эттиришга астойдил интилмоқда. Ўзбекистонда ўтказилган адабиёт ва санъат декадалари, ҳафталиклари ва кунлари ҳамда ўзбек адиблари ва маданият ходимларининг қардош республикаларга ижодий сафарларини журнал ўз саҳифаларида халқлар ўртасидаги биродарликни кучайтирадиган омиллардан бири сифатида тарғиб этмоқда.

Журнал Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг ижодларини борган сари кенгроқ ёритмоқда. Бу ҳол, айниқса, мазкур қитъаларнинг Тошкентда бўлиб ўтган биринчи конференциясидан (1958 йил) кейин яққол сезилиб борди. «Тошкент руҳи» бутун дунё бўйлаб кезмоқда, бу руҳ журналда ёритилаётган материалларда ёрқин акс этмоқда.

Тошкентда муваффақиятли ўтказилаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари анъанавий кинофестивали ҳам «Шарқ юлдузи»даги халқаро мавзуни кенгайтиришга олиб келди.

«Шарқ юлдузи» журнали редакциясининг анъаналаридан яна бири шундаки, у ҳамиша журналхонлар билан, умуман, халқ оммаси билан, ҳаёт билан алоқани мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилади. Журнал ходимлари, редколлегия аъзолари ўқувчилар билан ёзишиб турадилар, конференциялар ташкил қилиб, бевосита улар билан учрашадилар. Адабий ходимларимиз ҳаётнинг қайнаган жойларида тез-тез бўладилар.

«Шарқ юлдузи»нинг адабий ходимлари ёки унинг йўлланмаси билан борган адиблар Мирзачўл, Қарши, Жиззахдаги чўлқуварлар, БАМда жонбозлик кўрсатаётган қаҳрамонлар, Иваново ва Новгороддаги ноқоратупроқ ерларни ўзлаштираётган азаматлар ҳузурида кўп марта бўлганлар ҳамда улуғ бунёдкорлик нафасини журналга олиб кирганлар.

Вақти-вақти билан адабиётимизнинг долзарб масалаларига бағишлаб, «Доира стол» атрофида ўтказилган баҳслар «Шарқ юлдузи»нинг ижобий ишлари сирасига киради. Бу баҳслар социалистик реализмнинг қатор проблемаларини, кўп адабий жанрлар тараққиётига доир масалаларни қамраб олиши билан аҳамиятга эгадир.

«Шарқ юлдузи» журнали КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлиги ва оталарча ёрдамида ташкил топди, камолга етди, халқ ўртасида машҳур бўлди. Партия раҳбарлигидан куч ва қудрат олган, ундан чексиз руҳланган журнал адабиётимизнинг ғоявий софлиги, бадиий юксаклиги учун курашди, совет кишиларини ижодий меҳнат зафарлари сари илҳомлантирди. Унинг халқ ва партия олдидаги тарихий хизматлари мана шунда.

Тўғри, журнал ўзининг ярим асрлик тарихи даврида ҳамиша ҳам теп-текис кетавермади. Баъзан нуқсонларга, хатоликларга йўл қўйди. Унда ғоявий чалкаш, бадиий жиҳатдан бўш асарлар босилган пайтлар ҳам бўлди. Лекин редакция ходимлари ва редколлегия аъзолари камчиликларнинг олдини олиш, бундан кейин хатоликлар юз бермаслиги учун бутун чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Ўрток Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съезди минбаридан айтган қуйидаги сўзлари биз — журнал ходимлари учун ҳамиша дастуруламал бўлиб қолади: «...Ғоясизлик кўринишлари, дунёқарашни белгилашдаги лоқайдлик, айрим тарихий воқеаларга ва шахсларга баҳо беришда аниқ синфий позициядан чекинишлик ҳатто истеъдодли кишиларнинг ижодига ҳам зарар етказиш мумкин. Бизнинг танқидчиларимиз, адабий журналларимиз, ижодий союзларимиз ва биринчи навбатда уларнинг партия ташкилотлари у ёки бу томонга тойилиб кетганларни тартибга чақира билишлари лозим. Улар, шубҳасиз, бизнинг совет воқелигимизни бадном қиладиган асарлар пайдо бўлган ҳолда актив, принципиал фикр билдиришлари керак. Партия санъатимизнинг ғоявий йўналишига бефарқ қарамайди ва қараёлмайди ҳам».

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,

«Шарқ юлдузи» журналининг
бош редактори

Ёндаги бетда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи Ҳасан Мухторов ипак пахта устаси сифатида партия ва халқимиз эътиборига тушган машҳур кишилардан биридир. Юксак агротехник тадбирларни, фан ва техника янгиликларини пахтачиликни ривожлантириш учун дадил жорий этаётгани туфайли Ҳасан Мухторов бригадаси йил сайин юқори ҳосил олмоқда.

Социалистин Меҳнат Қаҳрамони Ҳасан МУХТОРОВ.

РАССОМ
РЕННАН
ВИКО
АСАРЛАРИДАН
НАМУНАЛАР

СССР халқ артисти Бернора ҚОРИЕВА

Академик О. С. СОДИҚОВ.

ЎзССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, олима И. А. РАЙКОВА

ФАРОВОНЛИК. /Натюрморт/

ЧЎЛДА БЎСТОН. /Манзара

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Гулчеҳра Саъдуллаева ҳамда Лутфулла Саъдуллаев.

Н. ШАРИПОВ фотолари

Истеъдодли хонандалар – ака-ука Исроилжон ва Исмоилжон Ваҳобовлар.

АЛ-ХОРАЗМИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

Ал-Хоразмий туғилган кунининг 1200 йиллигига

Маълумки, ал-Хоразмий «Байтул ҳикма» кутубхонасининг мудири бўлибгина қолмай, балки у Маъмун академиясидаги энг йирик илмий тадқиқотчилардан бири эди. У барча илмий кузатишларда фаол қатнашади ва бир неча илмий экспедицияларга бошчилик қилади. Жумладан, ал-Хоразмий Сириядаги Тадмур ва ар-Раққа шаҳарларидан ўтган Ер меридиани бир градусининг узунлигини ўлчаш учун юборилган илмий экспедицияга раҳбарлик қилади. Ўлчов хулосасига кўра мазкур узунлик 56 $^{2}/_{3}$ араб милига, яъни қарийб 111815 метрга тенг деб топилади. Бу эса ўз даври учун анча аниқ эди. 830 йил атрофида халифа китоб келтириш мақсадида Византияга бир экспедицияни юборади. Бунга ҳам ал-Хоразмий бошчилик қилади. Ал-Хоразмий раҳбарлигида яна Волганинг қуйи оқимидаги Хазарияга ҳамда Афғонистонга экспедициялар юборилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Олимнинг географик асари «Китобу суратил арз» («Ер тасвири китоби») деб аталади. Ундаги «суратил арз» ибораси юнонча «география» сўзининг таржимасидир. Шу сабабли ал-Хоразмийнинг китобини ҳам Птолемейнинг (II аср) «География» асаридек аталади. Лекин биз қуйида улуғ алломанинг асари Птолемей «География»сининг таржимаси эмаслигини кўрамиз. Ал-Хоразмийнинг мазкур китоби ўрта асрларда «Расм ар-рубъ ал-маъмур» («Ернинг маъмур чорагининг расми») деган ном билан ҳам маълум бўлган. Асар 836 ва 847 йиллар оралиғида ёзилган. Асарнинг ягона қўлёзмасигина мавжуд бўлиб, унинг 1037 йили кўчирилган нусхаси ҳозир Страсбург (Франция) университети кутубхонасида сақланади. Бу қўлёзма 1878 йили Қоҳирада топилган ва ҳозирги кунгача асарнинг алоҳида-алоҳида қисмлари Иттифоқимиздаги ва кўпгина европалик олимлар томонидан ўрганилган. Бироқ асарга бағишланган барча тадқиқотлар уни тўлалигича қамрай олмайди. Буюк олимнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан ушбу сатрлар муаллифи асарнинг русча ва ўзбекча таржималарини нашрга тайёрлаётир.

Асар бобларга ажратилмаган. Бироқ мазмунига кўра уни олти бўлимга ажратиш мумкин. Биринчи бўлимда ернинг маъмур қисмидаги шаҳарлар иқлимлар назариясига кўра тавсифланади, уларнинг географик координатлари келтирилади. Узунламалар «Жазоирул Холидот», яъни Канар ороллардан ҳисобланади. Иккинчи бўлимда етти иқлимдаги тоғлар, учинчи бўлимда денгизлар ва тўртинчи бўлимда ороллар қирғоқ чизиқлари бўйича тавсифланиб, географик координатлари келтирилади. Бешинчи бўлимда мамлакат ва ўлкалар, олтинчи бўлимда дарё ва булоқлар ҳақида маълумотлар берилади.

Ал-Хоразмий асари материал жойлаштирилишига кўра Птолемей «География»сидан тубдан фарқ қилади. Маълумки, Птолемей маъмур чораги (Ойкумена)ни шимоли-ғарбдан жануб ва шарққа йўналишда тавсифлайди ва бунда иқлимлар назариясига асосланмайди. Птолемей Ойкуменанинг Европа қисмини бирмунча ҳақиқатга яқин тасвир қилган. Бироқ у Скандинавия ярим оролини билмаган, балки Шимол денгизидаги Скандия оролинигина билган. Птолемейнинг Африка ҳақидаги тасаввури анча хато эди. Африканинг шимоли-ғарбий қис- [illegible] тиралган ўткир бурчак шаклида ифодалайди. Шимолий Африка унда ғарбдан шарққа қараб ҳаддан ташқари чўзиб юборилган. Яъни Птолемейда у ҳақиқатдаги 38° 9' ўрнига 57° 15' га чўзилган. Натижада Ўрта денгиз 62° га чўзилган бўлиб, бу ҳақиқатдагидан 20° ортиқдир. Ал-Хоразмий эса Африкани ҳақиқатдагига анча яқинлаштиради.

Птолемей Осиёнинг Ўрта ва Қора денгизларига, Қизил ва Арабистон денгизларига ҳамда Форс кўрфазига ёндашган қисмларини бирмунча тўғри ифода этади. Бироқ Осиёнинг ичкарисига узоқлашган сари Птолемей катта хатоликларга йўл қўяди. Орол денгизини у бутунлай билмаган, Окс, (Аму) ва Яксарт (Сир) дарёларини Каспийга қуйилади, деб тахмин қилган. Каспийнинг контурларида ҳам у хатоликка йўл қўйган: уни шимолдан жанубга эмас, аксинча, ғарбдан шарққа чўзилган ҳолда ифодалаган. Ҳинди-Хитой ярим оролини эса экватордан жанубда 20° га узайтириб юборган; Ҳиндистон ярим ороли жуда кичик қилиб тасвирланган.

Ал-Хоразмий Каспий денгизининг шаклини анча аниқлаштиради. Кавказ, Ўрта Осиё, Узоқ Шарқ ва Марказий Осиёнинг топографиясига катта аниқликлар ва янгиликлар киритади.

Ал-Хоразмий географиясида юнон илмий анъаналарининг тарафдори бўлиш билан бирга ўз асарида IX аср бошларига келиб ўша давр дунёсида юзага келган сиёсий-географик шароитни акс эттиришга интилган. Бундай интилиш унинг асаридаги жойлар, сув ва оролларнинг номларида аниқ сезилади. Бағдод халифалигига қарам бўлган деярли барча географик пунктларнинг номларини ал-Хоразмий ўз замонасидагидек ёзади. Ундан узоқ ерлардаги номларни эса Птолемей «География»сига кўра келтиради.

Ал-Хоразмий ўз асарларида ва ундаги хариталарда материални ўрта асрлар учун янги усул билан иқлимлар бўйича жойлаштириб катта илмий жасорат ва новаторликни намойиш қилади. Ал-Хоразмий хариталари ўрта асрлардаги энг қадимги хариталар эканлиги билан ҳам улкан илмий аҳамиятга эгадир.

Ал-Хоразмий «География»сининг қўлёзмасида учта харита келтирилади. Улардан бири — Меотида кўлининг, яъни Азов денгизининг харитаси диққатга лойиқ. У ўрта асрлардаги барча хариталардан фарқли ўлароқ, шимолга ориентирланган ва Птолемейнинг Меотида харитаси билан умумийлиги жуда кам.

Ал-Хоразмий «География»си фақат араб халифалигидагина эмас, балки Бутун ўрта аср дунёсидаги энг биринчи географик асар эди. Шунинг учун унда ўзига хос камчиликлар ҳам мавжуд, албатта. Бироқ тадқиқотчилар ал-Хоразмийнинг бу асарига жуда катта баҳо берганлар. Атоқли олим ва шарқшунослар К. А. Наллино, В. В. Бартольд ва И. Ю. Крачковскийларнинг якдиллик билан эътироф этишларича, «ҳеч бир Европа халқи ўзининг илмий ривожланишининг илк қадамларида бу энг қадимги араб географик асари билан солиштирса бўладиган асар яратганлиги билан фахрлана олмайди».

Ал-Хоразмий «География»сидаги шаҳарларнинг узунлама ва кенгламаларига хос айрим маълумотлар ал-Батонийнинг «Зиж» асарига ва XI асрда испаниялик араб астрономи аз-Зарқолий тузган «Голедо жадваллари»га киритилган. Бу асарларнинг иккаласи ҳам XII асрда лотинчага таржима қилинган ва кейинги асрларда Европада кенг тарқалган. Айниқса, ал-Хоразмий «География»си Шарқ мамлакатларида географиянинг ривожланишига ниҳоятда катта таъсир кўрсатди. Бу асар ўрта асрларда математик географияга таллуқли энг биринчи асар бўлганлиги учун Шарқда шу соҳадаги тадқиқотларга улкан туртки берди. Шу билан бирга асарнинг учинчи бўлимидан бошлаб кейинги бўлимлари кўпроқ тавфисий географияга тааллуқлилиги сабабли Шарқ географиясида бу йўналиш ҳам тезда ривожланди.

Ал-Хоразмийнинг математик, астрономик ва географик асарларисиз кейинги асрларда Шарқда Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Насриддин Тусий, Улуғбек, Ибн Хурдодбех, ал-Жайҳоний, ал-Истархий, Ёқут Ҳамавий, Ҳафизи Абру каби улкан мутафаккирларнинг пайдо бўлишини тасаввур қилиб бўлмасди.

Ашраф АҲМЕДОВ,
физика-математика фанлари кандидати

ХОНАНДА АКА-УКА ВАҲОБОВЛАР

Исмоилжон ва Исроилжон мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ санъатга меҳр қўйдилар. Бўлажак санъаткорлар дастлаб мактаб ҳаваскорлик тўгарагида актив қатнашдилар, кейинроқ эса, районда ўтадиган тантанали кечаларда, ашула байрамларида ўз қобилиятларини намойиш этдилар. Ана шундай кўрикларнинг бирида ака-укаларнинг ёқимли овози таниқли ҳофизларимиздан бири, бастакор Фаттоххон Мамадалиевнинг эътиборини тортди. Фаттоххон ака оға-ини ҳаваскорларни ўзи раҳбар бўлган музика тўгарагига таклиф қилди. Исмоилжон ва Исроилжонлар қўшиқ санъатининг сирларини ўргана бошладилар. Ака-ука Ваҳобовлар 1966 йили Тошкентда ўтказилган республика ёшлари санъат фестивалида қатнашиб, биринчи даражали диплом билан тақдирландилар. Шундан сўнг улар ўз маҳоратларини ошириш нияти билан 1967 йилда М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясига кириб, таҳсил кўра бошладилар. Бу ерда улар Ўзбекистон ССР халқ артисти, профессор Г. С. Израэлян ва С. Муродхонов раҳбарлигида опера қўшиқчилигини, фортепьяно чалиш маҳоратини ўргандилар.

Бошқа касблар сингари ашула санъатини ҳам ўзига хос мураккаб изланишларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, консерваториядек қутлуғ даргоҳда бўлғуси ҳофизлар фақат ёлғиз қўшиқнинг ўзи билангина чекланиб қолмайдилар. Ака-ука Ваҳобовларнинг мазкур олий ўқув юртидаги ижодий изланишлари ҳам ана шу фикримизни тасдиқлайди. Исмоилжон ва Исроилжон ўша студентлик йилларида диплом иши сифатида қўйилган «Майсаранинг иши» операсида иштирок қилдилар. Ҳожи Дарға ва Мулладўст арияларини ижро этдилар. Муваффақиятли ижро устозларни мамнун қилди.

1972 йили консерваторияни аъло баҳолар билан тугатган ака-ука Ваҳобовлар Совет Армияси сафида хизмат қилишга чақирилдилар. Ҳарбий хизмат пайтида ҳам санъатни тарк этмаган ака-укалар кўп ўтмай Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги ансамблга тавсия этилдилар. Ёш санъаткорларнинг иштиёқ билан айтган қўшиқлари хизматдаги солдатлар ва офицерларни хушнуд этди. Ўша йиллари улар ёш бастакор Абдуҳошим Исмоилов билан ҳамкорликда қатор янги қўшиқлар яратиб, санъат шинавандаларига туҳфа этдилар. Ака-ука хонандаларнинг репертуарлари ранг-баранг. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Зебоға хос», Ҳабибийнинг «Барно», Ҳайдар Яҳёевнинг «Қиз кўнгли», «Танҳолигинг» шеърларига басталанган ашулалар, шунингдек, «Ўзбекистон», «Ҳамон билмайсиз», «Ёшлигим», «Сени ўйлайман» сингари жўшқин қўшиқлар шулар жумласидандир.

1980 йилда ака-ука хонанда Ваҳобовлар Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлдилар. Уларнинг сўнгги йилларда ўз репертуарларини бойитишларида таниқли санъаткорлардан Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ориф Алимахсумов, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова ҳамда созанда Турғун Алиматовнинг хизматлари айниқса каттадир.

Ака-ука хонандаларнинг режалари ҳақида, уларни қизиқтирган мавзулар ҳақида сўраймиз.

— Оналар ҳақида, дўстлик тўғрисида, пахтакорлар шаънига куйлашни жон-дилимиздан севамиз,— дейди Исмоилжон.— Улуғвор давримизни, бунёдкор халқимизни куйлашдан ортиқ бахт борми ахир?!

Бугунги кунда Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети қошидаги мақом ансамблида хизмат қилишяпти.

— Ака-ука Исмоилжон ва Исроилжонлар ўзига талабчан, истеъдодли хонандалардир. Бир сўз билан айтганда, улар томошабин олқишига сазовор бўлган санъаткорлар,— дейди ансамблнинг бадиий раҳбари Шавкат Мирзаев.

Ҳа, санъаткор учун эл олқишига сазовор бўлишдан ортиқ бахт борми?! Санъатни ардоқлаган ака-укаларга бундан кейинги ишларида ижодий равнақ тилаб, қўшиқларингиз ҳамиша баланд парвоз этаверсин деймиз!

Ҳакимжон ИНОҒОМОВ

ҚЎШИҚ ПАРВОЗИ

Туроб ТЎЛА,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

БИЗ ҚЎШИҚҚА нон-туздек, сув ва ҳаводек ўрганиб қолганмиз. Усиз яшай олмаймиз. Яхши қўшиқ йўлдошинг, оғирингни енгил қилади, энг яхши кунларингда ҳам, энг оғир кунларингда ҳам, энг яхши дўстингдай ёнингда бўлади. У сени ҳар қанақа оғирликларни енгиб ўтишга ундайди, руҳингни кўтаради, жасоратга чақиради. «Яша, Шўро» қўшиғи қанча мушкулларнинг эшигини очган, унинг оғир йиллари қўлларда байроқ бўлганини ёдимиздан чиқармаймиз.

Коммунистик партиямиз Марказий Комитети қўшиғимизнинг истиқболини, сифатини ўйлайди ва қадрлайди, ривожини кузатади, қайта-қайта қарорлар қабул қилади, тақдирлайди, юқори баҳолайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Республикада қўшиқ санъатининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида», «Республика қўшиқ санъати пропагандасини тағин ҳам яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилди. Ватан, Ленин, партия, комсомол, тинчлик, дўстлик, совет халқларининг қаҳрамонона меҳнатлари, жанговар жасоратлари ва ватанпарварликларини мадҳ этувчи ғоявий чуқур, актуал, бадиий бақувват, гражданлик мавзуларида қўшиқлар яратишга даъват қилди. Ёшларга, ўсмирларга, болаларга аталган қўшиқларнинг савиясини кўтариш ҳақида эса алоҳида таъкидлади. Ёзувчиларни, композитор ва бастакорларни, концерт ташкилотларини ва солистларни ўз савияларини янада яхшилашга чақирди, телевидение, радио ва бошқа овоз ёзувчи ташкилотларни бу қўшиқларнинг ёзувлари савиясига яхшироқ аҳамият беришларини, яхши ансамбллар ва яхши оркестрлар, юқори профессионал солистлар ижросида ёзишларини уқтирди.

Тарихий қарорларда ҳаваскор тўгаракларнинг программалари ҳам эътиборда тутилди, уларнинг профессионал қўшиқлар савиясидан паст бўлмаслиги кераклиги айтилди, айниқса халқ қўшиқлари намуналари услубидаги, воқеабанд қўшиқлар услубидаги, яхши урф-одатларга бағишланган гўзал қўшиқлар услубидаги асарларнинг етарли эмаслиги эслатилди, эстрада қўшиқларининг бадиияти айтарли эмаслиги, янги оҳанглар камлиги, айрим шоир ва композиторлар, бастакорларнинг малакасиз шеър ва музика ёзиб, қўшиғимизни обрўсизлантираётганликлари танқид қилинди. Ҳатто бир-бирига ўхшаш қўшиқлар кўпайиб кетаётгани, уларнинг чинакам образлардан, шавқ-завқдан, ижтимоий-фалсафий мазмунлардан маҳрумлиги, жуда ҳам заиф «нарса»лар ошиб-тошиб кетаётгани айтилди, нашриётлар, газета ва журналлар, телевидение-радио концерт эшиттириш бўлимлари яхши қўшиқларни пропаганда қилишга унчалик аҳамият бермаётганликлари эслатилди, композиторлар ва ёзувчилар союзлари ҳузурида совет қўшиқлари доимий республика бадиий кенгаши ташкил этиш, яхши қўшиқлар учун вақти-вақти билан турли конкурслар эълон қилиб туриш, ҳар йили аъло деб топилган қўшиқлар авторларини рағбатлантириб бориш, бунда болалар ва ёшлар қўшиқларига алоҳида аҳамият бериш таъкидланди.

Бироқ бу муҳим кўрсатмалар ҳали етарли амалга оширилмай келаётир. Шунинг оқибатида юқорида кўрсатилганидек, бамайлихотирлик ҳоллари, носоз қўшиқлар кўпайиб кетаётгани ҳамон кўринмоқда. Қўшиғимизнинг ривожига мутасадди ташкилотлар: мадачият министрлиги, маориф министрлиги, касаба союзлари, комсомол, телевидение, радио, нашриётлар ва полиграфия комитети, театр жамияти, санъатшунослик институти, Тошкент Давлат консерваторияси, композиторлар ва ёзувчилар союзларининг қўшиқ санъатига мутасадди бўлимлари бу муҳим тадбирларнинг амалга оширилишида кам иштирок этмоқдалар.

Уйғун, Ҳабибий, Чархий, Собир Абдулла, Миртемир, Восит Саъдулла, Ҳусниддин Шарипов, Саида Зуннунова, Пўлат Мўмин, Зоҳиджон Обидов, Камтар, Ўткир Рашид, Ҳайдар Яҳёев, Эркин Воҳидов, Эътибор Охунова, Ёнғин Мирзо, Эркин Самандар, Ҳайдар Муҳаммад, Барот Исроилов, Жамол Камол, Султон Қўқонбеков ва бошқаларнинг бир қатор қўшиқлари борки, ҳали бошда айтганимиз кўнгил ранжитувчи қўшиқлар соясини орқароққа сурадилар. Мен бу ерда Юнус Ражабий ва Тўхтасин Жалилов, Мухтор Ашрафий ва Икром Акбаров, Энмарк Солиҳов ва Ғанижон Тошматов, Саиджон Калонов ва Фахриддин Содиқов, Имомжон Икромов ва Манас Левиев, Набижон Ҳасанов ва Сайфи Жалил, Мутал Бурҳонов ва Муҳаммаджон Мирзаев, Матниёз Юсупов ва Ғафур Қодиров, Сулаймон Юдаков ва Дилором Сайдаминова, Султон Ҳайитбоев ва Дони Зокиров, Шариф Рамазонов ва Хайри Изомов, Мардон Насимов ва Ефим Шварц, Александр Берлин ва Собир Бобоев сингари композитор ва бастакорларнинг меҳнатларини алоҳида уқтираманки, уларнинг кўпгина асарлари халқимизнинг ҳозиргача севиб айтилиб келаётган мақом ва халқ услубларидаги ўлмас қўшиқлари қаторидан, музика маданиятимизнинг хазиналаридан ўрин олмоқда. Бу қўшиқлар қаторига ўтган йили «Менинг Компартиям», «Меҳнат билан», «Россияга қасида», «Соат санадим», «Тиллоларга баробар», «Ҳамшира» деган қўшиқлар келиб қўшилди.

Бизнинг сиёсатда истиқбол яшар,
Бизнинг раёсатда Ленин барҳаёт,—

дейди фахр билан Жамол Камол ўз мисраларида.

Бизнинг қўшиқларимиз ўзининг ҳамишалик революцион руҳи билан, ватанпарварлик ва жанговарлик услуби билан, гражданлик ва гуманистик, инсонийлик ҳисси билан, баланд фикрий парвози билан тингловчиларининг диққат-эътиборини тортиб келган. Бу мўъжазгина, аммо мўъжизали санъат асари халқлар тарихида ҳамиша ўз ўрнини ҳеч қанақа бегона нарсаларга бермай, давр ва замонининг катта юмушини бажарган ва қудратга эга бўлган, бу мўъжазгина, аммо тўлқинлар яратувчи қўшиқ билан катта даврлар яратганмиз, яратмоқдамиз. Бугунги буюк иншоотлар ҳам, Қарши чўлларини ўзлаштириш учун бўлган курашлар ҳам, БАМ ва Ноқоратупроқдаги қудратли қурилишлар овозаси ҳам ҳаммаси қўшиқ қанотида, қўшиқ парвозида эллардан-элларга ўтмоқдалар. Бундай қўшиқлар бугун айниқса ёш, иқтидорли композитор ва бастакорларимиз илҳомларида тингловчиларини қувонтирмоқда ўзларининг ёш, қобилиятли ҳамкорлари, қаламкашлари билан бирга. Дилором Сайдаминованинг, Фаррух Зокировнинг, Мирҳалил Маҳмудовнинг, Тельман Ҳасановнинг, Евгений Ширяевнинг, Эдуард Қаландаровнинг, Абдиҳошим Исмоиловнинг илҳомбахш мўъжизалари ажиб оригинал оҳанрабролиги билан, жозибалилиги, ёрқинлиги, илҳомбахшлилиги билан қимматлидир. Булар юртимизни юртларга, элларга севимли қилган, танитган «Ялла» ансамбли билан дуторчи қизлар ансамбли, Муҳаббат Шамаева, Исмоил Жалилов билан Ботир Зокиров, Павел Борисов билан Қўрқмас Муҳиддиновлар ҳамкорликда ватанлари ҳақида ғурур билан куйламоқдалар. Мақом ансамбли буюк мақом санъаткори Юнус Ражабий тиклаб қолдирган катта хазинани бойитмоқда, янги услубда, замон талаблари нуқтаи назаридан, эски анъаналар билан омухта қилган ҳолда янги ёш иқтидорли санъаткорлар билан эътиборга ярашиқ иш қилмоқда. Хева, Бухоро, Самарқанд меросларини топиб сайқалламоқда. Бу ансамблда ҳали қўшиқ қўли тегмаган мавзуларни қаламга олинмоқда. Бунда Матлуба Дадабоева, Маҳбуба Ҳасанова, Раъно Розиқова, Ҳуррият Исроилова, Абдусаид Азимов сингари қўшиғимиз келажаклари таълим олмоқдалар.

Халқ энг яхши орзу-тилакларини меҳр-муҳаббат, шеърият ва қўшиқ хазинаси бўлмиш шоир қалби билан бастакор хаёлига солган, унда сайқаллаган. У қўшиққа айланган она-Ватан дахлсизлигини таъминлашни зиммасига олган содиқ солдатдек, уни қурувчи ишчидек, унинг фикри-зикрини ўзида мужассам этган зиёлидек, мамлакати белига камарбаста бўлган деҳқондек бир дастёр сингари ёнма-ён туради у билан. У муҳаббат сингари ҳамиша сен билан ҳамнафас, у тилингда, ҳам дилингда. Афсуски, ҳамиша ҳам қўшиқ шундай мукаммаллик касб этавермайди. Чунки, ҳамиша ҳам шоир билан композитор, композитор билан хонанда, хонанда билан тингловчи бақамти ижодий мулоқотда бўлавермайди, бирга ҳамкорликда ижод қилавермайди. Агар ҳамишалик шундай ижодий ҳамкорлик юз берганида бугунги нуқсон ва камчиликлар юз бермаган, ёмон билан яхшининг фарқи анча камайган, ҳақиқий дид, ҳақиқий маданият ва ҳақиқий ижро санъати маданияти янгидан-янги санъат яратган бўлар эди.

Ўзбек совет адабиёти тараққиёти йиллари унинг ҳамма тури ўсди, танқидчилиги, адабиётшунослиги ривожланди, унинг ўз мутахассислари майдонга келди, улар адабиёт жанрларини ўз билганларича таҳлил қилмоқдалар. Бироқ, адабиётнинг қўшиқ тури эса ҳамон танқидчисиз қолиб келмоқда, десак хато қилмаган бўламиз. Шу сабаб унинг соҳасида ўзбилармонлик, ўзбошимчалик, хом-хатала ишлар авж олиб кетди. Бир қанча газета-журналларда унда-бунда қўшиғимизнинг салбий томонларига назар ташлангандек бўлди. Бироқ, шунда ҳам санъатни биладиган танқидчилар кам қатнашди. Шундай баҳслардан бирида Муродилла Абдуллаев билан М. Пардаев «Ўзбекистон маданияти» газетасида чиққан мақоласида «Гўзаллигинг биласанми ўзинг ҳам» каби мисраларни «бу нима дегани» деб ёқимсиз гапга чиқарадилар, ўта жўн деб қоралайдилар. Бунинг нимаси жўн, нимаси ёмон? Танқидчилар, наҳотки, шунча уймалашиб ётган жўн, бемаза мисралар орасидан шунигина топишган бўлишса? Шу мақолада тағин бир қўшиқ таҳлил қилинади. Р. Ураимжонов деган ўшлик санъаткорнинг ижроси танқид этилади. Ваҳоланки, у санъаткорнинг қўшиқлари ҳамиша чиройли ва ёқимли бўлади, қўшиқни ҳам танлаб айтади у. Негадир кўп мунаққидларимиз чиройли сўзлар йиғиндисидан иборат, ўйламай айтилган гапларни кўришмайди. Энг ташвишлиси шуки, шундай қўшиқлар қандайдир қонунлашиб қолаётганга ўхшайди, борган сайин уларни кўрсак ҳам индамай ўтадиган одат чиқараётирмиз. Бу билан яхши қўшиқ муаллифларининг ҳам баъзи жўн асарларига йўл очиб қўяётирмиз, у муаллифнинг тингловчилар олдида бебурд бўлиб қолишига сабаб бўлаётирмиз. Такрор қўшиқлар кўпайиб кетаётир, ҳатто яхши, янги образлар, ўхшатиш ва мажозлар ўтиб юришади биридан бирига. Бу танқиддан ташқари ҳолат ҳамон давом этмоқда.

Ҳар бир йил ўзининг қўшиққа арзигулик қаҳрамонларини, янгидан-янги кашфларини эълон қилади. Бу воқеаларни қўшиғимиз қаноти четлаб ўтмаслиги керак. Бироқ қўшиғимиз кўпинча четлаб ўтади буларни, кўрмайди, кўрганда ҳам кўпинча у қўшиқ қанотсиз, ҳиссиз, кишини ҳаяжонга солишдан ожиз бўлиб кўлкаланади.

Яхши куй билан яхши шеърнинг топишган жойида ҳақиқий муҳаббат янграйди, ҳақиқий ошиқ-маъшуқлар топишган ерда янгроқ овоз беради. Биринчи ижро, агар у ўзининг ҳақиқий эгасини, хонандасини топган бўлса, катта аҳамиятга эга. Ижро, албатта, муаммолар муаммоси. Авваламбор, бугунги кун талабларига биноан ижрочи хонанда ҳамма жиҳатдан гўзал бўлиши керак: табиий кўринишдан ҳам, ички маданияти, хулқ-атвори жиҳатидан ҳам, саҳнавийлиги, санъаткорлиги, драматик ҳолати, томошабин олдида ўзини тута билиши жиҳатидан ҳам. Репертуарлари жиҳатидан-ку алоҳида гўзал, тугал бўлиши шарт. Мен хулқ-атвор сўзини бекорга ишлатмадим. Дарҳақиқат, хулқ ижодга таъсир қилади. Хулқ-атвори, одоби чакки санъаткорни халқ дарров сезади, ихлоси қайтади, севмай қолади.

Баъзан композиторлар шоирларни нотўғри йўлга соладилар. Сўзсиз, маънисиз, бемазмун ёзилган куйларини олиб келиб: «Бунга тил яратиб

Адабий танқид

Бер, маъни киритиб бер», дейдилар. Бу билан улар ўз қадрдон дўстларини қандай камситаётганликларини хаёлларига ҳам келтирмайдилар, уларнинг бу тизмалари фақат композиторнинг қоғозидагина қолишини ва кейин унинг китобида умр кўролмаслигини ўйламайдилар ҳам. Шоир бунда икки марта ютқазади, ҳам шеър йўқотади, ҳам гап эшитади.

Миртемирнинг «Мен келгум, қайтиб келгум» деган қўшиғи бор, мусикаси билан бирга туғилган қўшиқ. Унда ёр маъшуқасига ўзининг албатта қайтиб келишини бадиий истиораларда, бадиий гўзал образларда, ажиб қайтариқларда баён қилади, биринчи бандида кетаётган ёрнинг келиш ваъдаси, иккинчи бандида яна висол онлари ҳузурига келиб, унга мафтун бўлажаги, учинчи бандида «бунга амин бўлгин» деб ишонтириши ифодаланади. Ижрочи хонанда буни тезда ёд олади, яхши ифода қилиб бериш учун чиройли ифода мантиқлари, усуллари топади. Ниҳоят, қўшиқ томошабин хаёлида ҳам қолади, тез тарқалади.

Музикада интонация деган сеҳр бор. У композиторнинг катта санъатидан келиб чиқади. Шунга ўхшаб, шеърнинг ҳам юқоридагидек интонация сеҳри бўлади. У бастакор куйи билан тил топишганда яркираб кетади. Бунга эришган авторлар қўшиғи камол топади. Александра Пахмутова қўшиқ майдонини «катта бог» дейди, унда ҳар хил мева бўлади. Аммо у мевалар яхши пишиши керак, хом-хатала узилмаслиги лозим. Қўшиқ ёзишни билмаган кишининг бу ишга қўл урмаслиги маслаҳат кўрилади. Зеро, бу билан у ҳам ўзини, ҳам «қўшиқ хўжалиги»ни жамоат олдида бебурд қилади.

Қўшиқни театрда қўйиладиган спектаклга қиёс этиш мумкин. Унинг ҳам воқеаси бор, актёри бор, сахнаси бор, томошабини бор. Уни талант билан сахналаштирмоқ дуруст, акс ҳолда, бу театрга ҳам томошабин кирмай қўяди. Манас Левиев лирик, Мутал Бурҳонов психологик, фалсафий кашфиётлар соҳиби, Сулаймон Юдаков кенг мушоҳама, Икром Акбаров лирик пейзажлар, Энмарк Солиҳов дилбар миниатюралар соҳиби. Уларнинг ҳар бир қўшиғини сахналаштирса бўлади. «Тошкент осмони» ва «Тошкент — дўстлик шаҳри» (Х. Изомов), «Ўзбекистон» (П. Раҳимов), «Қиз бола» (Э. Солиҳов), «Ўрик гуллаганда» (М. Левиев), «Ўйласам» ва «Соғиниш» (А. Исмоилов), «Қасида» (М. Бурҳонов) сингари ажойиб қўшиқлар бу фикримизга далил бўла олади.

Кейинги пайдо бўлаётган баъзи қўшиқлар мавзуи ҳақида ўйлашга, мусоҳаба юритишга мажбур қилмоқда. Баъзи бастакорларимиз, шоирларимиз бу ҳақда, бу муҳим масала ҳақида кам ўйлаётирлар. Ваҳоланки, қўшиқ замон билан бирга қадам босиши керак, у муҳаббат мавзуида бўлса ҳам, ҳар қандай лирик услубда бўлса ҳам, «чанқов босди» қўшиқ бўлса ҳам, замонини, кун-ташвишларини эсидан чиқармаслиги керак. Қўшиқларимизнинг бош мавзуи — Ватанимиз тинчлиги, маъмурлиги, халқлар дўстлиги, партиямизнинг доно сиёсати, буюк Ленин ғоясининг барқарорлигидир. Уни шундай куйламоқ керакки, у ҳамиша самимий, дилбар, гўзал бўлсин, халқнинг мангу мулки бўлмиш бу буюк ишлар қўшиғимиз қанотида баланд парвоз этсин, умум куйлайдиган оммабоп бўлсин. Бироқ баъзан шундай жўн, бўш талқинлар «яратамиз»ки, қалбинг қабул қилмайди.

Бу борада ижронинг аҳамияти беқиёсдир. Муҳаммаджон Мирзаев сингари бастакорлар топиб, тарбия қилаётган ижрочи хонандалардан Ҳуррият Исроиловани мен келажаги бор санъаткор деб биламан. Бир мураккаб томонни айтмадим сизга. Бу — овоз ва маҳорат, овоз ва санъат, овоз ва драматик ижро маҳоратидир. Бундай маҳорат иқтидорли хонанда Муножот Йўлчиева ҳам бор. У сипо, табиатан хонанда, қанча тарбияласанг, шунча сайқал топади унинг санъати. Ё бўлмаса: Матлуба Дадабоева. Бу санъаткорнинг бутун борлиғи қўшиқ ва санъат. Баъзи санъаткорларнинг ўз услублари ва ҳудудлари бор, аммо бу санъаткорнинг ҳудуди йўқ. Театр санъати институтида Гавҳар Тожибоева деган қўшиқчи қиз пайдо бўлган. Унинг иқтидорига эътибор бериш керак, унинг овози пардалари энг нозик тарбия ва сайқални талаб қилади. Бу санъаткорлар тингловчини қуруқ овоз билангина эмас, ажиб санъат сеҳри билан ўзига бўйсундиради. Ҳар бир сўзни англаб, мағзини чақиб айтади, ўз ўрнига қўйишга ҳаракат қилади, куй билан, соз билан бақамти, бамаслаҳат юради. Шоир топган янги образи ва сўзини, бастакор топган ранг ва сайқални англаб, уруғ бериб боради, ундан қуруққина ўтиб кетмайди, тингловчининг қулоғига қуйиб боради, у сўзларнинг, образларнинг қай бирини баланд, қай бирини паст, қай бирини ўртача ва қай бирини ҳис қилиб айтишни билади. У саҳнада наинки куйлайди, томошабинга билдирмасдан ўйнайди ҳам. Маҳбуба Ҳасанова шунақа, Раъно Рўзиқулова, Масъуда Самандарова (Бухоро) шунақа, Замира Суюнова, Дилором Ҳимматова шунақа, Улбўсин Суюкова (маданият институти), Нодира Мамадалиева (Андижон) шунақа, Абдусаид Азимов шунақа! Шундай ижрочи ёшларга нисбатан ёш иқтидорли шоирларимиз қўшиқни кам ёзишяпти. Бунга сабаб уларнинг қўшиқ санъатини яхши билмаганларидан эмас, йўқ, балки қўшиқ санъатимиз одам тилга олиб бўлмайдиган жўн нарсалар билан баъзи жойларда тўлиб кетганидан, қўшиқ шунақа аразон гап экан, деган фикр пайдо бўлиб қолганидандир. Санъат ва адабиётдан ҳали унча хабари бўлмаган баъзиларнинг «ҳаваскор»лар учун саҳнага йўлланма беришлари ҳам ўзининг иқтидорини яхши билган талантли ёшларни бу соҳадан қочиришга сабаб бўлмоқда. Уларнинг репертуарларидан чиқаётган аллақандай Ғанижон Холматов, Мўминжон Ҳакимий деганларнинг тизмалари халақит бермоқда. Мистик, тушкун, қаландарона «гап»ларга ихлосманд ана шундай кишилар санъатда, шеъриятда ҳали ҳам юрибдилар. Улар айтган қўшиқлар эса бозорга чиқиб кетмоқда, магнит ленталарида кўпайтирилиб, санъатфурушлар томонидан сотилмоқда. Мана бу бандни ўқиб кўринг.

Тоғда очилса лола,
Тақиб юрса қиз бола.
Келар шунда хаёла,
Қараб-қараб ўтмайсан.

Бу радиодан айтилган бир ашуланинг иккинчи тўртлиги. Биринчи тўртлиги бундан ҳам баттар. Одатдагидек радио бу сафар ҳам шеър кимники, музикаси кимникилигини, ҳатто кимлар ижро этганини ҳам айтмади.

Яна бир масала:

Ҳамма республикалар ресторанларида оркестрлар бор. Ҳаммасида ҳам ўзларининг композиторлари ва шоирларининг асарларини ижро этадилар, ўзларининг машҳур солистлари иштирок этишади. Масалан, республиканинг энг ҳурматли солисти бир кечада бир неча ресторан оркестри билан энг яхши қўшиқлар ижро этади. Меҳмонлар у ҳурматли санъаткорнинг келишини орзиқиб кутадилар. Аммо бизда бу нарса ҳали анъана бўлмаяпти. Менинг назаримда, бу нарса қўшиғимиз пропагандасининг қўлдан бериб қўйилган соҳаларидан биридир.

СССРнинг 60 йиллиги, республикамизнинг 60 йиллиги, Тошкентнинг 2000 йиллик тўйи яқинлашиб келмоқда. Янги, соз қўшиқлар кутади юртимиз, халқимиз. Яхши қўшиқлар учун, яхши ижро учун конкурслар ўтказишни ёдимиздан чиқариб қўяётирмиз. СССРнинг 60 йиллиги ва Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллигига эълон қилинган катта конкурс эса энг гўзал ва ажойиб қўшиқлар кутмоқда.

УМРИМИЗ ГАРОВИ

ОТАЁР

Қон нима? Нега у қадим-қадимларданоқ ўзининг сирли хусусиятлари билан одамларни қизиқтириб келган? Қон, уни яратувчи система, унга алоқадор касалликларни даволаш усуллари ҳақидаги таълимот — гематология нега бугунги кунда табобатнинг энг муҳим ва фаол тармоғи бўлиб қолди? Қон қуйиш табобат муассасаларининг барчасида қўлланилаётган ҳаётбахш усул бўлиб қолганлигининг боиси нимада? Нега совет донорлиги ўз олижаноблиги билан жаҳонни ҳайратга солаётибди?

Қоннинг сеҳрли фазилатларини ўрганиш соҳасида Иттифоқимизнинг қатор йирик шаҳарларида, жумладан, республикамиз пойтахти Тошкентда ҳам мислсиз ишлар амалга оширилаётир. Шаҳарнинг Шота Руставели кўчасидаги 138-бинода жойлашган Ўзбекистон Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг фаолият бошлаганига қирқ йилдан ошиб кетди. Эндиликда бу даргоҳни Иттифоқимиздагинә эмас, жаҳон табобатчилигининг барча минтақаларида яхши билишади, хорижий эллардан келиб-кетаётганлар бу даргоҳ олимлари томонидан кашф этилаётган мўъжизалардан ҳайратланишади...

Шундай қилиб, бугунги суҳбат саломатлигимиз муҳофазасининг, умрзоқлигимизнинг ана шу фидойилари ҳақида, ана шу ҳаётбахш даргоҳ борасида, қоннинг умри, мўъжизалари, унинг аҳамияти тўғрисида, қисқаси, қон ҳақида...

Ҳикоят

Донохон ая — олти қизнинг онаси, кондитер фабрикаси илғорларидан. Еттинчи фарзанди ўғил бўлди. Аммо кўз ёришида бир ўлиб-тирилди. Уни Тошкентдаги саккизинчи туғруқхонага келтиришганида аҳволи жуда танг эди: кўп қон йўқотган, оғриқ исканжага олар, ташналик қийнар, сув сўрашга тили айланмас, мадори қуригандан-қуриб борар эди. Шифокорларнинг: «Боланинг юрак тепиши сезилмаяпти, операция столига!..» деган ташвишли овозларини зўрға илғагандай бўлар, наздида оёқ мускуллари тарашадек қотиб қолганга ўхшар, музлаб кетган тиззалари зирқирар эди.

...Бир маҳал кимдир лабларига сув томизгандек бўлди. Кўзларини очди. Аввалига ҳеч нарса кўролмади. Ҳар қалай қулоқлари тагида гўё паровоз гупиллашига ўхшаш, кўнгилни орзиқтирувчи шовқин тиниб бормоқда эди. Бироқ ҳамон бироз кўкрагидан босиб тургандек ҳаво етишмас, кўз ўнгидан олти қизи гўё кўнимми чалғиган телеэкранда кўринаётгандек лип-лип ўтар, катта қизининг: «Ойижон, хавотир олманг, ҳаммамиз шу ердамиз!..» деган олис-олислардан эшитилар эди. Аста-секин жимирлаган туман чекиниб «оқ ниқобли» гавдалар ёришди. «Шифокорлар бўлса керак...» дилидан ўтди Донохон аянинг. Ана шундан кейингина киприклари намланган, лаблари пир-пир учиб турган эрини аниқ кўрди. Сўзларни ҳам тиниқ эшита бошлади.

Эри:— Онаси, ўзингни тут, ҳаммаси яхши бўлади, мени кўраяпсанми? Ана қизларимиз...

Қизлари:— Ойижон, биз ёнингиздамиз...

Врач:— Энди, нафас олаверсангиз бўлади, мана буни эса олиб ташлаймиз... Қани, қани, нафас...

Ҳамширалардан бири: — Вой, ўғил кўрган она ҳам шунчалик бўшашадими? Қўйинг-ей, бардам бўлинг!..

— Ушанда «Ўғил» сўзини эшитиб бирдан енгил тортгандай бўлдим,— дея жилмаяди Донохон ая.— Ҳатто турмоққа ҳам чоғланиб қолдим. Бироқ ҳамшира елкамдан босди:

— Қимирламанг, томирингизда игна бор!

Қарасам, тепамда оғзи пастга қаратиб ўрнатилган шишадан шланг тушган. Унинг бир учи шишадаги қонга, иккинчи учи томиримга туташ эди.

— Бу тўртинчи флакон,— деди ҳамшира.— Вақт зиқ эди. Лоақал қон группангизни аниқлаш учун бармоқларингиздан ҳам қон олмадик. Паспортингизда кўрсатилгани бўйича иш кўравердик... Омадли экансиз. Вақтида етказиб келишди. Мана бу София Мўминовадан қанча хурсанд бўлсангиз арзийди. Шу киши навбатчи эдилар. Агар эҳтиёж шарт тайёр қон беришмаса навбатчиликни қабул қилмайдилар. Доимий одатлари. Кеча ҳам сиз даволанган ўша институтдан қон келтириб қўйган экан, мана асқотди. Донор қони ўзингизни ҳам, ўғилчангизни ҳам ҳаётга қайтарди... Бахтиёр экан фарзандингиз, исмини Бахтиёр қўйсангиз ҳам бўларкан...

— Орадан йиллар ўтди. Болаларим бағримда,— дейди Донохон ая.— Аҳил, бир-бирига ҳамкор. Кенжамиз бўлса боғчанинг ҳам, уйимизнинг ҳам эркатойи бўлиб ўсаяпти. Уша туғуруқхонадалигидаёқ исм қўйиш ҳангомаси катта тортишувга айланди: маҳалладагилар бир тараф, мен бир тараф, отаси билан опалари бир тараф. Қисқаси, минг маслаҳатлашиб, Донорбек деб атаганмиз.

ОЛҚИШМИ ЁКИ КАМСИТИШ?

Бердиали ИМОМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Адабий танқид

Адабиётимиз тараққиётида муносиб ўрин тутган сўз санъаткорларидан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати Назир Сафаровдир. У проза ва драматургияда яратган ранг-баранг асарлари билан китобхон ва томошабинлар ўртасида кенг шуҳрат қозонди. Айниқса, унинг энг сара публицистик асарлари, «Наврўз», «Момақалдироқ» романлари авторнинг Бутуниттифоқ минбарига кўтарилишида алоҳида ўрин тутди. Адабиётимиз ривожига сезиларли улуш қўшаётганлиги сабабли унинг ижоди махсус тадқиқотлар объектига айланиб келаётир. Чунончи, ўтган йили Н. Худойбергановнинг «Виждон даъвати» китоби чиқди.

Китобча автори Ўзбекистон халқ ёзувчисининг адабий-ижодий портретини яратиш ёки унинг ижодини муайян илмий-ижодий проблемалар нуқтаи назаридан кенг, монографик планда ёритишни вазифа қилиб олмайди, балки китоб жанрини «мулоҳазалар, кузатишлар, қайдлар ва баҳслар» деб белгилайди. Албатта, танқидчиликда бундай жанр йўқ. Аммо таъкидланган хусусиятлар исталган адабий-танқидий жанр намунасида учраши мумкин. Лекин танқидчи атоқли адибнинг ижодий ва ижобий томонларини, асосан, сиртқи томондан тавсифлайди, умумий фикрларни баён қилади, танқидий мулоҳазаларини баён этганда меъёрни сақламайди, бу борадаги хоҳ китобхон, хоҳ танқидчиларнинг ижобий баҳоларини инобатга олмайди. Бу эса кишини ўйлантириб қўяди. Шунинг учун биз «Виждон даъвати»ни ўқиш жараёнида пайдо бўлган мулоҳазаларимизни рўй-рост айтишга жазм этдик.

Китобнинг илк бобида Назир Сафаров мўътабар зотлар қаторида эъзозланиб келинаётгани, унинг шахсида ёзувчилик истеъдодию улуғвор, қудратли инсонийлик уйғунлашиб кетганлиги тўғрисида умумий ва тавсифий руҳдаги гаплар айтилади. Ёзувчининг ташқи портретига хос хусусиятлар, унинг «Алпомиш, Гўрўғли, Фарҳод сингари афсонавий қаҳрамонлар»дек (9-бет) келбати хусусида фикр билдирилади, ўнлаб меҳнат қаҳрамонларини кашф этганлиги, ёзувчи, фаол жамоат арбоби сифатида ижтимоий салмоқли ишлар олиб бораётганлиги айтилади. Бахтга қарши, унинг бу қайдлари кўп ўринларда «қуруқ қошиқ оғиз йиртар» қабилида исботсиз қолади, чунки автор фақат айрим мақола ҳамда очерклар доирасида, чуқур таҳлилсиз, умумий тарзда фикрлайди. Санъаткорнинг йирик ва аксар асарларига муносабатида эса «танқид тиғи яроқлаб» туради. Чунончи, муаллиф бошқа танқидчилар «отахон ёзувчи ижодини юксак баҳолаганлари»ни, лекин бу «юксак баҳолар, билдирилган ижобий фикрлар, чиқарилган ибратли ҳукм-хулосалар» (19-бет) ҳамма вақт таҳлил билан асосланмаганини писанда қилади. Бу гаплардан автор китобида шу айтганларига амал қилади, чуқур, асосли таҳлил воситасида ўз фикрларини асослайди, деган умид туғилади. Афсуски, танқидчи ёзувчининг айрим ва жуда салмоқли публицистик асарларини енгил-елпи таҳлил қилиш билан чекланади, холос.

Унинг баҳсларининг савияси ниҳоятда паст. Танқидий баҳс, одатда, илмий-назарий асосда олиб борилади. Бадиий асарда сюжет ёзувчи ниятини таъсирчан ифодалашда қанчалик муҳим ва яхлитлаштирувчи ўрин тутса, илмий-ижодий проблема, концепция баҳсда шунчалик зарур аҳамиятга молик бўлади, танқидчи мақсадининг изчил ўзанда, батартиб давом этишига хизмат қилади. «Виждон даъвати»да бундай илмий-ижодий баҳсдан, очиғи, нишона йўқ. Мабодо, автор баҳс деб ҳис этаётган бўлса, «Ҳамдарду ҳамкор бўлади» бобида айтилган ва «бўш асарларга меҳр қўйган китобхонлар»га эътироз билдирувчи, Назир Сафаровни олқишлаб йўлланган мактублар бир томонлама, саёз экани уқтирилган ва шу қабилдаги бошқа ўринларни тилга олиш мумкин. Автор бундай хатларга ишониб, танқидни тан олмасликка тиришувчи ёзувчиларни умумий тарзда (?!) чимдиб ўтади, шу ҳисобда Назир Сафаровга «мақтов ёғдирган» ўқувчилар ҳам танқидчининг бундай «неъмати»дан бенасиб қолмайди. Бироқ китобнинг бирор ерида ижод масалаларига оид чинакам илмий баҳс учрамайди.

Шубҳасиз, адабиётшунослик, танқид, унга хос бадиийлик томонлари билан бирга олиб қараганда ҳам, илмга, фанга тааллуқли соҳа. Буни шу дамгача яратилган энг яхши танқидий асарлар, улуғ санъаткорларнинг ижод спецификасига доир кузатиш ва фикрлари тасдиқлайди. Буни касбимизнинг тадқиқотчилик ва том маънодаги академизм табиати, бош тенденциялари исботлайди. Шундай бўлгач, танқидчи йирик асарининг тадқиқот ва илмий руҳга молик бўлиши устида ўйлашга мажбур. Назир Сафаров ижодига шу томондан ёндошилса, у, публицист, очеркчи, йирик прозаик ҳамда драматург сифатида муҳим ва долзарб ижодий проблемаларни кенг ёритишга манба беради. Унинг барча қирраларини қамраш қийин кўчган тақдирда ҳам, ёзувчининг ижодида алоҳида ярқ этиб турадиган ва четлаб ўтиш мумкин бўлмаган бир қирраси хусусида тўхталиш шарт эди. Гап ёзувчининг ҳужжатлилик асосида ижод этиши устидадир. Агар соф беллитристик хусусиятлар бош ўринда турган «Момақалдироқ» романини мустасно деб ўйласак, ёзувчига шуҳрат келтирган, уни Бутуниттифоққа кенг танитган насрий асарларининг барчаси ҳужжатлар, аниқ ва бўлиб ўтган воқеалар бағридан, илдизидан униб-ўсиб юксалгандир. Бунинг устига, «Наврўз» романи ҳужжатлилик асосида юзага келган ўзига хос асардир. Танқидчи буни «нисбий маънода роман деб аташ мумкин» (177-бет) деб ҳисоблайди. Аммо бу гап боисини очмайди ва баҳсдан қочади.

Шу негизда ҳам адабиётимизда кенг томир отган, Бутуниттифоқ миқёсида соф бадиий асарлар билан

Шифокорларнинг айтишича, донорнинг маъниси лотинчада инсон энг мушкул аҳволга тушган пайтда ўз қони эвазига ҳаёт бахш этувчи дегани эмиш. Кўпга эш бўлсин, элга ардоқли бўлсин, яхшиларга эргашсин, деган ният билан ўғлимизга шундай исм қўйдик...

Ўзбекистон Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг врачи Кабир Каримов шундай дейди:

— Ўша Донорбекнинг ШР, 74138-номерли туғилганлик гувоҳномаси бизнинг ҳам ҳисобимизда турганлигидан хурсандмиз. Донорбекка ўхшаганларнинг ҳаётга қайтишида, неча юзлаб инсонлар умрининг асраб қолинишида институтимиз ходимларининг, шифокорларининг фидойилиги бениҳоялигидан фахрланмай бўладими, ахир!

Изланишлар, самаралар

Институтда олти юздан зиёд ходим, яъни, шифокор-олим ишлайди. Уларнинг ҳар бири юқоридагига ўхшаш, эшитган дилни тўлқинлантирарли кўплаб воқеий ҳикоялар айтиб беришлари мумкин. Бундай ҳикояларнинг ҳаммаси шу институт тақдири билан, ундаги олимлар, шифокорлар тақдири билан туташ албатта...

Институтдагилар айниқса Ҳожи Ҳакимовнинг номини меҳр билан тилга оладилар. Ҳожи Ҳакимов шу институт директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, камтарин, умри боқийликка бахшида инсон...

Ҳожи аканинг медицина соҳасида эришган муваффақиятлари таҳсинга лойиқ. Унинг фаолият кўлами ва бу кўламнинг салмоғи, аҳамияти, фазилатлари ҳам босиб ўтган умр йўли манзараларига ўхшайди. Отаси Ҳаким Акбар ўғли дорихонада ишларди. «Ўғлим ҳам шу касбнинг этагини тутсайди...» деб орзу қиларди. Ҳожи чиндан ҳам отаси изидан кетди. 1927 йилданоқ Қизил Ярим ой жамиятида ишлади. Ўша пайтларда бу жамиятнинг асосий вазифаси аҳоли ўртасида санитария маданиятини ташвиқ этишдан иборат эди. Ҳатто паранжи-чачвон ёпинган хотин-қизлар ҳам Ҳожи ҳузурига маслаҳатлар сўраб келиб турарди. Кейинчалик у Охунбобоев номидаги медицина техникумини тамомлади, фармацевт ассистенти бўлиб ишлади, кейин медицина институтини имтиёзли тугатиб, институт клиникасида аспирантурада қолди, тез ёрдам бўлимининг хирурги сифатида танилди, яна кейинроқ Тошкент область Соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарининг ўринбосари лавозимларида ишлади. Улуғ Ватан урушининг учинчи куниёқ кўнгиллилар сафида фронтга жўнади. Жангчилар билан елкама-елка туриб то Берлингача борди, минглаб операциялар ўтказди, лозим пайти ўз қонини бахш этиб, жанггоҳларда ҳам донорлар сафининг кенгайишида ўрнак бўлди.

Урушдан кейинги йиллар эса, яна фан йўлидаги изланишлар билан ўтди... Мана, у 1961 йилдан буён Ўзбекистон Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтини бошқаряпти. Бугунги кунга қадар ўтказилган тажрибалар, забт этилган илмий муаммолар, яратилган илмий асарлар самаралари, олам қадар сафарлар, устозлик қувончи, шогирдлар камоли-чи? Эҳ-ҳе...

Эзгулик йўлида

Бурноғи йили мазкур институтнинг қирқ йиллиги юбилейи кенг нишонланди. Қирқ йил айтишгагина осон. 1940 йили Марказий қон қуйиш станцияси базаси асосида ташкил топган мазкур институт ўзининг бугунги иқтидорли мавқеига эга бўлгунча жуда катта илмий, ижодий, кенг миқёсдаги тажриба йўлини босиб ўтди: Улуғ Ватан уруши даврида институтнинг қон хизмати бўйича 13 та филиали, 41 та таянч пункти ишлаб турди. Эвакуация қилинган госпиталларда 13 тонна донор қони ишлатилди — неча минглаб Ватаннинг қаҳрамон жангчилари соғлиги қайта тикланди. Урушдан сўнгги йилларда институтнинг илмий-текшириш ишлари аҳолига қон хизмати кўрсатишдек муқаддас иш билан уйғун ҳолда давом эттирилди.

Ҳозир институтда ҳар қайси ўзининг турли лабораторияларига, замонавий медицинанинг техник, реактив ва газли аппаратларига эга бўлган ўндан ортиқ бўлим фаолият кўрсатиб турибди. Бу бўлим ва лабораторияларни С. М. Баҳромов, А. Т. Тўраев, Я. Ҳ. Ҳакимова, Г. К. Карицкая, К. Р. Жуманиёзова, У. О. Олтибоев, Г. Н. Хорват, В. П. Глиндеман, Ф. Н. Ризаева, В. Г. Михайлов, Г. С. Левин, И. Б. Қалмоқова сингари табобат илмида таниқли медицина фанлари докторлари, фан кандидатлари бошқармоқдалар. Институтда йигирмадан ортиқ фан кандидатлари тайёрланган бўлса, шундан ўн иккитаси хотин-қизлардир.

Институтда олиб борилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Бу ерда инсоният соғлигини тиклаш учун қимматли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, ҳозир қон қуйиш қўлланилмайдиган бирорта ҳам медицина муассасаси йўқ.

Аслида кишилар анча илгарилари ҳам қон қуйиш тажрибаларини ўтказганлар. Бир замонларда оғир ётган беморларга ҳайвонларнинг қонини ичиришган... Буюк Ибн Сино ҳам ўзининг «Тиббий достон» («Уржуза») асарида инсон танасидаги қон билан боғлиқ дардлар ва уларни даволаш ҳақида, қоннинг аҳамияти, қон олиш хусусида алоҳида тўхталган... Мана, бугунги кунда эса, мамлакатимиз медицинаси қон қуйиш соҳаси бўйича жаҳонда етакчи ўриндадир.

Институтда қилинаётган ишларнинг, инсон саломатлиги — эзгулик йўлидаги изланишларнинг адоғи йўқ. Биз бу фидойи кишилар меҳнати жараёнига умумий бир назар ташладик, холос. Ваҳоланки, ҳар бир бўлим хусусида алоҳида рисолалар битмоқ мумкин. Шифо топган қанчадан-қанча беморлар ташаккури билан уларнинг умр йўли чароғон. Ана шу чароғонлик тобора равшан тортиб, порлайверсин.

ва миллионлаб китобхонларни мафтун этаётган ҳужжатли бадиий асарлар поэтикаси тўғрисида фойдали ва зарур баҳс юритиш мумкин эди. Дарвоқе, улуғ адиб А. Фадеев машҳур «Ёш гвардия» романини аниқ ҳужжатларга асосан яратган. Бу типдаги асарлар ҳам «Наврўз» ҳам ҳужжатлар ва автобиографик манбалар негизида пайдо бўлди. Албатта, зикр этилган ҳар иккала асар поэтикасида фарқли ва ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Агар рус ёзувчи ва танқидчилари «Наврўз»ни роман атаб, унга юқори баҳо бераётган эканлар, «Виждон даъвати» автори ўзбек адабиётида бу жанрнинг ўзига хос типи, кўриниши тўғрисидаги масалани ёритишдан ўзини четга тортмаслиги керак эди.

Тўғри, автор китобнинг «Ижодкор қиёфаси» деган қисмида мавзуга бевосита алоқаси кам масала устида узоқ сўзлагач (бундай зериктирарли даражадаги кўп сўзлилик барча қисмларга тегишли), «Наврўз»га кўчади. Китобда бирмунча таҳлилга тортилган асар ҳам шу. Лекин, бари бир, бу асар нимаси билан роману, қайси жиҳатларига кўра уни «нисбий маънода роман деб аташ мумкин»лиги исботсиз қолдирилади. Умумлаштирувчи моҳият касб этмаган танқидчи фикридан адабиётимиз тараққиётига наф етмайди.

Ёзувчининг «Наврўз»дан бошқа асарлари арзирли таҳлил қилинмагани «Момақалдироқ» романига бағишланган ўринда ҳам сезилади. Аслида бу асар тўғрисида танқидий фикр айтилади ва жиддий таҳлилсиз, баҳссиз қайдлардан кейин «ҳали бу асар хусусида узил-кесил хулоса чиқариш эртарокдир» (161-бет) деган камситувчи ва дудмал хулоса чиқарилади.

Назир Сафаровнинг публицистик мақолаларига алоҳида меҳр билан қаралгани ҳолда, танқидчи айтганидек, ёзувчи ижодининг қарийб ярмини ташкил этувчи очерклари тўғрисида «билинар-билинмас»— умумий тавсифий мулоҳазалар айтилади. Ҳатто танқидчи ёзувчининг донғини таратган очерклари номларини ҳам келтириб ўтирмайди. Бу ҳам майли-я, негадир, ёзувчининг анча заиф ёзилган, санъаткорнинг қалб кўри, юрак ҳарорати барқ уриб турган, ғоят таъсирчан «Изларни излаб...» сингари очерклари ҳам бир тарзда баҳоланади, улар оралиғидаги ўнлаб йиллар давомида ёзувчи маҳоратида юз берган ўсиш-ўзгаришлар, ижод эволюцияси бутунлай четда қолади. Автор ёзувчи очеркларини дурустроқ таҳлил қилмаганлигини ўзи ҳам сезади ва улар «хусусида батафсил мулоҳаза юритишнинг мавриди келиб қолар. Ҳозирча биз очерклардаги баъзи (?!) диққатимизни тортган хусусиятларга тўхталдик» (206-бет) деб насия-ваъда беради.

Назир Сафаров ижоди драматургиямиз тараққиётида, айниқса, унинг 30-йиллардаги ривожланишида сезиларли ўрин тутди. Автор драматургнинг пьесаларидаги айрим реалистик чизилган характерлар хусусида тўхталади, масаланинг умумий томонларини, камчиликларни қайд этади. Лекин пьесалар қолдирган таассуротларни ифодалаш устун бўлиб қолиб, уларни бу санъатнинг жанрий-эстетик хусусиятлари ёки бу соҳанинг бирор характерли проблемаси нурига солиб таҳлил қилиш йўлидан борилмайди. Бу бўлимни якунловчи ўринларда драматургни камситувчи хулосалар чиқарилади. Чунончи, у профессор Лазиз Қаюмовнинг Назир Сафаров пьесаларига оид фикрини келтиради-да, «ҳукм-хулосаларни қисман қўллаб-қувватлаш мумкин. Негаки, аксари образлар фақат айрим ҳоллардагина ҳаёт мантиқига мувофиқ жонланади, кўпинча, ахборот билан чекланилади» (146-бет), деб ёзади. Танқидчи бундан ҳам «кескинроқ» хулоса чиқармаса кўнгли тўлмаётгандек туюлади ва: «Ҳа, Назир Сафаров драматургияда катта кашфиётлар яратди, деб айтишга ҳеч қандай асос йўқ...» (146-бет) деб шиббалайди.

Бу ерда шуни айтиш керакки, танқидчи кенг қамровли: бадиий кашфиёт мавҳумини кўп қўллайди. Лекин унинг автор тасаввуридаги доирасини билиб бўлмайди. Масалага конкрет ёндошганда, Назир Сафаровнинг инқилобий мавзуларидаги, коммунист ва ишчи образлари гавдаланган пьесаларида муайян кашфиёт зоҳир бўлмаса, улар республика конкурсида тақдирланмаган, ойлаб, йиллаб саҳнада аншлаг ёки қизиқиш билан томоша қилинмаган бўларди. Хулоса шунга яраша чиқарилиши керак эмасмиди?

Гап келганда шуни ҳам айтиш керакки, бу танқидчи ўз фаолиятида «қисман» сўзига алоҳида майл билдиради. Гап бу сўзнинг кўп қўлланиши устида эмас, аксинча, унинг замирида санъаткорларимизни асоссиз камситувчи моҳият ётишидадир. Буни китобнинг кўпгина ўринларидагина эмас, танқидчининг классик асарларимиз хусусидаги мулоҳазаларида ҳам кузатамиз: «Ғофир ва Жамила, Йўлчи ва Гулнор, Отабек ва Кумушбиби характерларида ҳаёт мураккабликлари, зиддиятлари фақат қисман акс эттирилади, холос» («Шарқ юлдузи», 1982 йил, 1-сон 179-бет). Улуғ санъаткорларимизни камситувчи бу сўзларни ўқиб, танқидчи тасаввуридаги кашфиёт шифти қанчалик баланд ёки чексиз эканини тасаввур қила олмайсиз. Умуман, бирор талаб ёки мезон рўкач қилинадиган бўлса, исталган классик асарларни юқоридагидек «дабдала қилиш» мумкин. Санъаткор ижодига у салафларига нисбатан қўшган ҳиссасига қараб баҳо бериш талабини унутмаслик керак.

Шу «Қурашчанлик руҳи» бобида танқидчи услубига хос хусусиятлар «бўртиб» юзага чиққан. Бу боб санъаткорона ёзилган асар курашчанлик руҳига молик бўлиши ва бу характерларга сингдирилиши зарурлиги, бундай асар яратиш ёзувчи куч-қудратига боғлиқлиги ҳақидаги кириш билан бошланади, танқидчилик шунга эътибор бериши лозимлиги уқтирилади ва: «Ҳолбуки, қозонда бори чўмичга чиқади, бўш қозонни зўр чўмич билан қанча кавламанг, ҳеч вақо чиқмайди» (127-бет) деган «хулоса» чиқарилади. Шундан кейин яна талай ўринда «ярамас чўмич», «қозонда емиш», «чўмичнинг ўрнига нимадир» ишлатиш, «бўм-бўш қозон», «бўш қозон», «носоз чўмичлар», «қозонларни тўлдириш», «на чўмичга, на қозонига эга бўладиганлар», «ёғли қозон», «зўр чўмич», «лим-лим қозон» ...сингари меъдага тегар даражада, узундан-узоқ «фалсафа» сўқилади, шу бир иборани ҳадеб такрорлай бериш (бу барча бобларга хос) оқибатида «фалсафа» сафсатага айланади. Энг ёмони: боб охирида қилинган хулоса Назир Сафаровнинг драматургик «қозони»да нимадир борлигига, танқидчи «чўмич»ига бирор нарса илинишига шубҳа туғдириш оҳангига моликлигидир. Албатта, бунга қўшилиб бўлмайди.

Сирасини айтганда, танқидчиликда образли иборалар қисқа ва лўнда, мантиқни чуқурлаштирарли суръатда қўлланиши устозлар ижодидан маълум. Адабий танқидчининг ҳам тили содда, таъсирли, ёрқин бўлиши керак. Ваҳоланки, бу танқидчи бошқаларга талаб қўядию ўзига талаб қўймайди. Ўз тили, услуби ҳақида бош қотирмайди. Унинг нисбатан силлиқ жумлаларидан бирини келтирайлик: **«Хусусан, насрий асарларида Назир Сафаров кўпроқ [!] бор овоз-да [!] юксак пардаларда очилиб [!], ёзилиб [!] табиий суратда [!] эркин [!] мулоҳаза юритади...»** (129-бет). Сўзлар шу қадар болохонадор қилиб, лекин номантиқий ишлатилгани кўриниб турибди. Бу санъаткор ёки олим ёзадиган гап эмас. Аммо, бундан ҳам ачинарли жиҳати шундаки, автор шу ўринда ҳам халқ ёзувчисини атай камситади, Назир Сафаров бошқа жанрлардаги асарларида «юксак пардаларда ёза олмайди», деган фикрни олға сурмоқчи бўлади.

Хуллас, танқидчининг монография ҳажмидаги китобида адабиётимиз оқсоқолларидан бири, кекса адиб Назир Сафаров ижодининг камолот *поясига кўтарилиши*, унинг адабий жараёндаги мавқеи бир томонлама, асосан, унинг турмушдаги иллатларга қарши виждон даъвати билан публицист сифатида курашувида, айрим очерк ва мақолалари мисолида айтилади. Шунда ҳам **танқидий димоғдорлик** устунлик қилади. Ёзувчининг ўзига хос йирик прозаик ва драматург сифатидаги ижодий қирралари танқидий пафос соясига ўтиб, китобхонда нотўғри тасаввур уйғотади.

Юқоридаги мулоҳазалар билан китобни ёпиб ўйланиб қоласиз: танқидчининг бош мақсади, позицияси санъаткорга олқиш айтишми ёки уни камситишми?

Рўзимат ОТАЕВ

Мангуликнинг олтин қайиғи

Букри жийдаларнинг эгик учлари
Серкўпик сув юзин туради чизиб.
Аму тўзон отмас соҳиллар сари,
Ирғитмас қайиқлар ипини узиб.
Недандир бўлгандай ҳудди рамида,
Айланиб оқади ўз оромида.
Тезкор тўлқинлар ҳам ҳорғин, толиққан,
Шивирлашларида акс этар кадар.
Ё йигирма икки[1] юракдан оққан
Покиза қонларнинг азасин тутар?
Қани у илк баҳор қалдирғочлари,
Қиличлар дамидан ўтдими бари?!.
Маърифат гулларин қотиллари ким,
Ҳануз яшайдими улар дунёда?..
Оқим жавоб бермас, тик соҳиллар жим,
На кўкдан, на ердан чиқмас бир садо.
Гарчи ўтиб кетмиш жуда кўп замон
Дарё у қонларни юволмас ҳамон.
Мабодо кезсангиз ой чиққан тунда
Атрофдан бир ғовур эшитилади.
Кимдир чўкаётган каби тўлқинда,
Кимдир қаттиқ ҳўнграр, кимдир кулади...
Балки шунданмикан Аму бу жойда
Телбалик отига минмас бефойда.
Аммо саҳар олди қоронғисида
Фаразми ёки чин — кўринар елкан!
Сузиб бораётир ана осуда —
Ё у шаҳидларнинг армонимикан?
Ё айтилмай қолган қўшиқ-лойиғи,
Сузавер, мангулик олтин қайиғи!

[1] 1924 йилнинг 24 августида Хевадан Ватанимиз пойтахти Москвага ўқишга кетаётган йигирма икки комсомолни босмачилар дарёда ушлаб, ваҳшиёна азоблаб ўлдирганлар.

Баҳорда

Бутоқларга буғдой донларин кўркам
Тизиб қўймиш ким?
Ё бу куртакми, деб дарахтга боқсам
Безабон ва жим.
Фақат шўх шамоллар теграмда кезиб
Сўйлар эртаклар.
Қизара бошлайди ненидир сезиб
Бўртик куртаклар.
Оғочлар силкиниб наврўз ҳақида
Тинглар ҳикоя.
Қуёш ўпич йўллар кўк пештоқидан —
Меҳрибон доя.
Серсут тугунларнинг юмуқ кўзлари
Очилар аста.
Суюнчига еллар учар сарсари
Борлиқ ораста.
Қушлар илк саҳардан шод чирқиллашиб
Учади бетин.
Кун бўйи оғзида чўп ва лой ташиб
Ин қуришар, ин.
Тиғиз шохлар аро бесаноқ сават
Қўйгандай осиб.
Кўккарға ошёни кўтаради қад
Кўркам, муносиб.
Болалигим эслаб, кўкка, тутга қўл
Узатаман тез.
Аммо ҳув инларга тополмайман йўл,
Бўғриқади юз...
Ойга чиқиш осон дарахтга чиқиб
Тушгандан кўра.
Уя чайқалади ичимни ёқиб
Эҳ, қандай зўр-а!
Шўхлигим, ҳув, эски ошён тагида
Кўринар элас...
Янги инлар шамол беланчагида
Чақирар абас!

Боққа кирсам

Боққа кирсам ҳаво ҳам хушбўй,
Оппоқ бўлиб гуллабди ўрик.
Табиатда бир тантана, тўй,
Гўзалликка бошланмиш кўрик.

Чақмоқ гуллар мунча ақиқ-а,
Завқи дилга нур бўлиб оқар.
Қайси лаҳза, қайси дақиқа
Кириб келдинг боғимга, баҳор?

Билолмайман мен буни ҳамон,
Ҳаяжондан кўзларимда нам;
Наҳот сезмай қолади инсон
Шундай, умрин ўтганини ҳам?!

Анвар ҲОЖИ

БАХТИМСАН

Кўсакларда хандон кулган шалола,
Дилни-дилга боғлар олтин-зар тола,
Юртим тупроғидан топдинг зувола
Мадҳингни куйлашга қадамим вола,
Пахтамсан, бахтимсан,
Тожу тахтимсан.

Сенми эртакдаги у қайнар хумча,
Оқлигинг гўёки нурафшон кунча,
Бахтимга омон бўл дунё тургунча.
Қалбларга ҳарорат бахш этдинг кунча,
Пахтамсан, бахтимсан,
Тожу тахтимсан.

Лўппи юзларингдан қуёш ўпади,
Сени эъзозлаган ардоқ топади.
Кекса-ёш қошингга тонгдан чопади,
Юзингни қор босса қалбим чўкади,
Пахтамсан, бахтимсан,
Тожу тахтимсан.

Бобом кўзга суртган сени илгари,
Отам ардоқлаган бобом сингари,
Бугун сенсан менинг қалбим гавҳари,
Ўғлим қучоғингда, пўлат тулпори,
Пахтамсан, бахтимсан,
Тожу тахтимсан

Хирмонинг кун сайин бўй чўзса дуркун;
Ичимга сиғмайди шодлигим шу кун.
Деҳқонман, дунёни кўрмайин юпун,
Қошингдан кетолмам кундуз, гоҳи тун,
Пахтамсан, бахтимсан,
Тожу тахтимсан.

Пахтакорнинг кўли баланд бу замон,
Йилдан-йилга ошаверар зўр довон.
Яна ҳам бўй чўзар кўк сари хирмон,
Олтинам, ёлқиним, сен билан ҳурман,
Пахтамсан, бахтимсан,
Тожу тахтимсан.

* * *

Дераза кўзидан юмалади ёш,
Дил шув этди кўздан дарак топгандек.
Сарғайган япроқлар йўлкада уйқаш,
Баҳорда авайлаб уни ўпгандек.

Ўзим севган олча барглари олтин,
Навдада қалтираб турар омонат.

Баҳор чоғи суҳбат қурардик ҳар кун,
Эндиги қаршимда мисоли сурат.

Япроқлар бош қўяр тупроққа ҳорғин,
Ўтган кунларидан жуда ҳам мамнун.
Билади янгитдан барг чиқар тағин,
Шунинг учун хотиржам бош қўяр беун.

* * *

Ҳар тонг булбул боғимиз аро
Севгимизни мадҳ этар гулга:
Қўшиғи ҳеч тинмасин асло,
Узоқ умр тилайлик унга!

Шоирнинг ҳам матлаби фақат
Чин севгини куйламоқ экан:
Шоир, қалам синмасин ҳеч вақт,
Унга умр тилайлик улкан!

Нома ёздим

Кўзларимни толдирди чироқ,
Чарчаб кетди хат битиб бармоқ.

Қоронғуга кўмдим ўзимни,
Ухлай дея юмдим кўзимни.

Тун беқоғоз, беқалам, пари,
Хатни давом эттирдим сенга.

Кипригимни қадаб кўк сари,
Нома ёздим сен-чун осмонга.

* * *

Борлиқни қамради сурма каби тун,
Уйнинг дарчалари йилтирар нурдан.
Қандайин бахтлики, кўкда ой сени —
Дарчадан кузатиб қилмоқда ҳузур.

Мен фақат ул ойга боқаман шу дам,
Аҳволимга у ҳам кулиб турибди.
Ундан сира кўзим узолмам, эркам,
Чунки у ой сени кўриб турибди.

* * *

Ёмғир ёғар, сўзлашар япроқ,
Ҳар томчиси баҳор чопари.
Илк баҳорнинг қўшиқ — лапари
Том бошига қадар ол байроқ.
Табиатнинг кафтида маржон,
Бўш ариқлар бағридир гавжум.

Куртаклар-чи, лабини тутар,
Ташналигин қондирар шу зум.
Табиатнинг тўнғич қизи — гул,
Япроғини айлар мусаффо.
Покизалик севади кўнгил,
Юрагимга сиғгудек дунё.

САОДАТНИНГ БАХТИ

Саодатхон билан далада учрашдик. Бу одамшаванда аёлнинг чеҳраси ҳам завқли, ҳам серташвиш эди. Суҳбатимиз бошланиб кетди:

— Деҳқончиликда бир кун кечикдингми, иш бир ҳафта кетга сурилади. Гектаридан 50—60 центнердан ҳосил кўтаришнинг ўзи бўлмайди,— деди у чуқур тин олиб.— Бригадамизда 92 гектар пахта майдони бор. Бу йил ҳам гектаридан 60 центнердан пахта берамиз, деб аҳд қилдик...

Биз у ёқ-бу ёқдан гапириб, саволлар бериб, уни суҳбатга тортдик:

— Ҳали тракторчиларимиздан бири — Тоғай ака Мусурмонов, Саодат, энди мени трактордан олиб, бошқа ишга ўтказ, чарчадим, деб қолди,— Саодатхон мийиғида кулиб сўзларди.— Йўқ, дедим, бирга иш бошлаганмиз, пенсияга ҳам бирга чиқамиз, дедим. У билан бирга 25 йилдан буён пахта етиштирамиз. Шу давр мобайнида тўрт марта нуқул қолоқ бригадага кўчдик. Мана шу бригадага келганимизда гектаридан 13—14 центнердан ҳосил олинарди. Бир неча йилдан бери 50—55 центнердан кам пахта берганимизни эслолмайман. Тоғай акага ҳазиллашдим: иш оғирлик қилиб қолдими, ташвишланманг, чарчаган пайтингизда тракторни ўзим ҳайдайман, дедим. Ўзи ишчан одам, тупроқнинг қадрини билади, деҳқончилик ишида кўзи пишиб кетган.

Саодатхон ўз бригадасининг ҳамма аъзолари ҳақида илиқ меҳр билан сўзларди:

— Дастлаб шу ерлардан атиги 13 центнердан ҳосил кўтарилган. Раисимиз Йўлдош ота Ҳожиматов: «Ҳосилдорликни кўтариб берасан», деб қолдилар. Кўндим, фақат ерларни қайта ҳайдатаман, дедим. Чуқурлигини 35—40 сантиметрдан қилиб чопиқ ўтказмаса, тупроқ уқаланмайди, ғўзанинг илдизи яхши ривожланмайди... Ерни кўнгилдагидай тайёрладик. Энди гап уруғнинг сифатида эди.— У чуқур тин олди.— Менга қолса «уруғингни ўзинг тайёрла», десалар дикки... Бир текис бўлиқ ғўза ҳеч қачон кишини доғда қолдирмайди. Ўтган йили ҳув нариги картадаги ғўзаларга «қора сон» касали ёпишди, зудлик билан олимлар ҳузурига югурдим. Касаллик уруғдан эди. Олдини олдик, даволадик. Бари бир ҳосилда фарқ бўлди. Уруғликка экилган пайкал касалланмаслиги шарт. Пахтаси қўлда териб олинган маъқул. Ҳар туп ғўза бошида парвонамиз, десам муболаға бўлмас. Биласизки, ўзим тракторчиман. Культивацияни ҳам, бошқа ишларни ҳам бажараверараман, механизаторларимиз буни билишади. «Культивация сифатли бўлмаса, опамиз дарров пайқайди», деб туришади. Культивацияни маҳаллий ўғит солиб ўтказилса, ғўза илдизини қиздиради. Бунинг аҳамияти жуда катта. Кейинги ишлар ўз вақтида суғоришга боғлиқ. Бизнинг далаларда ўт йўқ, уни дастлабки йилларйёқ илдизи билан қуритиб юборганмиз.

— Фақат пахта етиштирасизми?— деб сўрайман Саодатхондан.

— Асосан пахта. Лекин бир майдонга ҳадеб чигит экавериш ярамайди, экинларни алмашлаб туриш даркор. Ҳар йили 20 гектар майдонни алмашлаб экамиз. Ўзи 120 гектар экин майдонимиз бор.

Пахталар очилиб, энди уни машинада теришдан аввал дефолиация ўтказишдаги изтироблари ҳақида Саодат Гулаҳмедова шундай дейди:

— Ўтган йили кузда беш кун қаттиқ қийналдим. Ғўзаларим яшнаб турибди, кўсаклар етилиб боряпти. Дефолиацияни беш кун аввал бошласак, ҳар туп ғўзадан икки-учтадан кўсак йўқотамиз. Беш кун кеч ўтказсак, шунча кечикиб кетамиз. «Бошланг» десам бўладику-я, аммо бўлиқ кўсакларим менга қараб «раҳм қилинг, ўлдирманг бизни» деяётгандай. Уч кеча-кундузни ўтказдим. Кунлик маълумотдан дефолиацияни кузатаман. Яна икки кунни нина устида юргандай ўтказдим, кейин дори сепишни бошлаб юбордик. Шунда ҳам хавотирлик билан кўзимни чирт юмганча рухсат бердим. Хайрият, ҳосилга зарар етмабди. Нега деганда, биз бутифос дорисини сепдик. У ғўзани унчалик зарарлантирмайди. Бирданига хлорид-магний бериб юборилса, кўсак қуриб қолади... Ўтган йили кеч кузда терим тугалланиб, кўсакларни йиғиб олаётган пайтимиз эди. Кўсак чувийдиган агрегатларнинг пластмасса чўткалари ўрнига устахонада симдан қўлбола чўткалар тайёрладик. Шундан кейин агрегатлар бетўхтов ишлаб кетди.

Саодатхон билан пайкал ёқалаб чигит экаётган тракторчилар ёнига бордик.

— Ҳавога ишонч йўқ, иним,— дея сўз қотди бригадир тракторчи Эрмуҳаммад Аширматовга.— Ёмғир шир этса, бир ишимиз икки бўлади.

Эрмуҳаммад Аширматов 12 йилдан буён Саодатнинг бригадасида тракторчи. У беш кунда ҳамма ерга чигит қадаб бўлишни мўлжаллаб ишлаётган экан.

— Чапдаст йигитлар булар,— деди Саодатхон секин одимларкан.— Шундай шогирдларим борлигидан қувонаман, йигирмадан ортиқ тракторчига ўзим иш ўргатдим. Абдурашид Бўрибоев деган тракторчимизни нариги бригадага бошлиқ қилиб юборган эдик. Ҳозир мен билан мусобақадош.

Узоқ пайкалда чигит экаётган тракторчилар — Иброҳим Ризаев ва Халил Исмоиловлар томонни кўрсатди Саодат.

— Халилнинг трактор ҳайдай бошлаганига уч йил бўлди. Комсомолларимиздан. Бир нарсага ҳайрон қоламан, бригадир ёки бўлим бошлиқлари эрта-индин йигитлик бурчини адо этганн борадиган ёшларни бригадасига олишга, уларни иш ўргатишга негадир қитмирлик қилишади. Ахир у ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, яна шу қадрдон даласига қайтади-ку. Мана, Ҳасан Абдуллаев тракторчилар ёнида юриб, ҳайдашни анча ўрганиб олди. «Қайтиб албатта бригадангизга келаман, опа», дейди. Ахир улар бизнинг ўринбосарларимиз. Сувчиларимиз Худойқул Исмоилов, Кибор Аҳмедовлар ҳам ўзларига шогирд тайёрлашмоқда.

...Муттасил юқори ҳосил етиштиргани учун Саодат Гулаҳмедова 1958 йилдаёқ Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Қатор медаллар, ёрлиқлар билан тақдирланди. Партиямизнинг XXII съездига делегат бўлди. Неча бор область ва район Советларига депутат қилиб сайланди. Буларнинг барчаси Саодатхоннинг меҳнат туфайли эришган ҳурмат-эътиборидан далолат.

— Биласизми,— дейди у ҳаяжонланиб,— бир неча марта чет мамлакатларда бўлдим. Бироқ у ерларни ўз юртимга қиёс этолмадим. Айниқса бундай кезларда пахта далалари сира кўз ўнгимдан нари кетмайди. Чунки менинг тақдирим ана шу серфайз далалар билан чамбарчас боғлиқ. Пахта — менинг бахтим, саодатимдир.

Дилкаш, заҳматкаш аёл билан хайрлашиб, шаҳарга қайтдим. Орадан бир неча кун ўтиб хушхабар эшитдим. Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова даласида чигит экиш тугалланибди.

Фарида УСМОНОВА

САВР ИНҚИЛОБИ

Савр инқилоби Афғонистонда яшовчи барча халқларни озодлик ва бахт-саодат йўлига олиб чиқди. Уларнинг тараққийпарвар маданияти, санъати, адабиёти ва фольклори халқ маънавий мулки бўлиб қолиши учун ижтимоий имконият яратди. Бунинг натижасида Савр инқилоби ғояларини амалга ошира билувчи журналистлар, адабиёт ва санъат арбоблари, фольклор йиғувчилари майдонга келди.

Таниқли афғон журналисти ва фольклоршуноси Файзулла Аймоқ Савр инқилоби ғояларини ҳаётга татбиқ этаётган ана шундай зиёлилардан биридир.

Файзулла Аймоқнинг 1980 йил Кобулда нашр этилган «Халқ дурдоналари»[1] тўпламини Афғонистон ўзбеклари фольклоршунослигининг илк қалдирғочи дейиш мумкин. Чунки Афғонистон ўзбеклари тарихида биринчи маротаба халқ оғзаки бадиий ижоди намуналари худди шу китобда жамланди ва маълум илмий тартибда эълон қилинди.

Бу тўплам-ўз-ўзидан, осонликча вужудга келмади. Файзулла Аймоқ қийин бир шароитда, подшо салтанати ўзбек тилида шеър ва мақолалар нашр этишни мутлақо тақиқлаган бир даврда, яширинча қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй юриб, турли фольклор намуналарини тўплади. Ўн беш йиллик машаққатли меҳнатининг илк меваси эса, фақат Савр инқилоби шарофати билан рўёбга чиқди. Китобнинг Савр инқилоби қаҳрамонларига, адолат тантанаси йўлида жон бериб-жон олиб курашган ватанпарварларга бағишланган ҳам Савр инқилобининг Афғонистонда яшаётган миллатлар тақдирларида мислсиз ижобий роль ўйнаётганлигини, яъни мазкур тўпламнинг катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик лигини кўрсатади.

«Халқ дурдоналари» аввалида Афғонистон Фанлар академияси президенти, Ўзбек тили, адабиёти ва маданияти комитетининг фахрий раиси, йирик афғон шоири Сулаймон Лойиқ (1—5-бетлар), шунингдек, олимлардан Равон Фарҳодий (9—12-бетлар), Ориф Усмон (16—20-бетлар) мазкур тўпламга бағишлаб ёзган мақолалар ўрин олган. Жумладан, Сулаймон Лойиқ: «Қувонч ва хушбахтлик ўрнидирки, Афғонистон Халқ Демократик партияси ҳукуматининг даврида Афғонистонда яшайдиган қардош миллатлар тили ва адабиётини ривожлантириш йўлида унумли ва самарали ишлар бошланди,— деб ёзади.— Ушбу китоб шарафли ўзбек миллатининг маданиятини яшнатиш йўлида партиямизнинг беғараз, давомли курашларини кўрсатадиган энг яхши амалий намуна ва мисолдир».

Равон Фарҳодий ва Ориф Усмон ўртоқлар ҳам бу китобнинг Савр инқилоби меваси эканлигини таъкидлайдилар, олимнинг хизматини юксак баҳолайдилар. Шундан сўнг Файзулла Аймоқнинг сўзбошиси берилган. Унда илгари сурилган энг муҳим фикрлар олимнинг етарли даражада замонавий филологик тайёргарликка эга эканлигидан далолат беради.

Тўплам сўнггида рус ва инглиз тилларида бу китобнинг мазмуни ва аҳамияти тўғрисида ахборот мавжуд.

Файзулла Аймоқ «Халқ дурдоналари» тўпламини нашр эттирар экан, икки мақсадни ўз олдига қўйди:

1. Афғонистон ўзбеклари халқ оғзаки ижоди намуналарини маълум миқдорда жамлаб, китоб ҳолига келтириш.

2. Бу намуналарни дарий тилига таржима қилиб, уларни изоҳлар билан таъминлаб, барча Афғонистон халқларини бой ўзбек оғзаки ижоди билан қисман бўлса-да таништириш. Тўпламда, асосан, Афғонистоннинг шимолий вилоятларида яшовчи ўзбеклардан ёзиб олинган фольклор асарлари ўрин олган. Тадқиқотчи ўзи йиққан ва нашрга тайёрлаган бу материалларни «Эртаклар ва достонлар», «Қўшиқлар ва сурудлар», «Болалар сурудлари ва қўшиқлари», «Оталар сўзи» деб аталувчи умумий сарлавҳалар остида жойлаштирган.

Тўпламдан ўрин олган фольклор асарларини қуйидаги кўринишда таснифэтиш мумкин:

1. Маросим фольклори намуналари. Булар жумласига «Кўчирик», «Сув гадойи келди», «Урама» («Қуюм») айтими, «Ной-ной» («Ёр-Ёр»), «Улан» ва бошқа фольклор намуналарини киритиш мумкин.

2. Маросим билан боғлиқ бўлмаган фольклор асарлари: достонлар, эртаклар, турли характердаги қўшиқлар, болалар ўйинлари, болалар қўшиқлари, мақоллар.

Маълумки, эзгулик ва ёвузлик курашининг бадиий тарихи бўлмиш фольклорда, ҳамиша эзгу кучлар ёвузлик устидан ғалаба қилади. Халқ ўзининг севимли қаҳрамонлари тимсолида озодликни, эркнинг тантанасини тараннум этади. «Халқ дурдоналари»дан ўрин олган «Жувоз ёви» («Жувозга қўшиладиган бия»), «Ўроқчининг қўшиғи» каби асарларда эса бу кураш инқилобий руҳ билан йўғрилган. Уларда халқнинг подшо тузумига, золим бойларга, ҳақсизликка бўлган нафрати ёрқин ифодаланган.

Таърифин(и) айлайин,
Бир неча музи[1] бойни.
Гарданимга алдаб урди,
Бир пайкал бугдойини.
Ҳеч бандангни, худо.
Ўроққа дучор айлама!

Бечора ўроқчи, иложсиз хасис бой қўлида ишлайди. Лекин бой унинг ҳақига хиёнат қилади.

Дамгинам ичимга тушди,
Кимга айтай войни.
Аннакейин чўтламасанг[2],
Чўтлайин уч ойни.
Ҳеч бандани, худо,
Золимга дучор айлама!

Ўроқчи бу ижтимоий адолатсизликдан кимга дод дейишни ҳам билмайди.

Ҳар бир нарсанинг ҳам чеки-чегараси бор. Сабр косалари тўлди. Халқ қўзғалди. Инқилоб бўлди. Халқ кутган, интилган озод замонлар келди. У энди баралла куйлаяпти:

Завлонадан[3] эшилдик[4],
Чин юракдан хуш бўлдик,
Савр ойидан бери
Қаторларга қўшилдик.

Халқ Савр инқилобининг барқарор бўлиши учун курашади. Ватанининг партия раҳнамолигида гуллаб-яшнашини истайди.

Бугдойлари бош олсин,
Бизларни озод қилди,
Партиямиз яшасин.

Савр инқилоби афғон аёлларига ҳам эрк, ҳуқуқ берди;

Еттинчи савр келди,
Золимга жавр келди
Ўйнаб-кулишинг, қизлар,
Бизларга давр келди.

Халқ ўз замонасининг энг ҳозиржавоб шоиридир.

Ҳозир бундай ҳаётбахш, курашчан қўшиқлар Афғонистонда кўплаб яратилмоқда. Бу эса Савр инқилоби халқ идеаллари мужассами эканлигининг, афғон ўлкасида эзгуликнинг мутлоқ ғалабаси таъмин этилганлигининг бадиий тасдиғидир.

Айни жараён қўшиқларнинг замон билан ҳамнафас, ҳамқадам фольклор жанрларидан бири эканлигини яна бир марта намойиш қилади.

Тўпламда келтирилган бир қанча асарлар Афғонистон ва совет ўзбеклари учун умумий характерга эга. Бундай асарлардан бири «Очил, қамишим, очил» эртагидир. Бу эртакни ва Ўзбекистонда кенг тарқалган «Ерилтош» эртагини версиялар сифатида ўрганиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, бу эртак «Нар қамиш» деб аталувчи татар халқ эртагига ҳам айнан ўхшайди. Бу ҳар уч эртакнинг илдизи жуда қадимга, ибтидоий никоҳ формаларидан бирининг емирилиш даврига бориб тақалади.

Тўпламдаги «Офтоб чиқди оламга» қўшиғи ёки «Қалдирғоч, қанотинг етти қулоч» айтими Ўзбекистонда ҳам маълумдир. Хусусан, болалар кўклам билан бирга келган қалдирғочдан:

Қалдирғоч,
Қанотинг етти қулоч,
Борасан,
Келасан,
Семурғ момом соққинами?
Кўзлари бероққинами?[5]

деб сўрайдилар.

Тўпламнинг тўртинчи боби мақол, матал ва ҳикматли сўзлардан ташкил топган. Халқнинг асрий тажрибалари замирида вужудга келган бу жанрга китобда кенг ўрин ажратилган. Бу эса афғон ўзбекларининг бой фольклор хазинасига эга эканлигидан бир далолатдир.

Савр инқилоби совет адабиёти ва адабиётшунослигида ўз бадиий ва илмий ифодасини топмоқда. ЎзССР ФА академиги Воҳид Зоҳидовнинг туркум публицистик мақолалари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг «Чодрали аёл» қиссаси шулар жумласидандир. Айни чоқда ёш тадқиқотчилар — Ҳасан Қудратуллаев, Маъмур Нишонов ва бошқаларнинг мақолалари ҳам матбуотда эълон қилинди. Бу мақолаларнинг баъзиларида «Халқ дурдоналари» тўплами ҳақида фикрлар айтилган.

Шуниси қувончлики, Совет Иттифоқи ва Афғонистон Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги иқтисодий маданий ҳамкорликлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги маданий ҳамкорлик ҳам кундан-кунга ривожланмоқда. Термиз — Хайратон кўпригининг қурилиши бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир.

Айтиш мумкинки, «Халқ дурдоналари» тўплами ҳам Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган адабий робиталардан бири бўлиб қолади.

Шомирза ТУРДИМОВ

[1] Халқ дурдоналари. Тўпловчи, нашрга тайёрловчи, дарий тилига таржима қилувчи ва изоҳлар билан таъминловчи Файзулла Аймоқ. Кобул, 1980.

[1] Музи — хасис

[2] «Ҳаққимнинг ҳаммасини» маъносида.

[3] Завлон — кишан.

[4] Эшилдик — қутулдик.

[5] Бероққинами?— яхшими?

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Альпинистлар кашф этган кўл

Бухарестлик альпинистлар ўзларининг энг қийин Фегэраш тоғ массиви сафаридан қайтиб, чуқур сойликлардан бирида катта кўл борлигини маълум қилдилар. Дастлаб уларнинг маълумотларига географлар ишонмадилар. Чунки Жанубий Карпат харитасида бундай кўл кўрсатилмаган эди. Бунинг устига Европа аллақачон географлар томонидан синчиклаб ўрганилган. Бироқ кейинги аэрофото суратлари альпинистларнинг ҳақлигини исботлади. Ҳақиқатан, денгиз юзасидан 2375 метр баландликда номаълум муз кўли мавжуд эди. У мазкур райондаги энг катта кўл экан. Қаранг, бизнинг замонамизда ҳам географик кашфиёт қилиш мумкин экан. Яна унақа-бунақа оролда эмас, Европадек маданияти юксак саналган қитъада-я!

Шамолнинг иши

Даҳшатли довул ва қуюнлар ернинг сиртқи қатлами чангларини ҳавога кўтариб, уларни узоқ масофаларга олиб кетади. Чунончи, Саҳрои Кабир қумларининг Лондонга бориб қолиш ҳодисаси фанга маълум. Австралиялик географ Франц Герберт ҳар йили Африка қитъасидан учириб кетиладиган чангнинг тахминан қанча тонна эканлигини ЭҲМ ёрдамида аниқлашга киришди. Унинг аниқлашича, рақам ҳаддан зиёд —21 миллиард тонна экан.

Иқлим хосияти

Тибет тоғларининг иқлими шунчалик қуруқки, у ерда мой ҳамда қуритилган хом гўштни салкам бир йил сақлаш мумкин. Бу ерда юқумли касалликлар йўқ эмиш. Чунки касаллик тарқатувчи микроблар қуруқликка ва тоғ қуёшига чидаш беролмайди.

Мия қаримасин десангиз...

Инсоннинг ўттиз ёшидан бошлаб ҳар куни унинг 30—50 минг мия ҳужайраси қуриб, миянинг ўзи ҳажман кичрая боради.

Мияни қаритмаслик учун қаттиқ ўйлаш керак! Ультра товуш ёрдамида турли ёшдаги ва турмуш тарзи хилма-хил кишилар миясининг ўлчамини текширган япон олими Мацузава шундай қарорга келди. У ўз онгини фаол ишлатганлар миясининг ҳажми фақат кексайгандан кейингина сезиларли кичрайишини аниқлади.

ОММАВИЙЛИК УЧУН

Қишиларнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш физкультура ва спортнинг ривожланиши билан чамбарчас боғланган. Москва олимпиадаси совет спортининг ажойиб муваффақиятларини яққол кўрсатиб берди. Лекин бизни фақат спорт чўққиларининг ўзигина эмас, балки энг аввало физкультура ва спортнинг оммавийлиги ҳамиша қизиқтиради. Бу соҳада эришилган муваффақиятлар равшан кўриниб турибди. Лекин ҳалиҳануз спорт кўпчилик учун ёлғиз томоша бўлиб қолаётир. Бу аҳволни тузатиш керак. Физкультура аҳолининг кенг қатламлари ва айниқса, болаларнинг кундалик ҳаётида кенг ўрин олмоғи лозим.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Партия ва ҳукуматимиз кишилар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг жисмонан чиниққан, бақувват бўлиб вояга етишлари учун тинмай ғамхўрлик кўрсатиб келаётирлар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида» (1981 йил, сентябрь) қабул қилган қарори бу соҳадаги ғамхўрликларнинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистонда ҳам физкультура ва спортнинг оммавийлиги учун катта тадбирлар амалга оширияпти. Бу бежиз эмас. Халқ саломатлиги — спортнинг бош рекорди.

Республикамизнинг қатор район ва ҳўжаликларида, жумладан, Наманган областидаги Тўрақўрғон, Фарғона областидаги Киров, Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов районларининг колхоз ва совхозларида, ўрта ва махсус ўқув юртларида, турар жойларида, маҳаллаларида оддий ҳамда замонавий спорт майдончалари барпо этилиб, физкультурачиларнинг оммавийлигига эришилаётир. Айниқса, Қумқўрғон районидаги «Сурхон» совхози, Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникуми, Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхози, Киров районидаги Киров номли совхоз ва бошқа шу сингари хўжаликларда намунавий физкультура коллективлари мавжуд.

Фарғона область, Киров районидаги Киров номли совхозга КПСС XXVI съездининг делегати Ҳамзаали Турдиев бошчилик қилиб келаётир. Хўжалик директорининг суяги пахтачиликда қотган. У бундан бир неча йил муқаддам совхозга раҳбар этиб тайинландию хўжаликда барча соҳалар баравар ривожлана борди. Ҳозирги кунда совхозда шаҳарликлар ҳавас қилса арзийдиган маданият саройи, кинотеатр, савдо шохобчалари, маданий-маиший уйи қишлоқ меҳнаткашлари хизматида. Бундан ташқари у Киров район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Салимжон Марасулов билан фикрлашиб олиб, совхозда спорт комплекси барпо этишга киришди.

Дастлаб комсомол ёшлардан иборат зарбдор бригадалар тузилди. Шанба ва якшанба кунлари бутун қишлоқ аҳолиси ҳашарга чиқди. Қисқа вақт ичида стадион майдони текислатиб чим босилди. Енгил атлетика йўлкалари асфальтланди. Волейбол, баскетбол майдончалари қурилди. Бир йил ўтар-ўтмас стадион территориясида 50 метрлик сузиш ҳавзаси ёшлар ихтиёрига топширилди.

Киров номли совхоз 1981 йилда барча соҳаларда эришган ютуқлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Хўжаликнинг физкультура ва спортчилари ҳам ўз маҳоратларини оширдилар. Хўжалик маблағи ҳисобига болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди. Албатта, бу хайрли ишлар тажрибаси ўрганилса, оммалаштирилса арзийди.

Мазкур хўжаликда спорт комплексини барпо этиш учун 140 минг сўм маблағ сарфланди. Ўтган йили совхоз давлатга 17 минг 100 тоннадан ортиқ пахта сотди. Ҳосилдорлик гектар бошига 37 центнерни ташкил этди. Натижада 9,5 миллиондан ошиқ даромад қилинди. 1 миллион 700 минг сўмлик соф фойда олинди. Даромадга қараб буромад, деганларидек, шу кунларда фойда ҳисобига қишки спорт залига пойдевор қўйилмоқда.

Физкультура ва спортни кенг меҳнаткашлар оммасига сингдириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида Киров районида олиб борилаётган иш 1978 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан ўрганиб чиқилиб, маъқулланган эди. Республика партия ва ҳукуматининг рағбатидан руҳланган районнинг барча хўжалик ва мактабларида физкультура ҳамда барча спорт турлари янада жонлантирилди. Ўтган йили районнинг «Лочин» командаси «Қувноқ стартлар» республика телевизион конкурсида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллаганлиги фикримиз тасдиғидир. Кўрик ғолиблари «Умид стартлари» Бутуниттифоқ мусобақасида ҳам қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Айниқса райондаги Юрий Гагарин номли 10-ўрта мактабнинг физкультура соҳасидаги ишлари диққатга сазовор. Мактабда муҳташам ва ҳар томонлама жиҳозланган спорт комплекси мавжуд. Педагоглар ва ўқувчилар кучи билан бунёд этилган спорт шаҳарчаси киши кўзини қувонтиради. Мактабда ўтган йилнинг ўзида 300 га яқин ГТО комплекси нишондорлари етишиб чиқди.

Кировликлар спортнинг миллий турларини эъзозлаб, унинг оммавийлиги учун курашиб келаётирлар. Ўтган йили Фарғона усулидаги миллий кураш бўйича Киров районидан икки Ўзбекистон ССР спорт мастери етишиб чиқди. Мастерликка номзодлар сафи олти кишига ортди. 20 нафар йигит биринчи разряд олди.

«Бешариқ» совхоз-техникумидаги от спорти клубида ҳозир 300 дан ортиқ ёшлар чавандозлик билан шуғулланмоқдалар, Улар орасидан икки СССР спорт мастери етишиб чиқди. Бу коллективнинг чавандозлари область терма командасининг аъзосидирлар. Клубда тарбияланган «Хром» ва «Разряд» лақабли отлар СССР чемпионати мусобақаларида ҳам қатнашди.

Физкультурани оммалаштириш, спортнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳар вақт район партия комитетининг диққат марказида бўлиб келаётир. Бинобарин, районда бешта типовой стадион, олтита сузиш ҳавзаси, 16 та спорт зали, 34 та мерганлик тирлари, 184 та волейбол, 37 та футбол, 91 та баскетбол ва қўл тўпи майдончалари мавжуд. 150 дан ортиқ дала шийпонларида оддий спорт майдончалари ташкил қилинган. Районда қарийб 30 минг ҳаваскор спортчи 70 та физкультура коллективига бирлашиб, спортнинг 20 тури бўйича машқ ўтказаётир. Айниқса, футбол, волейбол, миллий кураш, енгил атлетика, шахмат-шашка, от спорти бу ерда оммавий тус олган.

Киров районидаги колхоз-совхозларда мусобақалар, ўртоқлик учрашувлари, спартакиадалар, спорт байрамлари мунтазам уюштирилиб турилади. Фақат 1982 йилнинг икки ой давомида колхоз-совхоз спартакиадалари, бир неча марта район мусобақалари ўтказилди. Районда ташкил этилган 6-қишлоқ хотин-қиз ёшлари республика спартакиадаси ҳамда «Оқ олтин» совринии учун қишлоқ футбол командалари республика мусобақалари кенг меҳнаткашлар, айниқса, хотин-қизлар ўртасида физкультура ва спортнинг янада оммалашуви учун муҳим омил бўлди.

Кейинги йилларда районда 7 нафар СССР спорт мастери, 20 дан ортиқ мастерликка номзод, 560 нафар биринчи ва 24 мингдан ортиқ оммавий разрядли спортчилар тайёрланди.

Миллий курашда Ўзбекистон ССР спорт мастерлари Рустам Нажмитдинов, Исомиддин Рўзиқулов, мастерликка номзод Ҳабибулло Бозоров, от спорти бўйича СССР спорт мастери Жўрақўзи Турдиматовлар область, республика мусобақаларида дадил қатнашиб, фахрли ўринларни эгалламоқдалар.

Шоабдулла МУҲАММАДЖОНОВ

ТОҒ АРЧАСИ

В. Таран фотоси

ТОШКЕНТНИНГ ЎН ИККИ ДАРВОЗАСИ

Қадимдан Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўрта Осиёда йирик марказий шаҳарлар қўрғон билан ўраб олинганлиги, уларнинг бир неча дарвозаси бўлганлиги ҳаммага аён. Шунга кўра қадимий ва навқирон шаҳримиз Тошкент ҳам ўтган асрларда ўзининг мустаҳкам қўрғонига эга бўлган, дарвозалар эса, махсус номлар билан аталган. Лекин шаҳримиз ўзининг 2000 йиллик тараққиёти даврида жуда кўп тарихий воқеаларни бошидан кечирди.

Тошкент ўз тарихида неча бор тикланиб, неча бор вайрон этилди. Масалан, VIII асрда Ўрта Осиёга араб босқинчилари бостириб кирди. Араб халифалиги томонидан Қутайба ибн Муслим бутун Хуросон музофотига ҳоким қилиб тайинланди. Ўрта Осиёнинг талай шаҳар ва қишлоқларини босиб олган Қутайба 713—715 йилларда Шош (Тошкент)ни истило қилади. Қутайбанинг фармони билан шаҳар вайронага айланади.

Қутайба ҳужуми пайтида Тошкент шаҳри Салор бўйида жойлашган бўлиб, ўша кезларда шаҳар бирмунча юксалиш палласига кирган эди. Салор бўйидаги бу шаҳар аҳолиси урушлару вайронагарчиликлар туфайли аста-секин Бўзсув (Анҳор атрофи)га кўчиб кела бошлайди. Натижада, VIII асрнинг охири IX асрнинг бошларига келиб Бўзсув бўйи кенгайиб, гавжум шаҳар тусини олади.

Ўтмишдаги тарих китобларида, жумладан, муаррих Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкандийнинг «Тарихи жадиди Тошкент» («Янги Тошкент тарихи») номли китобида ҳамда бошқа тарихий манбаларда қайд этилишича, IX аср бошларида Бўзсув бўйида жойлашган янги Тошкент шаҳарчаси марказида бозор ҳамда расталар барпо этилган ва уларнинг атрофи қўрғон билан қуршаб олинган. Таҳминан ҳозирги Чорсу (Йўлдош Охунбобоев номидаги майдон), Комсомол кўли майдони ва унинг атрофлари Тошкент шаҳрининг маркази ҳисобланган. Кейинчалик шаҳарни мудофаа қилиш мақсадида аҳоли зич жойлашган территория ҳам сиртдан иккинчи мудофаа девори билан ўралган. Лекин шаҳар теварагига айлантириб девор урилган бўлса ҳам, ташқи олам билан алоқа узилмаган, савдо-сотиқ ва карвон алоқалари мунтазам давом этиб турган. Шаҳарнинг турли савдо-карвон йўллари кесиб ўтган жойларда махсус дарвозалар қурилган. Араблар вайрон этгунча Тошкентда қанча дарвоза бўлганлиги номаълум. Аммо тарихий манбаларда қайд этилишича, араб халифалиги ҳукмронлиги емирилгандан кейин Тошкентда дастлабки дарвозалар IX асрнинг бошларида дастлаб Бўзсув — Анҳор бўйларида вужудга келган. Афсуски, XII асрда шаҳар ва унинг дарвозалари Хоразмшоҳ томонидан вайрон этилади. Кейинчалик яна қайтадан тикланади...

Ўрта Осиёда дарвозаларнинг сони шаҳарнинг катта-кичиклигига қараб турли даврларда турлича қурилган. Чунончи, Бухоронинг ўн икки дарвозаси, XVIII—XIX асрларда Тошкентнинг ўн икки дарвозаси бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бу дарвозаларга келадиган йўллар ҳам дарвоза номи билан аталган. Лекин минг афсуски, Тошкентда Самарқанд, Кўкча, Сағбон, Чиғатой, Тахтапул, Қашқар, Бешёғоч, Кўқон, Лабзак, Камолон, Қорасарой каби дарвозаларнинг фақат номларигина сақланиб қолган, холос...

Улуғ Октябрь революциясидан кейин партия ва ҳукуматимиз томонидан мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмир этиш, уларни ўтмиш ёдгорлиги сифатида сақлаш борасида катта амалий тадбирлар белгиланди. 1931 йилдан Ўзбекистон республикаплан Комиссияси президиумининг аъзоси лавозимида иш бошлаган ленинчи кекса большевик Низомиддин Хўжаев республикамиздаги тарихий ёдгорликлар ва қадимий обидаларни сақлаш ҳамда уларни таъмир этишда зўр фаолият кўрсатди. Бу соҳада 1932 йилдан Ўзбекистон республикаси тарихий ёдгорликларини ва санъатини сақлаш комитети раиси, 1933 йилдан эса СССР Марказий Ижроия комитети ҳузуридаги Бутуниттифоқ гражданлар уруши ва Қизил Армия обидаларини сақлаш комитети аъзоси бўлган Файзулла Хўжаевнинг ҳам хизматлари катта. Республикамизнинг партия ва ҳукумат раҳбарлари Файзулла Хўжаев ҳамда Йўлдош Охунбоевларнинг бевосита маслаҳатлари билан диёримизда тарихий ва Қизил қўшин обидаларини тузатиш ва тиклашда талай қимматли ташаббуслар амалга оширилди. Натижада гўзал Тошкентимиздаги Бароқхон, Кўкалдош, Хўжа Аҳрор, Юнусхон мадрасалари ҳамда Масжиди Жоме обидалари таъмир этилди ва тикланди. Шунингдек, Қорақамишдаги Хотин кўприк ва бошқа тарихий обидалар қайта барпо этилди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаевнинг ташаббуси ва ташкилотчилиги остида Самарқанд, Бухоро, Хева, Шаҳрисабз, Қўқон шаҳарларидаги тарихий ёдгорликлар давлат назоратига ўтказилди. Шу орада Тошкентнинг 12 дарвозасининг 12 калити ҳақидаги маълумотлар ҳам аниқланди. Маълумки, Тошкент шаҳри Чор Россияси томонидан қўшиб олинганда, шаҳар дарвозаларининг калитлари Москвага олиб кетилган эди. Шунга кўра инқилобдан кейинги дастлабки йилларда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Файзулла Хўжаев Низомиддин Хўжаевга мамлакатимиз пойтахти Москва музейларидан Тошкент шаҳри ўн икки дарвозасининг ўн икки калитини суриштириб кўришни топширади. Пойтахт — Москвага махсус жўнатилган Низомиддин Хўжаев анча кидирув, изланишлар натижасида қўлга киритилган ўн икки калитни ҳукумат раҳбарига келтириб топширади.

Биз гўзал Тошкентимизнинг ўн икки дарвозасининг ўн икки тилла калити тарихини билишга қизиқдик. Тошкентдаги Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейида калитларнинг нусхалари (асли Давлат банкида сақланар экан) тартиб билан териб қўйилибди. Бу капитларнинг ҳар бири, яъни қадимий Тошкентнинг ҳар бир дарвозаси хусусида тарихчиларимиз алоҳида-алоҳида рисолалар ёзишса арзийди.

Мажид ҲАСАНОВ

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

НОМСИЗ БАЛИҚ

Мана бу расмга бир қаранг-а. Шу ёқимтой балиқча тирик жонзотлар ҳақидаги китобларда ёки бирор илмий каталогда қайд этилмаган. Ҳатто ҳозирча унга ном ҳам ўйлаб топилгани йўқ. Спелеолог-ғоршунослар номаълум ғор балиғини Туркманистон республикасининг жанубидаги ер ости дарёсидан топдилар. Ғор балиғининг бир нечтаси Москвага келтирилиб, СССР Фанлар академияси Ҳайвонлар экологияси ва эволюцион морфологияси институтига текшириш учун юборилди. Унча катта бўлмаган қизғиш мармар балиқча бурни билан аквариум ойнасини туртарди. Ер ости



оламида яшовчи бу жонивор ўзини сувда тетик тутар эди.

— Бизнинг асримизда биология бўйича бунақа кашфиёт камдан-кам содир бўлади,— деб изоҳ беради институт ходими С. Смирнов.— Йирик сутэмизувчилар деярли бутунлай кашф этилган. Аммо балиқлар ҳамон кутилмаган мўъжизавий туҳфалар келтириб турадилар. Бу нарса ер ости дарёларини ўрганиш нисбатан яқинда бошлангани билан изоҳланади. Бу янги тур балиқларнинг қаердан бошланиб, қаерда тугашини ҳозирча тасаввур қилиш қийин. Мексика, Куба, Ироқда ғор балиқларининг кашф этилиши эса, уларнинг яшашга қобил эканлигини кўрсатди.

Ўтган йили бундай балиқ турлари бизнинг Ватанимизда Кўҳитанг тоғи ғорларидан бирида ер ости дарёсида, 20 метр чуқурликда топилди. Янги турни кўпайтиришга ҳаракат қилинаётир. Бу иш билан СССР Фанлар академияси Океанология институти ходимларидан бири О. Топорков шуғулланяпти.

— Ғор балиғини кўпайтиришнинг мураккаблиги биринчидан, шундаки,— дейди у.— Уларнинг нима билан озиқланиши бизга қоронғи. Иккинчидан, улар яшайдиган ер ости дарё сувлари кимёвий таркибининг ўзига хослигидир... Аквалангчилар Москва олимларига бир неча литр ер ости сувини келтирдилар. Кўҳитанг тоғи ғори биологик ва спелеологик қўриқхона сифатида давлат назоратига олинса кўнгилдагидек бўлар эди. Чунки ғор балиқлари тирик жонзотлар оламининг камёб турига киради. Уларнинг ғор дарёларида қанча эканлиги ҳозирча маълум эмас. У ерда балиқларнинг яна янги турлари мавжудлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Кўҳитанг тоғи ғорларини шу йил куздан бошлаб текшириш мўлжалланган. Океанология институти экспедицияси бунга узил-кесил жавоб беради.

Илонлар кўргазмаси

Бундан бир неча ой муқаддам Деҳлидаги табиатшунослик музейида ғайри табиий кўргазма очилди. Улкан симтўрларда ва шишадан ясалган хоналарда Ҳиндистонда ҳаёт кечирадиган юзлаб илонлар ва бошқа судралиб юрувчилар жойлаштирилган эди. Кўргазманинг мақсади томошабинларни ўрмаловчи жониворлар билан таништириш, улар билан боғлиқ бўлган ваҳималигаплларга барҳам бериш ва бунақа жониворларнинг инсонларга қанақа хавф туғдириши ҳақида ҳикоя қилиб беришдан иборатдир. Маълумки, Ҳиндистонда ҳар йили 20 мингдан 30 минггача одам илон заҳаридан ҳалок бўлади. Бундай ҳодисалар жойларда керакли дори-дармонлар йўқлигидангина эмас, заҳардан сақланишни билмаслик оқибатида ҳам содир бўлаётир.

Кўргазмада илонларнинг фойдаси тўғрисида ҳам сўзлаб берилаётир. Илонлар асосан далалардаги ва омборлардаги донинг 20 фоизидан 50 фоизигача йўқотадиган кемирувчи зараркунандаларни овлаб ҳаёт кечирадилар. Шу нарса ҳам яхши маълумки, илон заҳри фармацевтика ва илмий-тадқиқот ишлари учун бебаҳо ҳом ашёдир. Ҳиндистонда илон заҳарини кўп миқдорда йиғиш ва бошқа мамлакатларга экспорт қилиш мумкин.

Ғалати дельфин

Ҳиндистон дарёларида ғужғон ўйнаб юрган ҳинд дельфинлари кейинги вақтларда кескин камайиб кетди. Чучук сувда яшовчи дельфинларнинг бу тури Ҳинд дарёсида ҳозирги пайтда 200 тадан камроқ қолганлиги ҳисоблаб чиқилди. У бутунлай кўрмайди — туғма кўрдир. Кўз ўрнида эҳолот (денгиз тубини ўлчовчи асбоб)симон ҳаракат қиладиган товуш рецепторлари ишлайди. Суратда ана шу ноёб жониворни кўриб турибсиз. Унинг мазкур сурати «Эйшаунк» журналидан олинди.

ШИФОСИ ЎЗИДА

Анвар САИДУМАРОВ

ТОШМАТ ака эрталаб велосипедда колхоз касалхонаси томон йўл олди. Беморга олиб борилаётган тугунча велосипед рулида эди. У касалхона ҳовлисида навбатчи врачга рўпара келди.

— Дўхтир ўғлим, сизга икки оғиз гапим бор эди.

— Майли, отахон,— деди навбатчи врач.— Қани, ичкарига юринг.

Тошмат ака велосипедни эшик олдида деворга суяб, тугунчани қўлига олди-да врач ортидан кабинетга кирди. У бемор Шермат аканинг соғлиғини сўради. Врач Шермат аканинг касаллик тарихини тортмасидан олиб очди-да:

— Шермат аканинг бизда учинчи марта даволаниши,— деди ўйланқираб.— Икки йил ичида уч марта... Қон босими ошмаган, ўпкаси тоза, юракка келсак... Очиғини айтсам, ортиқча семириш оқибатида у кишининг юрагини ёғ босган. Шунинг натижасида ҳолсизланаверади ва тез чарчайди... Давоси бор албатта. Лекин у кишини унатиш қийин... Бу касалликнинг энг яхши давоси гимнастика ва совуқ ваннадир. Дўстингиз кўпроқ очиқ ҳавода пиёда юришлари керак, эртадан кечгача идорада ўтириб чўт қоққанлари қоққан. Колхоз идораси билан уйларининг ораси икки чақирим келмайди, шу арзимас масофага ҳам машинада борадилар. Менинг маслаҳатимга кирсалар, ортиқча семиртирадиган таомдан кам истеъмол қилишлари керак. Бир оз нафсиларини тийсалар, саломатликлари яхши бўлиб кетади. Сиз тенгқурсиз, тушунтириб қўйинг.

Тошмат ака дўстининг касали оғир эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, врачга раҳмат айтди-да, ҳамширадан халат олиб Шермат ака ётган палатага кирди. Шермат ака уни кўриб инқиллаб-синқиллаб аранг ўрнидан туриб ўтирди.

— Безовта бўлма, ўзингни уринтириб қўясан,— деди дўстини юпатгансимон Тошмат ака.

— Вой жоним-ей, қийналиб кетдим. Қувват йўқ, ётавериш жонимга тегди. Укол олавериб ёнбошим тешилиб кетди. Уйдан келган таомлардан тамадди қилишга рухсат беришмаяпти. Кўриб турибсан, аранг ўрнимдан туриб ўтирдим. Уйга кетмасам бўлмайдиганга ўхшайди,— деди Шермат ака инграниб.

— Дангалроқ гапирсам хафа бўлмайсанми, Шермат?.. Очиғи, сенинг қувватинг ҳам яхши. Соғлиғинг ҳам яхши. Дўстим, сен билан мен тенгқурмиз. Агар маслаҳатимга юрсанг, отдай бўлиб кетасан. Фақат руҳан тушма, ҳадеб: «Касалим оғир», деб ваҳима қилаверма. Врач билан суҳбатлашдим. Ўзингни ўзинг касал қилгансан,— деди Тошмат ака...

...Шермат аканинг шаҳарда бухгалтерлар курсини битириб келганига чорак аср бўлди. Шундан бери колхоз идорасидан чиқмайди. Тошмат ака у пайтлари далада кетмон чопарди. Ун йил бўлдики, трактор паркида пайвандчи бўлиб ишлаб келмоқда. У ёшлигидан велосипед миниб юришга ўрганган. Аввалари Шермат ака доим ундан куларди:

— Намунча велосипедга ёпишиб олмасанг? Ёшлигингда майли эди... Энди келин-куёвлик бўлиб ҳам шу шайтон аравани ташламадинг-ташламадинг-де...— дерди у дўстининг устидан кулиб.— Ўзингни бир ойнада кўр, тарашадай қотмасан. Эркак киши ёши улғайгандан кейин сал савлатли бўлиши керак-да. Мана, менга қара, ярмимсан-а... Ўлгидай зиқнасан, овқат ейсанми, йўқми? Мен билан бир кунда «ГАЗ-21» олгансан, камина бу орада бунақа машинадан иккитасини эскиртирди, сеники эса ҳали ҳам янгидай турибди. Ундан фойдаланишни билмайсан. Ёзда: «Чанг бўлади», қишда: «Лой бўлади», «Юрсам бензин кетади», «мотор ишдан чиқади»,— деб жойидан қўзғатмайсан. Дунёга икки марта келмоқчимисан, мен маза қилиб айшимни суриб юрибман. Бир қадам ҳам пиёда юриш йўқ.

— Оғзингга сиққанича гапиравер,— дея унга жавоб берарди Тошмат ака.— Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Ҳар ким ўзи учун ўзи врач, шифокор. Мени зиқналикда айбламай қўяқол, велосипед минсам, ўзимнинг саломатлигимга фойда. Йиллар ҳам ўтар, сўнг шу гапларингга ўзинг пушаймон ҳам бўларсан.

Мана, орадан бир неча йиллар ўтиб кетди. Тенгқурлари ўша ҳазилнамо гапларни эсладилар шекилли, иккаласининг юзида ҳам майин жилмайиш зоҳир бўлди.

— Бирон муҳим гапинг борга ўхшайди менга, сезиб турибман,— деди Шермат ака.

— Йўқ, уйга борганингдан сўнг, ўтириб бафуржа гаплашамиз,— деди Тошмат ака.

Шермат ака, дўстига берган дашномлари эсига тушиб, ўзидан ўзи қизариб кетди. Бир дақиқа улар жим қолишди.

Тошмат тугунчани узатиб:

— Сен суйган таом — хоним олиб келган эдим, мен борай,— деди-да ўрнидан турди.

Шермат ака уни кузатиб эшиккача чиқди. Шу пайт деворга суяб қўйилган велосипедни кўрди-ю:

— Мендан ўтган бўлса кечир, Тошмат, хом сут эмган банда эканман,— деди.— Сен чиндан ҳам ўзингга ўзинг врач экансан, яхши шифокор экансан...

Тошмат ака хайрлашиб, велосипедга ўтириб катта асфальт йўлнинг чеккасидан бир маромда кетар экан, Шерматга битта велосипед совға қиламан, деган гапни кўнглига тугиб қўйди.

Расмни А. Холиқов чизган

ТУРМУШ ЭСТЕТИКАСИ

Коммунистик партия жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг таркибий қисмларидан бири — халқ турмушининг моддий ва маънавий жабҳаларини юксалтиришдир, деб таълим беради. «Шу нарса равшанки,— деган эди Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида,— одамлар ўзларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаётган жойда яхшироқ, астойдил меҳнат қиладилар. Завод, ферма — бу ҳам бир уй бўлиб, одам умрининг камида учдан бир қисмини шу ерда ўтказади. Бинобарин, бу ерда ҳамма нарса — иш жойидан тортиб маиший хизмат корхоналарию ошхоналаргача қулай замонавий бўлиши керак». Зеро, мамлакатимизда «ҳамма табақадаги меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ўсибгина қолмай, айни бир пайтда бир-бирига яқинлашмоқда ҳам».

Дарҳақиқат, ривожланган социализм шароитида кишилар фаолияти элементларидан таркиб топган совет турмуш тарзининг мазмуни ва моҳиятида янги бир теран ҳодиса зуҳур бўлмоқда. Яъни, жисмоний ва ақлий меҳнат, шаҳар ва қишлоқ тафовути тобора барҳам топаётир. Кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг шакллари, усуллари такомиллашаётир. «Социалистик турмуш тарзи,— деган эди Ш. Р. Рашидов «Социалистик турмуш тарзи ва миллий онг» мақоласида,— социалистик борлиқ, социалистик ижтимоий муносабатларнинг энг асосий белгилари, жами кишилар, социал группалар, умуман, моддий ва маънавий турмуш фаолияти формаларининг, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ана шу турмуш фаолиятининг конкрет шароитлари билан мустаҳкам боғлиқ бўлган формаларнинг жамулжамидир». Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII ва XIV Пленумлари қишлоқда турмуш ва маданиятни юксалтиришга қаратилди. Пленум қарорлари изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилди ва этилаётир. Айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозларида хутор систамасини тугатиш ва капитал қурилишни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиққанидан кейин кўпгина қишлоқларимиз тубдан ўзгарди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Хоразм, Фарғона, Сирдарё ва бошқа областлардаги майда, тарқоқ қишлоқлар ўрнига бош план асосида қурилган замонавий янги посёлкалар майдонга келди. Қишлоқларимизда муҳташам маданият муассасалари — клублар, маданият саройлари, кутубхоналар, кинотеатрлар ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйлари қад кўтарди. Ҳозир республикамизнинг районларида, колхоз-совхозларида уч мингдан ортиқ клуб ҳамда маданият муассасалари, юзлаб кутубхоналар бор. Халқ театри, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг маҳорати кун сайин ошиб бормоқда. Бинобарин, ўнлаб бадиий коллективлар халқ театри ва халқ ансамбли деган шарафли ном олишга эришдилар. Ҳар йили ўтказилаётган ашула байрамлари, фестивеллар, конкурслар бадиий ҳаваскорлик учун маҳорат синови бўлаётир. Бу омиллар қишлоқ билан шаҳар орасидаги тафовутларни йўқотиш гаровидир. Айниқса, бу соҳада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов раислигида тузилган аҳоли турмуш маданиятини ошириш республика кенгаши олиб бораётган ишлар алоҳида аҳамиятга молликдир.

Сўнгги йиллар мобайнида уй-жой ва маданий-маиший қурилиш суръатлари ҳамда ҳажми кескин равишда ўсди. Қишлоқ жойларида кўпгина мактаблар, болалар муассасалари, касалхоналар, маданият муассасалари, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, спорт иншоотлари бирин-кетин фойдаланишга топширилаётир. Уй-жойларни газ билан таъминлаш, йўллар қуриш, қишлоқларни ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Аҳоли пунктларини электрлаштириш ва



2-Янги Ангрен ГРЭСи қурилиши тобора кенг қулоч ёймоқда. Бу ерда ҳозиргача ҳар қайси 300 минг киловатт қувватга эга бўлган тўртта энергия блоки жойлашадиган асосий корпус пойдеворига бетон ётқизилди. Шунингдек, тутун кўтариладиган қувур, сувнинг тузини тутиб қоладиган улкан элак, қозонга сув оқадиган 25 метрли канал қурилиши ва бошқа ишлар қизғин бораётир.

Суратларда: 1. Элак қурилишининг умумий кўриниши. 2. Пайвандлаш мастери В. Мильченко (ўнгда) ва монтажчи Р. Раҳматуллин қурилишда алоҳида ишчанлик кўрсатмоқдалар.

В. БАСКАКОВ фотолари

радиолаштириш тугалланди. Республикадаги қарийб бутун аҳоли телевидение кўрсатувларидан баҳраманд.

Меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини яхшилашда, жумладан, эстетик тарбияни ўстиришда халқ бадиий ҳаваскорлик ижодиёти муҳим омиллардан биридир. Партия ва ҳукуматимиз шу сабабдан бу соҳага алоҳида эътибор бераётир. Бинобарин, КПСС Марказий Комитетининг «Бадиий ҳаваскорлик ижодиётини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори маданиятимизни янада ривожлантиришнинг кенг истиқбол йўлларини очиб берди. Бу қарорлар ва ижро этилаётган ишлар мамлакатимизда халқ ижодиёти кундан-кунга гуллаб-яшнаётганлигининг тасдиғидир. Чунончи, биргина республикамизда 14 мингдан ортиқ кутубхона, 3 минг 700 дан зиёд клуб ва маданият муассасалари мавжуд. Уларнинг таркибида етти мингдан ортиқ бадиий ҳаваскорлик коллективлари ишлаб турибди. Ўтказилаётган фестивеллар, кўрик-конкурслар, ашула байрамлари халқ оммаси ичидан янги-янги талантлар етишиб чиқаётганлигини кўрсатмоқда.

Республикамиздаги халқ бадиий ҳаваскорлигининг эришган муваффақиятлари кишини қувонтиради. Масалан, Қува районидаги «Анор» ашула ва рақс ансамбли чет элда ўтказилган Жаҳон халқлари фольклори кўригида қатнашиб, унинг ғолиби бўлди. Ю. Гагарин номидаги Тошкент Тўқимачилар маданият саройининг бадиий ҳаваскорлик коллективи Венгрия Халқ Республикасида ўтказилган конкурсда иштирок этиб «Олтин бошмоқ» бош совриннини қўлга киритди.

Илғор қишлоқ клублари учун энг муҳим ташкилотчилик хусусияти — давр билан бирга қадам ташлаш Жиззах область Мирзачўл районидаги қарийб барча клубларда мавжуд. Клуб ишлари яхши бўлса, қишлоқ аҳолисининг дам олиши, уларнинг дунёқараши, меҳнат активлиги янада яхшиланиши шубҳасиз. Чунки улар ўзларининг эстетик дунёқарашларини шу клубларда ўтказиладиган маданий-тарбиявий тадбирлар орқали шакллантирадилар. Бунга «Ферганаводстрой» трестига қарашли «Целинник» клубининг меҳнаткашларни эстетик руҳда тарбиялашдаги ташкилотчилик ишларини намуна сифатида мисол келтириш мумкин. Чиндан ҳам у ерда тарбиявий эстетик ишларнинг турли формалари ишлаб турибди. Клуб ҳузурида ташкил этилган «Ёшлик» ансамбли қўрик ер меҳнаткашларининг энг яқин ҳамроҳидир. Ансамблда 200 дан ортиқ хилма-хил соҳа кишилари қатнашиб, улар Марказий Фарғонанинг қўрик хўжаликларида, мактаб, корхона ва клубларида ўз маҳоратларини намойиш этган концертлар орқали меҳнаткашлар қалбига завқ-шавқ бағишлаётир.

Клубга кекса ҳам, ёш ҳам келади. Уларнинг баъзилари фан ва техника ютуқлари билан танишишни, бошқа бирлари актуал мавзуда лекция тинглашни, яна бирлари дискотекада рақс тушишни, бошқа биров эса мольберт ёнида машқ қилишни ёки суратга олинган кино сюжетини ўртоқлари билан муҳокама қилишни хоҳлайди. Чуқур, атрофлича профессионал билимларни ўзлаштирмасдан туриб, энг муҳими эса, ташкилотчилик қобилиятини эгалламасдан туриб, клубга келувчи ҳар бир кишининг бўш вақтини фойдали ўтказишга шароит яратиб бўлмайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, айрим қишлоқ клуб ва кутубхоналари давр талабига, кишиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларига тўла жавоб беролмайди. Улар эски, кўримсиз, бефайз биноларга жойлашган. Мазкур маданият муассасаларида сиёсий-оммавий, маданий тадбирлар ҳам хўжакўрсинга ўтказилади, колхоз ишлаб чиқариши, фан-техника янгиликлари билан узвий боғланмайди. Бу ҳол у ёки бу маданий тадбирнинг қадрини, таъсирчанлигини ва самарадорлигини сусайтираётир. Бир қатор жойларда ахлоқий ва эстетик билимларни пропаганда қилиш яхши йўлга қўйилмаган. Бу ерларда дала меҳнаткашларининг турмуш маданияти қишлоқ ишлаб чиқаришидан орқада қолаётганлиги мана шу нуқсонлар оқибатидир.

Юксак турмуш маданияти учун кураш — аввало янги инсон учун, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун кураш, демакдир. Барча эскилик сарқитларини турмушдан, оилавий муносабатларнинг ҳамма соҳаларидан сиқиб чиқариш, халқимизнинг энг яхши анъаналарини ривожлантириш ва янги, социалистик анъана ва маросимларни қарор топтириш учун, совет кишилари турмушига коммунистик муносабатларни сингдириш учун кураш маънавий маданиятимизни оширади.

Ғулом ҒАФУРОВ.

Тошкент Давлат Маданият институти маданий оқартув ишлари тарихи ва назарияси кафедраси доценти

Аббос МУҲИДДИН

ОЖИЗЛИК

ҲАЖВИЯ

Карим ҳам инженер, Салим ҳам. Исмлари, касб-корлари каби кўринишлари ҳам бир-бирига монанд: иккалалари ҳам новчадан келган — тик қоматли, сариқмағиз, бароқ қошлари қундуздек қоп-қора...

— Турқимиз тўлиқ ўхшамай қолишига Карим ошнам сабабчи,— деб жилмаяди гоҳо Салим, ўртоғининг ўзидан бир ой илгари туғилганига шама қилиб,— тезроқ ёруғ жаҳонни кўрай деб шошилган-да жўрам.

Аммо уларнинг кўринишидагина эмас, хулқида ҳам фарқ бор. Карим бир оз пучуқроқ, Салим эса қирғийбурун. Салим ёшига ярашмаган ҳолда модний кийинib, виқор билан юради. Карим озода кийинади-ю, аммо дўстига ўхшаб хорижий кийимкечакка муккасидан кетмайди.

Бундан ташқари, Салим «оғзи билан ўроқ ўрадиган»лар тоифасидан. Гўё у билмаган гап, у қилолмайдиган иш йўқ, жаҳонда. Коллектив ўртасида сиёсат сўқадиган, эски урф-одатларнинг зарари ҳақида оғиз кўпиртириб кўп гапирадиган ҳам шу — Салим. Тортинчоқ, камгап Карим бўлса, дилидагини дангал айтгани ийманади, мабодо мажлисда музокарага чиқса, қоғозга битилган сўзларини ўқиб беради, холос. Ҳаваскорлар театрида найрангбоз, нўноқ табиб ролини қотириб ўйнаган ҳам Салим. Унга алданиб бор буд-шудидан ажралган содда ихлосманд Карим. Унинг колхозлараро қурилиш ташкилотидан бошқармага ишга келганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Лекин шу вақт ичида Салим иккаласи худди эски қадрдонлардек бўлиб кетишди. Бошқармадагиларнинг таърифлашича, ораларидан қил ҳам ўтмайди. Аммо бир воқеадан кейин уларнинг орасидан фил ҳам бемалол ўтадиган бўлиб қолди.

Шафтоли ғарқ пишган пайт. Карим ишхонага ўн дона заргалдоқ шафтоли олиб келди. Катта-катта, сап-сариқ, тарам-тарам қизарган шафтолиларни кўрган Салим жилмайди:

— Э-ҳе, бу роҳатижонлар қаерда битган?

— Участкамда,— деди Карим ғурур билан,— ўзим экканман.

— Зўр-ку,— Салим ғалати қараш қилди,— таги мўлроқми?

— Мўл,— деди Карим,— олинг, еб кўринг. Салим эса: «Йўқ, ўзингиз олаверинг, менга мумкин эмас», деб ғилай кўзини қисиб қўйди. Кейин ажабланган ошнасига, антиқа шафтолиларга қараб сўради:

— Менга қаранг дўстим, шундан бир челагини менга сотмайсизми?

— Ундай деманг-е, уят бўлади. Текинга олишингиз мумкин. Олиб келайми?

Салим кулимсираб чап кўзини қисди:

— Эртага кечқурун уйимга олиб боринг, гап бор.

Карим: «Қандай гап?», деб суриштирмадию, ошнаси хонадан чиқиши билан ўйланиб қолди. «Нега кулимсираб кўзини қисаверади-я?..»

Эртасига, қуёш ғарбга ёнбошлаган пайтда, икки челак шафтоли олиб келган Карим ҳанг-манг бўлиб қолди. Салимнинг чорси, кенг ҳовлисида тайёргарлик зўр. Бир чеккада, темир бочкадан ясалган қўшалоқ ўчоқ устидаги катта қозонларда анвои овқатлар тайёрланмоқда. Олдига этак тутиб олган бир олифта йигит «эллик чойнакли» улкан савоварни қайнатиб, чой дамлашга шайланиб турибди. Бўйи саккиз метрли, оинавандли айвондаги узун столга гулдор дастурхон ёзилган. Унда олма, анор, узум, ҳандон писта, бодом, пиёлаларда қаймоқ, нишолдалар... Нон, сомса, юпқа, чучваралар тоғдай уюлган. Стол атрофидаги атлас кўрпачаларда ёнма-ён, чордана қуриб, қўл қовуштириб ўтирганлар қулт-қулт ютиниб, ўзларини чакана гаплар билан овутишмоқда.

— Ия, ифтор шекилли,— деган фикр Каримнинг дилидан ўтди,— э, қойилман, кеча рўза бўлгани учун шафтолини емаган экан-да, ошнам.

Эшикдан шошилиб, икки коса сув олиб кирган йигит: «Вақт бўлди», деди. Косалар олдин тўрдаги, кўк мовут чакмонли икки кишига узатилди. Улар тумов эчки маърашидек хирқи овоз билан узунгина дуо ўқиб, сувдан бир-бир ҳўплашгач, косалар икки томондан қўлма-қўл ўтиб келаверди. «Оғзи очилган»лар очкўзлик билан дастурхонга қўл чўзишаверди. Меҳмонлар танлаб ўтирмай, дуч келган таомни шапиллатиб ейишга киришдилар. Дастёрлар чинни тақсимчаларда устига қази яприқлаб қўйилган норин келтира бошлашди.

— Бир оворадан,— деди эшик олдида пайдо бўлган Салим. «Оғзи очилган»лар энди олдиларига қўйилган норинга «ҳужум» бошлашди, дақага кирган қуртдек шипиллатиб, бир зумда идишларни бўшатишди. Шундан кейин пахта гулли косаларда мастава тортилди.

Карим секингина айвонга, кейин ҳовлига чиқиб жўнавормоқчи эди, бўлмади. Ҳовли ўртасидаги думалоқ стол атрофида ўтирган ёшлардан бири пилдираб келиб, уни зўрлаб, бошқа даврага олиб борди. Ўтириши билан унга пиёла узатишди. Карим чой деб олиб, «ия» деб юборазёзди, коньяк экан.

— У ёқда ифтор, намозхонлик, бу ёқда коньякхўрлик, э, қойилман, ошнам,— деб қўйди ўзича Карим. Салим ичкаридан чиқиб Каримнинг ёнига чўкдию соқий узатган пиёла тўла коньякни сувдек ичиб юборди.

— Манти тайёр, нима қилай?— деб сўради ошпаз.

— Сузаверинг, ҳар косага тўрттадан. Ҳа, боя айтганимдек, битта идишга ўн-ўн бешта манти солиб, устига еттита ён ёпиб, тугиб қўйил-син,— деб дастёрга ҳам шу қўйди Салим.

Мантилар ейилиб, косалар олиб чиқилиши билан Салим: «Ҳозир қуръон бошланади», деб айвонга кетди. Маросим тугагач, ҳаммадан бурун ҳовлига тушиб шанғиллади:

— Ҳў, Шермат, олиб кел боягиларни!

Таниш йигит бир қучоқ чопон кўтариб келди. Бир мўйсафид ўртага тушди. Салим унинг қулоғига шивирлаши билан мўйсафид одамларни номма-ном чақириб, устларига беқасам тўн ёпаверди. Бир зумда ўн бир кишига чопон, коньякхўрларнинг бирига пальто, бирига макинтош кийдирилди. Меҳмонлар кекиришиб уйларига тарқалишди.

Эртасига идорага келганда Салим: «Билдирмай, челакларингизни ҳам олмай кетиб қолибсиз-а», деб гина қилиш ўрнига яна жилмайиб, кўзини қисиб қўяқолди. Буниси негадир Каримга алам қилди. Илгаригидек бу кўз қисишларни: «Менга ишонавер, ошна, кейин қойил қоласан» деган маънода тушунарди. Энди назарида: «Ҳў, ландавур, жонингдан умидинг бўлса, айтганимни қил, хашагимни очаман, деб овора бўлма! Бировга ғинг десанг, ҳолингга вой! Гулдурғуп!», дегандек туюлди. Карим алам билан: «Ҳа, муттаҳам, кўз қисиш, кулимсираш иккиюзламачиликни бекитадиган ниқоб экан-да», деб дилидан ўтказди. Аммо, ҳеч кимга чурқ этмай, ўз ўтига куйиб юраверди.

Шу куни бошқармадаги партия мажлисида именина деб пайғамбар оши берган бир кишининг алдамчилиги қораланди. Биринчи бўлиб сўзга чиққан Салим уни замонга мослашолмаётган, калтабин, қолоқ деб роса пахтасавар қилди. Жойига ўтираётганда эса Каримга қараб яна кўзини қисиб қўйди. Шунда Карим дилида: «Ҳў, инсон! Сендақа лоқайд, муросачилар туфайли Салимдақа беорлар бемалол тилёламачилик қилиб юрибди-ку. Лалайиб ўтираверма! Олдин ўзингга боқ, сўнг ноғора қоқ, дегин. Замонга мослашмай, алдамчилик, иккиюзламачилик қилиб юрган ўзинг-ку, десанг-чи!», деган хитоб эшитилди. У ғижиниб, ўтирган ўрнида қимирлаб қўйдию, қалб амрини бажаролмади, яна иродасизлик, ожизлик қилди.

Рауф ТОЛИБ

Июнь келди, ёз келди

Июнь келди, ёз келди,
Олам чарақлаб кулди.
Тонг отди гўзал, оппоқ
Қўшиққа тўлди ҳар ёқ.
Борлиқ — чаман, ясанган,
Худди биздай яшарган.
Биз бахтли ўғил-қизлар,
Ердаги ой-юлдузлар.
Бугун июнь, ёз боши,
Бахтимиз — ёз қуёши.
Бизники гулгун Ватан,
Чамандай кулган Ватан.
Келажакнинг эгаси,
Биз дунёнинг меваси.
Ёз очар сахий қучоқ,
Кутар бизни дала, боғ.
Олам бўйлаб ёз бўлсин,
Болалар ўйнаб, кулсин.

Топишмоқ шеър

Нима экан-а, қизиқ,
Тили йўқ, айтар қўшиқ.
Оёғи йўқ, чопади.
Узига йўл топади.
Сира-сира олмас дам,
Ухламас тунлари ҳам.
Қара, қўлсиз-ку ўзи,
Ғовларни кетар бузиб.
Оғзи йўқ, ютаман, дер,
Аждардан ўтаман, дер.
Кўзи йўқ, лекин ёнар,
Мушук деб юрма яна.
Қишда бир оз олар дам,
Қани, топдингми, укам?

Болаларга ўқиб беринг

Қайга кетди камалак?

Камалакжон,
Камалак,
Баҳорга ҳусн, безак.
Дўстлар: қаранг
Камалакда етти ранг.
Осмон кийди беқасам...
Йўқ, дарсдан сўнг қарасам:
Қайга кетди камалак,
Қайга кетди камалак?
— Камалак,
Ишга шошар,
Оламга ранг улашар.
Бўёғин берар бўлиб,
Яшнар бинафша бўлиб.
Яшил ранги — япроқлар,
Яшил гилам — ўтлоқлар.
Қирда лолалар алвон,
Камалакдан ранг олган.
Сариқ рангидан буғдой,
Қўр олиб ёнар чўғдай.
Оқ ранги — олча гули,
Боқар шохларда кулиб
Йўлларда кўзим тушди:
Шафтолилар ним пушти.
Ғунчалар оловланди,
Олам ял-ял товланди.
Яшнади
Еру фалак —
Жонли камалак.

СЕРХОСИЯТ ИСИРИҚ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўсимлик моддалари химияси институти олимлари академик Собир Юнусов раҳбарлигида бир неча йиллардан бери Урта Осиёда ўсадиган ёввойи ва маданий ўсимликларнинг химиявий таркибини ўрганаётирлар. Институт томонидан ҳар йили бир неча илмий экспедициялар уюштирилиб, ўлкамиздаги алкалоид, кумарин, гликозид, лактон ва бошқа моддалар сақловчи ўсимликлар йиғиб келтирилади. Бу ўсимлик моддалари химиявий жиҳатдан чуқур текширилибгина қолмасдан, уларнинг фармакологик хусусиятлари ҳам атрофлича синчиклаб ўрганилади. Ҳозиргача Урта Осиёда ўсадиган 200 хил ўсимликдан 700дан ортиқ алкалоид ажратиб олинди. Жумладан, исириқ ўсимлиги таркибида 20 га яқин алкалоид борлиги аниқланди. Бу алкалоидларнинг баъзилари фармакологик текширишлар натижасида медицинага тадбиқ этилди.

Ҳақиқатан ҳам исириқ — Урта Осиё халқлари орасида азалдан маълум ва машҳур ўсимлик. Унинг шифобахшлик хусусиятларини буюк алломалар Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний ҳам таъкидлаб, бўғин оғриғига ва кўз қувватини оширишга ишлатишни тавсия этганлар. Урта Осиёда, Ҳиндистон ва Афғонистонда исириқни гижжани туширш, шол касаллиги, шиш яралари, бод, нафас қисилиш касалликларини даволашда, шунингдек, исириқдан тайёрланган қайнатма билан чорвачиликда ҳайвонларда учрайдиган кўтир касалларини даволашда ҳамда сўна личинкаларини йўқотишда қўллаганлар. Шунингдек, исириқ тез-тез тутатилган хонадонларда грипп касаллиги камроқ учраши — ҳаммага аён ҳақиқат.

Мана, эндиликда исириқнинг шифобахшлиги ундаги алкалоид моддаларига боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланди. Исириқ таркибидаги алкалоидларнинг умумий миқдори унинг ўсиш даврига қараб ўзгариб бориши аниқланди. Унинг пояси 12—14 сантиметр бўлганда таркибидаги алкалоид энг юқори — 2,17 фоиз, ғунчалай бошлаганда 2 фоиз, гуллаганда ва уруғлай бошлаганда 1,3 фоиз, ўсимликнинг пояси қурий бошлаганда эса алкалоид миқдори ярим фоизга тушиб қолади. Пишган уруғ таркибида 5 фоизгача алкалоид мавжуд.

Ўсимликнинг ўсиш жойига қараб унинг таркибидаги алкалоидлар миқдори ва сифати ҳам ўзгаради. Чунончи, Фориш районининг Чимқўрғон, Киров номли ва Карл Маркс номли совхозларидан йиғилган исириқлардаги алкалоид миқдори ғунчалаш пайтида 2—2,17 фоиз атрофида бўлса, Самарқанд областининг Нурота районидаги В. И. Ленин номли, «Нурота» ва «Қизилча» совхозлари территориясидан олинган намуналарда 1,78 фоизгача алкалоидлар миқдори бор экан. Қизилқум чўлларидаги исириқ таркибида 2 фоизгача, Чимкент областининг Сузоқ районидан йиғилган намунада 1,35 фоиз алкалоид сақланиши исботланди. Тожикистон ССРнинг Ленинобод областидан келтирилган намунада 1,3 фоиз, Қирғизистоннинг Талас водийсидан олинган намунада эса алкалоидлар миқдори 1,74 фоизлиги аниқланди. Шундай қилиб, химиявий текширишлар натижасида исириқни кўп миқдорда саноат учун хомашё сифатида Жиззах ва Самарқанд областларидан йиғиш керак деган хулосага келинди.

Институтимизда исириқ алкалоидларини тоза ҳолда алоҳида ажратиб олиш ишлари йўлга қўйилганлиги сабабли унинг шифобахшлик хусусиятларини ўрганишда қулайлик туғилди. Исириқ тутуни ва ўсимликдан олинган алкалоидларнинг организмга қандай таъсир қилишини ўрганиш мақсадида фармаколог олимларимиз исириқ тутунининг, ўсимликдан тайёрланган бир ва ўн фоизли дамламасининг ҳамда пеганин, гармин, гармалол алкалоидларининг ич терлама, ичак таёқчаси ва тилларанг стафилоккокк бактерияларига таъсири кучлилигини аниқладилар. Бу ўсимликдан олинган дезоксипеганин алкалоиди марказий нерв системаси ҳамда ошқозон-ичак фаолиятларини яхшилаши маълум бўлди. Шу сабабли СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги Фармакология комитети бу препаратни медицина практикасида радикулит, радикулоневрит, шол касалликларида, бош мияга қон қуйилганда кенг қўллашни тавсия қилдилар. Исириқдан олинган препарат медицинага кенг татбиқ қилиниши муносабати билан мазкур ишда қатнашган олимларнинг бир группасига Д. И. Менделеев номидаги республика химиклар жамиятининг I даражали дипломи ва пул мукофоти берилди.

Институт олимлари исириқнинг биологик хусусиятларини, тарқалишини ўрганиб, унинг табиий запасларини аниқлашда давом этмоқдалар.

Исириқ асосан уруғидан кўпаяди. Табиий шароитда март ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб кўкара бошлайди. Майнинг ўрталарида ёпасига гуллайди. Гулларида асалариларни ўзига жалб қилади. Июлнинг ўрталарида исириқ мева туга бошлайди, уруғ августнинг бошларида пишиб етилади. Сентябрнинг ўрталарида унинг вегетация даври тугаб, пояси қурийди. Урта Осиё республикаларининг деярли ҳамма областларида қалин исириқзорларни учратиш мумкин. Республикамизнинг адир ва чўлларида ҳам бу ўсимлик кўплаб ўсади. Айниқса, Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Қорақалпоғистон областларининг чўл ва пастки адир зоналарида қалин исириқзорлар кўп.

Исириқнинг саноат миқёсида тайёрлашга яроқли массивларни Нурота тоғ тизмасининг шимолий-шарқий ёнбағирлари билан Ҳайдар кўл (Тузкон) оралиғидаги кенг майдонларда жойлашган. Зеро, дезоксипеганин гидрохлорид препаратига талаб ҳар йил ошиб бораётир. Агар институтда 1981 йили 20 килограмм препарат (яъни 1 миллион дона ампула) ишлаб чиқарилган бўлса, 1982 йилда бу миқдор икки баробар ортади, яъни препарат ишлаб чиқариш 40 килограммга (2 миллион дона ампулага) кўпаяди.

Шуни қайд этиш керакки, республикамиздаги исириқзор майдонлардан ҳар йили 190—200 тоннагача исириқ хомашёсини йиғиб олиш мумкин. Бу миқдор Давлат фармакология комитетининг ўсимлик хомашёсига бўлган талабини тўлиқ қондиради.

Исириқдан олинган бошқа алкалоидлар ҳам фармакологлар томонидан чуқур текширилаётир. Улар яқин йиллар ичида медицинага тадбиқ этилса ажаб эмас. Бу ўсимлик фақат препаратлар манбаи бўлиб қолмасдан, асаларичиларни бол билан таъминловчи ўсимлик ҳамдир. Қишда унинг таркибидаги алкалоидлар камайиб кетганда чорва моллари учун озуқа ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олиб, Жиззах ва Самарқанд областларидаги исириқзорларни муҳофаза қилиш мақсадга мувофиқдир. Келажакда исириқни уруғидан кўпайтириб, плантациялар ташкил этилса, ундан комплекс фойдаланиш ҳамда йиғишни механизациялаштириш имкониятини берарди.

Шу нарсани ҳам унутмаслик керакки, исириқдан шахсий бойлик орттириш мақсадида уни плансиз равишда йиғиб келиб, бозорларда сотаётган шахсларнинг фаолиятига чек қўйиш керак. Яқин йилларда Ўрмонхўжалик ходимлари ва бошқа алоқадор ташкилотлар исириқни йиғиб, савдо ташкилотлари ёки дорихоналар орқали реализация қилишни йўлга қўядилар, деган умиддамиз. Табиат инъоми бўлган исириқдан рационал фойдаланиш, исириқзорларни кўпайтириш ва сақлаш давримизнинг талабидир.

Умарқул РАҲМОНҚУЛОВ,
Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўсимлик моддалари химияси институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати

Наботот оламида

ОДАМЛАР ВА ЙЎЛБАРСЛАР

Зоологлар ва ўрмончилар 1972 йили Ҳиндистонда ҳаммаси бўлиб 1 минг 827 йўлбарс борлигини ҳисоблаб чиқдилар. Ҳолбуки, асримиз бошида бу ерда чакалакзорлар ҳукмрони салкам 40 мингга етарди. Маҳаллий ва келгинди овчи тўралар дастидан бенгал йўлбарслари хавфли ҳалокатга йўлиқди. Баъзан овчи тўралар ўзларининг «рекорд»лари билан мақтаниб, кўкракларига урардилар. Чунончи, 1953 йил Саргураха исмли кимса ўз ҳисобидаги мингинчи йўлбарсни отганида худди мана шундай тантана қилган эди!

Ҳинд табиатшуносларининг таъкидлашларича, бу қирғин фақат йўлбарсларгагина хавф солаётгани йўқ. Тимсоҳларнинг, маймунларнинг айрим турлари, буғулар, оҳулар қарийб қирилиб кетди, ёввойи филлар эса кескин камайди. Ўттиз йилгача ҳеч ким ҳинд читасининг изини кўролмади. Гужарот штатидаги ўрмонзор Гир массиви — Осиё шери яшайдиган ягона жойдир. Баъзи вақтларда мазкур жонивор ҳаммаси бўлиб бир неча ўнтага тушиб қолди. «Ҳайвонлар подшоси»нинг бу ажойиб тури ҳалокат ёқасида эди.

1972 йили Ҳиндистон парламенти табиатни қўриқлаш ҳақидаги қонунни тасдиқлаб, миллий парклар ва қўриқхоналарни ташкил этди, камёб ҳайвонларни овлашни тақиқлади. Худди шу пайтда Ҳиндистонда машҳур «Йўлбарс лойиҳаси» юзага келди, яъни табиатнинг бетимсол эҳсонини сақлаб қолишга киришилди. 1973 йил апрелида Деҳлидан 300 километрча шимоли-шарқда, жанубий Ҳимолай тоғлари табиатининг билимдони, овчи-ёзувчи Ж. Корбетта номидаги миллий боғда умуммиллий ҳаракатнинг расмий тантанаси бошланди. Шундан кейин бу соҳада жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилди.

— Албатта, қўриқланаётган майдон чегарасини кенгайтиришни истардик,— дейди миллий боғ директори С. В. Сингх.— Лекин Ҳиндистон шароитида буни рўёбга чиқариш жуда мураккаб. Аҳоли сони тез ўсаётир, 110 миллион киши истиқомат қилаётган бизнинг штатимизда бўш жойлар у қадарлик кўп эмас...

Ҳиндистон ҳукуматининг баъзан моддий зарар кўриб ва қўшимча харажатлар қилиб бўлса-да, табиатни қўриқлашга оид тадбирларни ўтказаётир. Ҳозир фақат «Йўлбарс лойиҳаси» теварагидагина 16 минг квадрат километр майдонни ўз ичига олган 11 та йўлбарс қўриқхонаси яратилган ва улар ишлаб турибди. Бу кўрилган тадбирлар ўзини тўла оқлади. 1979 йилги сўнгги ҳисоб-китобнинг кўрсатишича, Ҳиндистонда йўлбарслар тобора кўпайиб боряпти. Ҳозир уларнинг сони тўрт мингтага етди. Осиё шерларининг кўпайишига ҳам аниқ ишонч ҳосил бўлди.

Ҳиндистон пойтахтидаги табиат музейининг охирги залида заминдаги мўъжизавий ҳаёт оламига ва унинг бойликларига дўстона муносабат ҳақида чақириқ бор. Музей экспозициясида Ҳиндистонда йўқолиб кетаётган йиртқич ҳайвонлар, шу жумладан чита тулупларидан иборат улкан стенд, унинг ёнида каттакон кўзгу ҳам қўйилган. Ойна ичида йирик ҳарфли ёзув бор: «Сиз ҳозир табиат муҳитини сақлаб қолувчи ягона тирик жонни кўриб турибсиз — бу сизнинг ўзингиз». Ҳиндистонда бу ойнага тобора тез-тез қараяптилар, бу муаммолар устида тобора кўпроқ фикр юритяптилар ва уларни ҳал этишга киришяптилар.

«Правда», 1982 йил, апрель

Халқаро мавзуларда

ХАЛҚЛАР ТИЛАГИ

Совет Иттифоқининг герман фашизми ва япон милитаризми устидан қозонган тарихий ғалабаси дунё халқлари учун узоқ давом этган тинчлик йиллари даври деб аталмиш буюк имкониятни яратиб берди. Мана, 37 йилдирки, инсоният катта уруш хавф-хатаридан холи яшамоқда.

Қаҳрамон совет халқи томонидан немис фашизми ва япон милитаризмининг ер билан яксон қилиниши натижасида уруш ва агрессия кучлари чекинишга мажбур бўлди, Европани тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик қитъасига айлантириш учун тарихий имкониятлар юзага чиқди. Ер куррасининг ҳамма нуқталарида, шу жумладан, Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган олижаноб ва шарафли курашини Советлар мамлакати бир дақиқа бўлса ҳам асло тўхтатмаётганлигини ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Касаба союзлари XVII съездида ва Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларида яна таъкидлаб ўтди.

Совет Иттифоқи Осиё қитъасининг йирик давлатлари Ҳиндистон, Хитой Халқ Республикаси ва Япония билан энг яхши қўшничилик ва ҳамкорлик алоқаларини ўзаро манфаатли тарзда ривожлантиришга астойдил интилиб келмоқда. Жумладан, ҳамма соҳаларда тинмай ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётган Совет — Ҳиндистон муносабатлари Осиёда тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим ва таъсирли омили бўлиб турибди.

Совет Иттифоқи қўшни Япония ва Хитой Халқ Республикаси билан ҳам тинчлик, ҳамкорлик манфаатлари йўлида ўз халқлари туб манфаатларига мос тушувчи алоқаларини яхши изга солиб юбориш учун холисона ҳаракат қилмоқда. Совет давлати раҳбарининг Тошкентдаги тантанада олдинга сурган таклифлари тинчликсевар совет дипломатиясининг бу борадаги мўътабар қадами ва тарихий ташаббуси бўлди. Осиё қитъасида тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари Хитой ва Япония томонидан ҳам ана шу руҳдаги қадамлар қўйилишини тақозо этади. Жаҳон аҳли ҳам бу тарихий ташаббусни Совет ҳукуматининг тинчликни сақлаш томон қўйилган мўътабар қадамлари деб юксак баҳолади.

Афсуски, империалистик мамлакатлар, биринчи галда АҚШ ўзаро ҳамкорлик ва тинчликни сақлаш учун кураш принципларидан чекиниб, Европани қайтадан кескинлик ўчоғига айлантириш сиёсатига ружу қўйдилар, «совуқ муносабатлар уруши»ни бошлаб юбордилар, социализмга туҳмат қилиш, тинчлик ва халқаро хавфсизликка таҳдид солиш, ҳарбий васвасани авж олдириш, янги урушга тайёргарлик кўриш Ғарбдаги давлатлар ички ва ташқи сиёсатларига асос қилиб олинди. Империализмнинг эски касаллиги ҳисобланган милитаризм яна хуруж қила бошлади.

Ўттиз уч йилдан бери НАТО блоки Европа сиёсий иқлимини заҳарлаб келмоқда, қитъадаги мамлакатлар ва халқлар ҳамкорлигига раҳна солиб, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига путур етказмоқда. Вашингтоннинг ҳомийлиги ва раҳнамолигида НАТОнинг дипломатлари ва генераллари аслида бўлмаган «совет хавфи»ни баҳона қилиб, блокка аъзо бўлган давлатлар ҳарбий бюджетларини бир неча баробар кўпайтиришга мажбур қилдилар. «Қизил хавф»ни баҳона қилиб, милитаризмни кучайтириш империалистик доираларнинг эски сиёсатидир. НАТО блокининг амалий фаолиятида буни яққолроқ кўриш мумкин. Агар НАТОнинг ҳарбий бюджети 1949 йилда 18 миллиард 700 миллион долларни ташкил қилган бўлса, бу рақам 1981 йилда 300 миллиард долларга етди. Демак, ўтган йиллар давомида мазкур агрессив блокнинг ҳарбий харажатлари тахминан 20 баробар ошган. НАТО ҳарбий комитетининг маълумотига қараганда, 1979—1990 йилларда қайта қуролланиш ва ҳарбий мақсадлар учун 2.604 миллиард доллар сарфланади. Биргина 1981 йилда НАТОнинг ғарбий европалик иштирокчилари 710 та танк ва бронемашина, 385 та самолёт ва вертолёт, 180 та тўп, 5 минг 215 та ракета системалари, 13 та йирик жанговар кема ва бошқа ҳарбий техника сотиб олдилар.

Океан ортидаги НАТО раҳнамоларига бу ҳам камлик қилмоқда. Оқ уй НАТОдаги Ғарб иттифоқчиларини ҳарбий бюджетларни бекиёс даражада ошириб юборишга ундамоқда. Ана шу йўл билан Италия, Англия, Ғарбий Германия ва блокнинг бошқа аъзоларининг ҳарбий харажатлари йилдан йилга ортиб бормоқда, унинг бутун оғирчилиги оддий меҳнаткашларнинг елкасига тушмоқда. Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар министри Геншер «Бильд-Цайтунг» газетасининг мухбири билан суҳбатда: «Биз тинчликни таъминлашни ва халқлар елкасидаги ҳарбий харажатларнинг оғир юкини камайтиришни истаймиз», деб айтди. Амалда-чи? Аксинча бўлмоқда. Жумладан, Ғарбий Германиянинг бундесверга ажратган маблағи 1981 йилда 60 миллиард маркага тенг бўлди. Бу НАТО мамлакатлари ичидаги ҳажми жиҳатидан АҚШдан сўнг иккинчи ҳарбий бюджетдир. НАТОнинг Марказий Европадаги ҳарбий-ҳаво кучларининг 30 проценти, қуруқликдаги кучларининг 50 проценти, ҳарбий-денгиз кучларининг 60 проценти, ҳарбий-денгиз кучлари авиациясининг 100 проценти бундесверга тўғри келади. Ғарбий Германия қуролли кучларининг состави аллақачон 500 минг кишидан ортиб кетган.

Бугун НАТО ихтиёрида 70 дивизия, 11 минг танк, 3 минг самолёт, 7 минг ядро заряди бор. НАТОда 986 та ўрта масофага учириладиган ядровий воситалар мавжуд. АҚШнинг ўзи Европада 200 минг кишилик армия, 7 мингдан ортиқ ядровий қурол, Першинг, ЛЭНС, Онест Джон ракеталари, оғир бомбардимончи самолётларни ушлаб турибди.

1979 йилнинг 12 декабрь кечаси НАТО кенгаши тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи навбатдаги қора ниятли ишга қўл урди. Вашингтон ҳомийлигида Ғарбий Европада ўртача олисликка учадиган 600 та Першинг-2 ва «Томагавк» қанотли ракеталарини жойлаштириш ҳақидаги қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан 1983 йилнинг кузидан бошлаб Америка ракеталари Ғарбий Германия, Италия ва Англия территориясида жойлаштирила бошланиши керак. Маълумки, мазкур хавфли ва хатарли қадамлар билан Пентагон Европадаги ҳарбий кучлар нисбатини НАТО фойдасига оширмоқчи бўлмоқда. Ғарбий Европада Американинг янги ракета-ядро қуролининг жойлаштирилиши НАТО мамлакатлари халқлари тақдирини ўта хавф остида қолдириши мумкинлиги билан Вашингтоннинг иши йўқ.

Ҳарбий кескинликни юмшатиш ва Европа қитъасида қуролланишни чеклаш ишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ушбу машъум қарорни миллион-миллион соф виждонли кишилар кескин қораламоқдалар. Европани Америка ядро полигонига айлантиришга, кескинликнинг кучайтирилишига қарши ҳаракат янада кучайди. Рим, Париж, Лондон ва НАТО мамлакатларининг бошқа пойтахтларидаги кучли намойишлар, митинглар Америка ракеталари ва Пентагоннинг хавфли планларига қарши шиорлар остида ўтганлиги бежиз эмас.

АҚШ ва НАТО блоки Европада янги стратегик вазият вужудга келтириш орқали ҳарбий устунликни қўлга киритишни мақсад қилиб олмоқда. АҚШ Европада «чекланган ядро уруши»ни олиб бориш доктринасини ишлаб чиқмоқда.

АҚШ раҳбар доиралари халқаро ҳаётда юз бераётган воқеалардан доимо ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга одатланиб қолган. Вашингтон дипломатияси Фолкленд (Мальвин) ороллари туфайли Аргентина билан Англия ўртасида юз берган можарода ҳам ана шу йўлни тутди.

Жаҳон жамоатчилиги Жанубий Атлантикадаги можарони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарорлари руҳида оқилона ҳал қилинишини кутадилар. Лотин Америкасидаги вазиятни баттар кескинлаштиришга йўл қўймаслик керак.

Милитаризм касалига чалинганларнинг қалтис сиёсати, ҳарбий васвасани авж олдириш, қайта қуролланиш НАТО мамлакатлари халқлари иқтисодий аҳволини ҳам ўта ёмонлаштирмоқда. Давлат бюджетида ҳарбий харажатлар ижтимоий-социал мақсадлар учун белгиланган маблағларни тобора қисқартириш эвазига ошиб бормоқда. НАТОга аъзо бўлган Ғарб давлатларида ишсизлик кучаймоқда, нарх-наво тинмай кўтарилмоқда. Масалан, 1982 йилнинг бошларида ишсизлар сони Англияда 3 миллион, Италияда 2 миллион, Ғарбий Германияда 1,7 миллион, Францияда 2 миллион кишини ташкил қилди. НАТОнинг штаб-квартираси жойлашган Бельгияда эса ишсизлар армиясининг сафлари 500 минг кишидан ортиб кетди. НАТОнинг ҳомийси ҳисобланган АҚШнинг ўзида ишсизларнинг сони 10 миллионга етди. 1981 йилда НАТО мамлакатларида чакана нархлар ўртача 12,5 процентга ошди. Нарх-наво Англия ва Данияда 11,5 процентга, Францияда 14 процентга, АҚШда 10 процентга, Италияда 20 процентга кўтарилди. Буларнинг ҳаммаси ҳарбийлаштириш сиёсати халқаро вазиятни кескинлаштириш билан бир қаторда миллион-миллион меҳнаткашларнинг иқтисодий аҳволини ҳам чидаб бўлмас даражада ёмонлаштираётганлигини кўрсатади.

Совет Иттифоқи Европада тинчликни мустаҳкамлаш, қитъа осмонини янги уруш хавфининг қора булутларидан тозалаш учун социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳамкорликда астойдил курашмоқда. Жумладан, жаҳон сиёсатида янги уфқлар очган КПССнинг XXIV, XXV, XXVI съездлари қабул қилган Тинчлик программаларида Европада тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Тинчлик ва бошқа мамлакатлар билан тинч ҳамкорлик ишига содиқлик жамиятимиз моҳиятидан келиб чиқади. Бу йўл Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб изчиллик билан ўтказиб келинмоқда.

Совет Иттифоқининг Франция, Германия Федератив Республикаси, Италия билан муносабатларининг яхши изга солиниши Европадаги халқаро аҳволнинг соғломлаштирилишида мўътабар қадамлар бўлди. 70-йилларнинг ўрталарида Умумевропа кенгашининг чақирилиши, унинг расмий ҳужжатлари жаҳондаги умумий вазиятга ҳам ижобий таъсир қилди.

Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар Европадаги халқаро ҳаётнинг муҳим омилига айланди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1981 йилнинг ноябрь ойида учинчи маротаба Германия Федератив Республикасига қилган сафари якунлари, ижтимоий тузумларидан қатъий назар, давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча сиёсатининг, ҳозирги босқичда КПСС XXVI съезди маъқуллаган Тинчлик программасида ўзининг тўла ифодасини топган доно сиёсат тантанасининг янги яққол далилидир. «Бизнинг ўртамиздаги тафовутлардан қатъий назар,— деб айтди ўртоқ Л. И. Брежнев мазкур сафар пайтида,— Европа бизнинг умумий масканимиздир. Тақдирларнинг муштараклиги бизни асрлар бўйи ўзаро боғлаб келди ва бугунги кунда ҳам боғлаб турибди.

Совет Иттифоқи билан ГФР турли ижтимоий тузумдаги давлатлардир. Бизнинг кўп соҳадаги сиёсий тасаввурларимиз бир-бирига ўхшамайди, келишмовчиликлар мавжуд. Аммо биз инсониятнинг олий бойлиги — тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолишдан иборат муштарак бош вазифа олдида ана шу келишмовчиликлар орқага суриб қўйилиши керак, деб ҳисоблаймиз».

Европадаги қуролли кучлар ва ядровий қуролларни чеклаш ва қисқартириш қитъадаги вазиятни яхшилашнинг энг адолатли йўлидир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг ўртоқ Л. И. Брежневнинг Германия Федератив Республикасига қилган расмий сафари якунлари тўғрисидаги ҳужжатида айтилганидек, «Европадаги ядро қуроли тўғрисидаги масала — қитъанинг келажаги тўғрисидаги, унда яшаётган юз миллионлаб кишиларнинг тақдири ҳақидаги масала бўлибгина қолмай, у ялпи тинчликнинг тақдири тўғрисидаги масала ҳамдир. Совет Иттифоқи музокаралар столи ёнида масалани шундай ҳал этиш йўлини қидириб топиш тарафдорики, токи ҳеч кимнинг хавфсизлигига зиён етказилмасин, Европадаги ҳарбий қарама-қарши туриш даражаси эса пасайтириладиган бўлсин».

Совет Иттифоқи бутун дунёда, шу жумладан Европада тинчлик, хавфсизлик ва халқлар ҳамкорлигини тинмай мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида АҚШ билан бўлган муносабатларини ҳам ривожлантириш тарафдори бўлиб чиқмоқда. Буни ўртоқ Л. И. Брежнев «Правда» газетаси мухбири саволига берган жавобида яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Лекин агрессив доиралар, биринчи галда Америка империализми Европадаги вазиятни юмшатиш жараёнига турли баҳоналар билан қаршилик қилмоқдалар. Жумладан, Вена, Женева ва Мадридда олиб борилаётган музокаралар АҚШнинг айби билан ҳалигача бирор натижа бергани йўқ. Ҳолбуки, жаҳон жамоатчилиги юқоридаги Европа пойтахтларида бўлаётган учрашувларни алоҳида умид ва орзу билан кузатиб турибди. Империалистик доираларнинг уруш сиёсатини фош қилиб ташлаш, тинчликка ва инсониятга қарши тайёрланаётган даҳшатли жиноятга йўл қўймаслик — барча халқларнинг, ер юзидаги ҳамма софдил кишиларнинг бевосита бурчидир.

«Бизнинг тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш йўлидаги курашимиз,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида,— аввало, совет халқи олдида турган бунёдкорлик вазифаларини ҳал қилиш учун унга зарур ташқи шароитларни таъминлаб бериш йўлидаги курашдир. Шу тариқа биз чинакам жаҳоншумул характердаги проблемани ҳам ҳал этамиз. Чунки ҳозир биронта халқ учун тинчликни сақлаб қолишдан ҳам, ҳар бир кишининг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини таъминлашдан ҳам зарурроқ, муҳимроқ вазифа йўқ».

Халқларнинг олий тилаги тинчликдир. Шунинг учун Европа халқлари ҳам, бошқа қитъалардаги барча соф виждонли кишилар ҳам тинчлик ва ҳамкорликнинг, хавфсизлик ва дўстликнинг тантана қилишини истайдилар.

Талъат СОЛИЕВ

Чақир-чақир

Шиқанак

Шоҳид ТОҲИРОВ

Нафрат ўқини от

Нафрат ўқини ҳар бир хатару батарга от,
Ҳаёт болини бели оғримай тотарга от.
Меҳнат нима, билмас, тайёргa ўта айёр,
Эл-юрт бойлигини кемириб еб ётарга от.
Ўзга ҳисобига семириб, айшида бадмаст,
Зотн юлғич, қўли эгри, олибсотарга от.
Кўзи кўр, қулоғи кар, виждони эса жиғилдон,
Ноҳақни қўйиб, ҳаққа зимдан тош отарга от.
Қилмишидан илиниб, эй воҳ, зарба етар он,
Тили калимага келмай, шамдек қотарга от.
Замон ҳукми тиғига учраб, охир ва абад,
Бутун борлиғи билан балчиққа ботарга от.

Сўнгги қадаҳ.

Футбол куни...

Муҳтарама УЛУҒОВА

Ишқибозлар яна бир тан, битта жон бўлди,
Гиналар-ку, эриб кетган қор-қишлар билан.
Юракларга Ўзбекистон осмони тўлди
«Пахтакор», ур!»— деган собит олқишлар билан.

Футбол куни томошабин сони ёзилган
Таблодаги рақам ҳар гал таҳрирталабдир.
Экранларга жон ҳовучлаб термилганларни —
Миллионларни ким улгуриб тўғри санабди?

Футбол куни тонг ҳам гўё барвақт ёришар,
Катта-кичик бақслашади қутлуғ ниятда:
«Пахтакорлик шарафию номи, ҳурмати,
«Динамо»ни ютажакмиз бугун, албатта!»

Футбол куни ҳар дамгидан сахий оталар,
Эритишнинг йўлин билар кичкинтойлар ҳам:
«Дада, мени айтди дейсиз, бугун ютамиз,
Командамиз чемпионмиш — тушимда кўрсам».

Ўзи ўчоқ бошидаю хаёли уйда:
Ичкаридан эшитилса бўғиқ товушлар,
Идишларин панароққа беркитиб аёл
«Пахтакор»га омад тилар, юрак ҳовучлар.

Футбол куни ошиқ йигит паришонхотир
Гапни чайнаб, хафа қилса кўзи сузигин,
Эҳ, «Пахтакор» ютса борми, эрта висолга —
Бир йўласи олиб келар никоҳ узугин.

Футбол куни мажлис қизқа, қоғозбозлик йўқ,
Тингловчию маърузачи шошар — ишқибоз.
Бир-бирини тезроқ, кўпроқ англар одамлар,
Битиб кетар қизил қорни кутган илтимос.

Гар ёнма-ён ўтиришса жанжалкаш дўстлар,
Футбол куни унут бўлар кўнгил доғлари,
Минг йиллик дўст, жонажондек қучоқлашурлар,
Қутлуғ голдан қулаб тушар гина тоғлари.

Футбол куни уй бекалар хуш кайфиятда
Ош дамлашар, ошлар заҳар бўлмасин учун —
Дуранг бўлсин омад кулиб боқмаган ўйин,
Йўқ, омадни яратингу зафарлар қучинг!

Гар «Пахтакор» ютса, эрта қўллар, кўнгиллар
Интилгани — ниятларга осон етади.
Футбол куни лоқайдликнинг уйи — вайрона,
Дунё яхши одамларга тўлиб кетади.

ҲУСНБУЗАРЛАР

Автобусда одам тирбанд. Тахтакачa олинган дўппидай қисилиб келаётган йигит қалпоғи қош-кўзини бекитиб тушган кимсага:

— Шодивой, шу ердан омонгсон тушсам, уйга бориб, битта хўроз сўйворардим,— деди.

— Менга деса туя сўймайсанми!— деди шериги афтини буриштириб.— Тамом бўлдим, Кабайда тушиб қоламан.

— Мен бир амаллаб Адонишга етиб оламан.

Автобус тўхташи билан Шодивой юлқиниб, ўзини пастга отди. Мен ҳам нинага ўтказилган ипдай у очган йўлдан ташқарига чиқиб олдим. Костюмининг шалвираб турган тугмасини узиб, чўнтагига солаётган Шодивойдан қўрқа-писа сўрадим:

— Узр, биродар, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим: боя «Кабайда тушаман», деган эдингиз, Кабай нима, янги бекатнинг номими?

Шодивой янги тушган кенг йўлни кўрсатди:

— Анови кўчанинг номи, ўқиб кўришингиз мумкин...

Нима бўпти, ўқисак ўқийверамиз. Секин бориб деворга ёпиштирилган лавҳага кўз югуртирдим: «К. Абай кўчаси», яъни, Абай Қўнонбоев кўчаси. Э... ҳа, Шодивой тушмагур шоирнинг қисқартирилган фамилиясини унинг исмига қўшиб айтган экан-да. Демак, Шодивойнинг дўсти тилга олган «Адониш» эса «Аҳмад Дониш кўчаси» дегани бўлади-да! Во ажаб, фаросат кўчасида оқсаб қолган муллакалар машҳур кишиларнинг исм-шарифларини тўлиқ ёзишса, асакалари кетар эканми?

Асабим танбур торидай таранг тортиб кетаётиб, улкан бозор рўпарасидан чиқиб қолибман. Тўхта-чи, бу қайси бозор экан. Дўппини бир қўлим билан босиб туриб вивескани ўқиндиму фиғоним фалакка чиқиб кетди. Бозор маъмуриятидаги саводи эркак сабзидай ғовлаб кетган нўноқ мутасаддилар «Тошкент шаҳар Фрунзе район маркази С. К. бозори Дирекцияси», деб ёзишибди.

Ҳой, яхшилар, айтинг-чи, бу уйқусираган одамнинг талмовсирашими ё кайфи тароқ кишининг пойинтар-сойинтар валдирашими?

Шаҳарнинг сўлим майдонларидан бирида шоир Фурқатга ўрнатилган улуғвор ҳайкални кўриб кўзингиз қувонади. Аммо ундаги Фуркат деган ёзувни ўқиб, дилингиз хуфтон бўлади. Оддий «к» ҳарфининг тагига битта чизиқ тортишга ким зиқналик қилди экан?

Бордию, Тошкент шаҳар, Ҳамза район автостанциясидаги тут дарахтига мих билан парчинланган вивескага кўзингиз тушса, тепа сочингиз тикка бўлади. Дарахт ўтқазиш, дарахт кўкартириш хайрли иш. Ниҳол ўстириб эзгу иш қилиш ўрнига унинг танасига тиғ уриш, жароҳат етказишга қайси тошмеҳрнинг қўли борди экан? Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бир қанча дўкон, магазин пештоқларида одамнинг ғашини келтирадиган вивескалар ўз «ижодкор»ларининг саводсизлигини кўз-кўз қилиб туради.

Қизиқ, пойафзаал эмас, пойабзал ёзилишини ҳатто биринчи синф ўқувчиси ҳам билади-ку, ахир?

Жуда кўп ташкилот ва муассаса пештоқларидаги саводсизларча, пала-партиш ёзилган вивескаларни, эълонларни ёзишга мутасадди бўлган кишилар наҳотки, ўз масъулиятларини унутиб қўйишган бўлса?

Абдулла ҚОЗОҚ

ФУТБОЛ ТЕРМИНЛАРИ

«Беш сўм арзонига бериб «гол»-лик қилибсан».

* * *

«Эҳтиёт бўлиб, фақат меҳмонларга ошир».

* * *

«Қўлингга текканини судья кўрмаса бас».

* * *

«Сенга узатаётганида битта ҳам томошабин бўлмагани маъқул».

ЧАЙҚОВЧИЛАР ТАЛҚИНИДА

* * *

«Жаримага илинмай десанг, пастдан узат».

* * *

«Сен ўзингни ўйла, каллани бошқалар ишлатаверсин».

* * *

«Капитандан ўн бир метр олисда юр».

А. ЗАЙНИДДИНОВ

«СУВОҚЧИ»

Адабиётни ўз қолипига солмоқчи баъзи «таҳриричи» ошнолар бор...

Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм

ҚАТРА ХАНДАЛАР

ЗАЛ ҚИЗ ҚАЙДА?

— Театримизга доим бир гўзал билан келардингиз?

— Унга уйланганман. Ҳозир у уй ишлари билан банд.

ПОЙАБЗАЛ МАГАЗИНИДА

Сотувчи қиз.— Амаки, кичик размерли туфли оляпсиз, келинойимнинг оёқлари шунақа кичкинами?

Харидор.— Оёғини қиссин деб жўрттага кичкинасини оляпман. Театрга бораман, кинога бораман, деб хархаша қилиб юрмасин дейман-да...

ТУҒРУҚХОНАДАН КЕЛГАНДА

— Дадаси, ўғлингиз тўрт кило-ю икки юз грамм туғилди!

— Маладес... Тарозидан уриб қолишмадимикан?

АНТЕННА

— Келинпошша, уйни шунақа йиғиштирар эканми? Анави бурчакдаги ўргимчакнинг тўрини нега олиб ташламадингиз?

— Вой, мен уни антенна деб ўйлабман.

ПУПИСА

— Ҳолажон, 16-касалхона қаердалигини айтиб беролмайсизми?

— Яна бир марта «хола» десанг, ўша касалхонангга қандай бориб қолганингни билмай қоласан!

ШАҲАРЛИК КЕЛИН

— Қизим Севилияхон, сигирни соғиб юбора қолинг.

— Сигир соғадиган машинанглар қаерда?

Тўпловчи **А. ОДИЛОВ**

— Чирий бошлабди, дўконга чиқаринг...

Изоҳнинг ҳожати йўқ.

— Сизга яна нима керак?
— Қайтими.

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Узбекистон Компартиясининг I съезди (Рассом Реннан ВИКО).

Тўртинчи бет: Спортнинг қадимий турларидан: фарғонача ва сурхондарёча кураш.

Н. ШАРИПОВ фотолари



КРОССВОРД

Энига: 1. Қумлик дарахти. 3. Шарқда кенг тарқалган машҳур асар. 6. Муқимий шеъри. 9. Рассомлик бўёғи. 13. Пазандалик анжоми. 14. Хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича иккинчи жаҳон чемпиони бўлган биринчи совет шахматчи аёли. 15. Ватанимиз шимолидаги дарё. 18. Тақинчоқ. 19. Жонивор. 22. РСФСРдаги область маркази. 27. От-улов абзали. 28. Ўсимлик мойи . 31. Узунлик ўлчови. 32. Ширинлик. 33. Европа қитъасидаги тоғ. 36. Металл. 37. Кун. 38. Шеърий жанр. 39. Саъдий Шеъразий асари.

Бўйига: 1. Қадимги ҳинд адабий тили. 2. Минерал. 4. Тўқимачилик хом ашёси. 5. Адабий тўплам. 7. Тиниш белги. 8. Аҳоли яшайдиган кичикроқ жой. 10. Ёқилғи. 11. Иттифоқдош республика пойтахти. 12. Қишлоқ хўжалиги техникаси мутахассиси. 16. Чавандоз. 17. Ижтимоий фан. 20. Ичимлик. 21. Газлама. 23. Ўзбек классик мақомлар мажмуаси. 24. Сатирик киножурнал. 25. Йиртқич ҳайвон. 26. Жанубий Африка республикасидаги шаҳар. 29. Дон. 30. Ўзбек халқ куйи. 34. Хат. 35. Шарафли касб эгаси.

Тузувчи **Тўрабой ХОЛМАТОВ**

5-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Бўйига: 1. Тема. 2. Кун. 3. Сино. 5. Барчиной. 6. Анапа. 7. Чинор. 8. Шаҳризод. 10. Розий. 11. Ғазал. 14. Кайхусрав. 16. Орангутан. 17. Ҳукумат. 18. Музофот. 19. Шеробод. 20. Танавор. 25. Исфайрам. 28. Олчинбек. 32. Каср. 33. Аваз. 35. Обрез. 36. Афсун. 39. «Наво». 40. Шойи. 41. Умид.

Энига: 4. Беруний. 9. Самандар. 11. «Ғолиблар». 12. Азиза. 13. Сирка. 15. Робиа. 18. Муйилиш. 21. Рубоий. 22. Адолат. 23. Хазон. 24. Турон. 26. Сафар. 27. Сибиу. 29. Тафсир. 30. Тилмоч. 31. Танбанд. 34. Маъво. 36. Анжир. 37. Аскар. 38. Бассейн. 41. Улуғбек. 42. Увайсий.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ, Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари —33-35-90; масъул секретарь —32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим ва санъат бўлими —33-36-59; адабиёт —33-36-02; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими —32-58-32.

Босмахонага туширилди 22.03.82 й. Босишга рухсат этилди 21.05.82 й. Р — 07235. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5.6. Нашр ҳисоб тобоги 7,80. Тиражи 257570. Буюртма 3125. Нашр А—107.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

Туроб ТЎЛА сўзи. Сайфи ЖАЛИЛ музикаси

ШУНЧАМИ

/Лирик қўшиқ/





Киши дили нозиклиги қилчами,
Дил дегани очилмаган ғунчами?
Наҳот шунча пойламаса йўлимни,
Бир калима саломимга шунчами?

Кечаю кун изларимда юради,
Қайга боқсам, у шу ерда туради.
Кўча-кўйдан ўтишга ҳам бўлдим зор,
Ўтгунимча минг марта оҳ уради.

Салом бердим саломига, шу холос,
Аммо қўшиқ ўтди бирдан дилнавоз.
Кўзим тушди кўзларига ногиҳон,
Юрагимни титратди у, бу ҳам рост.

Атлас эди устимдаги кўйлагим,
Бирдан келиб кетди ёниб куйлагим.
Ёниб кетди юраккинам, опажон,
Ҳатто келди унинг билан ўйнагим.

Киши дили нозиклиги қилчами,
Дил дегани очилмаган ғунчами?
Наҳот шунча пойламаса йўлимни,
Бир калима саломимга шунчами?

ISSN 0134 - 2207

Бахоси 35 тийин.

Индекс 75233